

АБДУРАШИД ТҮХТАБОЕВ

МАЬМУРИЙ  
МЕНЕЖМЕНТ

"МОЛИЯ"


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

А. ТЎХТАБОЕВ

# МАЪМУРИЙ МЕНЕЖМЕНТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

Академик С. С. Фуломовнинг умумий таҳрири остида



ТОШКЕНТ – «МОЛИЯ» – 2003

**А. Т. Тұхтабоев.** Маъмурий менежмент. Тошкент, «Молия»  
нашриёти, 2003 йил, 172 б.

Мазкур қўлланмада маъмурий менежмент фанининг мазмуми ва моҳияти, унинг мамлакатимизда ва хорижда ривожланиши, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилган. Унда маъмурий менежментнинг ўзига хос хусусиятлари, ваколатлар, ҳуқук, бурч ва вазифалари унинг технологияси ва функциялари, раҳбарлик услублари ва маданияти, маъмурий-ташкилий лойиҳаларни режалаштириш, ходимлар ва раҳбарлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқа масалалар ёритилган.

Кўлланма бакалавриат **5340200 «Менежмент»** (соҳалар бўйича) йўналиши, бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Шу билан бирга раҳбарлик фаолияти билан шуғулланаётган мутахассисларга, аспирантларга ва бошқа қизиқувчиларга ҳам тавсия этилади.

**Тақризчилар:** иқтисод фанлари номзоди, Фарғона политехника институти доценти – **А. М. Солиев**  
иқтисод фанлари номзоди, Андикон муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти – **У. К. Собиров**

© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академиясининг  
«Молия» нашриёти, 2003 й.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, собиқ иттифоқнинг асосий иллати бўлган бўйруқбозликка ҳамда марказлашган революцияниш ва тақсимлашга асосланган бошқариш тизимидан воз кечиб, демократик, бозор муносабатлари талабларига мос бошқарув тизимини шакллантироқда.

Аксарият ҳолларда менежментга фақат ишлаб чиқариш санарадорлигига жавоб берувчи, уни таъминлашга масъул тизим сифатида қараб келинади. Аслида эса ҳозирги замон менежменти жамиятнинг қисми бўлиб, у қўяётган талабларга жавоб бермоғи лозим. Замонавий менежмент бутун жамиятга хизмат қилиш учун мавжуд бўлади, акс ҳолда унинг бутунги шаклда мавжуд бўлишига йўл қўйилмайди.

Бугунги кун менежменти жамиятнинг барча соҳаларига хизмат қилмоқда ва турли йўналишларда намоён бўлмоқда: ишлаб чиқариш менежменти, социал (ижтимоий) менежмент, инновацион менежмент, молиявий менежмент, маъмурий менежмент ва бошқалар.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар маъмурий бошқарув тизимини янги шароитларга мувофиқлаштиришни талаф этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида иккинчи долзарб вазифа қилиб «Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш» лозимлигини кўрсатиб, «Марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўғини ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятларини яхши ва чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганинни ҳам тан олиш керак», – деб таъкидлади [6; 2 б.].

Шунинг учун ҳам маъмурий бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бундай самарали механизмни яратиш эса «Маъмурий менежмент» фани назарияси ва амалиётини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Бўлажак мутахассисларни “Менежмент” йўналиши бўйича сифатли тайёрлашда “Маъмурий менежмент” фани алоҳида

ўрин эгаллади, чунки бу йўналиш мутахассислари нафақат корхона ва фирмаларда, балки ижтимоий соҳа, давлат ва муниципал бошқарув тизимларида ҳам фаолият олиб боришлари кўзда тутилади. Бу эса ўз навбатида ушбу фанни чукур ўрганишни тақозо этади.

Маъмурий менежмент фанининг асосий мақсади бўлажак мутахассисларга маъмурий бошқарув муносабатларини, унинг ривожланиш қонуниятлари, принциплари (тамойиллари), усул ва услубларини ўргатишдан иборат бўлиб, курснинг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат:

1. Маъмурий менежментнинг назарий асосларини ўрганиш;
  2. Бозор иқтисодиёти шароитида маъмурий менежментнинг асосий усудларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш;
  3. Бошқарув фаолияти соҳасида касбий маҳорат билимларини эгаллаш;
  4. Маъмурий менежмент соҳасида турли муаммоларни самарали ҳал қилишни ўрганиш;
  5. Бошқарув ходимлари (бўғинлари) ваколатлари, ҳукуқ, бурч ва масъулиятларини ёритиб бериш.
  6. Маъмурий бошқарув тамойиллари, функциялари ва технологиялар ҳақида тушунча бериш.
  7. Маъмурий бошқарувдаги ҳужжатлаштириш ва иш юритиши жараёнларини ўрганиш;
  8. Маъмурият ташкилий тузилишларини лойиҳалаш ва шакллантириш кўнікмаларини ҳосил қилиш.
  9. Маъмурий бошқарув усул ва услубларини эгаллаш ҳамда амалиётга жорий қилишни ўрганиш.
  10. Маъмурий бошқарув жараённида коммуникациялар ва улардан фойдаланиш кўнікмаларини ҳосил қилиш.
  11. Хорижий тажрибаларни ўрганиш, уларни қўллаш ва маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш йўлларини ўрганиш.
  12. Раҳбарлик фаолияти бўйича касбий маҳорат билимларини бериш ва бошқалар.
- Маъмурий менежмент курсини ўрганишда таълим беришнинг фаол усулларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади: ҳолатли, вазиятли машғулотлар ва мулоқотлар, амалиёт ўйинлари, ҳолатларни таҳлил қилиш ва бошқалар.

Умуман, мазкур фан қиёсий маънода ёш фанлардан бўлиб, ҳали тўла ўрганилмаган. Шундан келиб чиқиб, ушбу қўлланма бўйича билдириладиган фикр ва мулоҳазалар учун муаллиф олдиндан миннатдорчилик изҳор этади.

## **1-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Тажрибадан маълумки, бошқарувчилик мураккаб касблардан бири бўлиб, у ходимдан нафақат олий маълумотга, балки етарти маҳсус билимларга, илмий тайёргарликка, маълум тажрибага ҳам эга бўлишни талаб этади. Бошқариш жараёнининг муҳим қисми – бу қарор қабул қилишдир. Қарорларни эса фақат раҳбарлар ва раҳбарият қабул қиласи. Шунинг учун уларнинг самараодорлиги маъмурый тизим салоҳиятига, савиясига, тажрибасига ҳамда унинг оқилона ташкил этилганига боғлиқдир.

Менежмент фанидан маълумки, ташкилотларни бошқариш тизими икки мустақил, лекин ўзаро, бевосита боғлиқликда бўлган бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимларидан иборат.

Менежмент фанининг предмети ана шу икки тизим орасидаги муносабатларни ўрганиш, уларнинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини таҳлил этишдан иборат бўлса, **маъмурый менежмент** бошқаришнинг маҳсус қисми бўлиб, **бошқарувчи тизим** ичидаги муносабатларни, унинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини ўрганади, яъни турли соҳа ташкилотлари маъмуряти фаолиятларини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мотивация қилиш (ундаш) ҳамда раҳбарликни оқилона уюштириш усуllibарини ўрганади.

### **1.1. Маъмурий бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланиш босқичлари**

Менежмент фанининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этиб келаётган тарихий давр билан изоҳланади. Аммо у фан сифатида нисбатан яқинда, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 50-йилларигача шаклланиш даврини ўтади ва ҳозирга келиб туталланган, ўзининг хусусиятларига эга бўлган, инсон билимларининг назарий ва амалий асосларидан бирига айланди. "Бошқариш" фан сифатида шаклланмасдан илгари ҳам одамлар бошқариш фаолияти билан шуғулланганлар ва у бошқаришнинг амалиёт даври деб аталади. Ташкилотлар қай даражада қадимий бўлса, бошқариш амалиёти ҳам шу даражада қадимийдир. Инсонлар гурухларни ташкил этиб яшаган давр-

лардаёқ бу гурухларда бошқаришга муҳтожлик бўлган. Ҳозиргача сақланиб келаётган тарихий обидаларнинг яратилиши турли касб эгаларининг ўзаро муносабатлари расмий тарзда шаклланганлигидан ва улар маълум бир мақсад йўналишида бошқарилганлигидан далолат беради. Қадимда ва айниқса, ўрга асрларда шаклланган давлатлар, империялар фаолияти мураккаб ташкилотларни бошқариш амалиётидан дарак беради.

Бошқариш фан сифатида шакллангунга қадар бўлган бошқариш фаолияти асосан қўйидаги белгилари билан ажралиб туради:

- раҳбарлар ворислик бўйича танланган;
- бошқариш раҳбарлар томонидан буйруқ ва тазиик ўтказиш йўли билан амалга оширилган;
- ташкилот учун муҳим бўлган бошқариш қарорларини қабул қилувчи одамлар кам бўлган;
- бошқариш фаолиятига тегишли ва тегишли бўлмаган ишлар орасида нисбатан аниқ чегаралар бўлмаган;
- раҳбарлар ташкилотлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда, кўпроқ бойлик орттириш ёки ўзининг сиёсий ҳокимлигини кучайтириш мақсадида фойдаланганлар.

Юқоридаги белгилар бошқаришни ҳали фан сифатида шаклланмаганлигини кўрсатади. Чунки, ҳали бошқариш фаолиятига меҳнатнинг алоҳида бир тури сифатида қараш, бошқаришнинг усуллари ва воситаларини эгаллаш ва ривожлантиришга қизиқиш бўлмаган.

Бироқ юқорида айтганимиздек, бошқариш фан сифатида шакллангунга қадар ўтган даврларда ҳам ушбу жараённинг туб моҳияти ва мазмунини тушунган ва амалиётда қўллаган, турли мураккаб одамлар гуруҳларига муваффақиятли раҳбарлик қилган, ўз тажриба ва нуқтаи назарларини келажак авлодга мерос сифатида қолдирган буюк шахслар бўлганки, уларни ўрганишлик ҳозирги замон бошқариш фанини ривожланишига шубҳасиз самарали таъсир кўрсатади. Ана шундай сифатларга эга шахслардан бири Соҳибқирон Амир Темурдир. Унинг маъмурий бошқаришга доир бой меросини тарихий адабиётлардан билишимиз мумкин. Амир Темурнинг: "ҳар бир воли ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у тўралик мансабига лойиқ эмас", ибораси унинг раҳбарлик лавозимига, одамлар гуруҳини бошқариш фаолиятига алоҳида аҳамият берганлигини кўрсатади.

"Темур Тузуклари"ни ўқиб, мураккаб ташкилий бирикмаларни бошқаришнинг классик (чизиқли) структурасини (тузилмасини) таҳлил қилиш мумкин.

Бундан ташқари Конфуций (э.а 551-479 й.), Пан-Гэн (VIII-IX аср) ҳамда алломаларимиз Ҳожа Самандар Бақо Термизий, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва бошқа буюк аждодлар-миз меросларини ўрганиш ўша даврларда маъмурий бошқариш соҳасида бугун ҳам долзарб бўлиб турган муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатилганлигига гувоҳ бўламиз.

XIX асрнинг бошида инглиз мутафаккири, ижтимоий соҳалар бўйича илгор дунёқарашлари билан машхур олим Роберт Оуэн ташкилотнинг ўз мақсадларига одамларнинг муносабатларини мувофиқлаштириш ёрдамида этишиш муаммоларига алоҳида аҳамият берган. У Шотландияда фабрика очиб ишчиларни зарурий уй-жойлар билан таъминлаган, меҳнат шароитларини яхшилаган, уларни самарали меҳнатларини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқсан. Ўша давр учун илгор бўлган бу ислоҳот инсон омилига ва юқори малакали раҳбарнинг бошқариш фаолиятидаги ўрнига асосланган. Ташкилот (фабрика) юқори даражада самарали бўлишига қарамасдан ўша давр ишбилармонлари, бизнесменлари бу бошқариш фаолиятига тегишли ислоҳотдаги илгор фикр ва ғояларни тушуна олмадилар.

Фарб адабиётларида бошқариш назарияси ва амалиётiga тегишли биринчи ишлар Платон, Марк Туллий Цицерон, кейинроқ, классик сиёсий иқтисодчилар Адам Смит ва Давид Рикардо номлари билан боғлиқ дейилади. Бошқаришнинг фан сифатида шаклланишига Ф. Тейлор катта ҳисса қўшганлиги таъкидланади. Унинг асосий қилган иши жисмоний меҳнатни ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий қисмларга (элементларга) ажратиш билан боғлиқ. Тейлор тизими меҳнат жараённада механик ҳаракатларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қатор бой илмий натижаларни ўзига қамраб олган: ортиқча ва нокулай хатти-ҳаракатларни чиқариб ташлаш, ишнинг юқори даражадаги тўғри усууларини ишлаб чиқиш, ҳисобга олиш ва назорат қилишининг энг янги тизимларини киритишдан иборат. Бозор иқтисодиёти амал қилган шароитларда ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги кўзга кўринган назариётчилар Г. Эмерсон, Г. Черч, А. Файол, Э. Мейолар Тейлор ишини (ғояларини) ривожлантирганлар қаторига киришади.

**Классик менежмент** негизида маъмурий бошқаришнинг куйидаги мактаблари ривож топди:

**1. Маъмурий ёндашув** – бошқариш фаолиятлари амалиётiga олдиндан кўра олиш, ташкил этиш раҳбарлик, назорат каби тушунчаларни жорий этилиши. Яъни бошқаришни оқилона

ташкىл этиш ва тартибга солиши тадбирлари тизимини шакллантириш (А. Файол, 1841-1925).

**2. Бюрократик моделлар.** Бош фоя — ходимларнинг вазифаларини, бурчларини ва ҳуқуқ доираларини аниқ тақсимлаш, фаолиятларини, ихтисослаштириш аниқ белгиланган қоидалар асосида раҳбарлик қилиш ва бошқалар (М. Вебер, 1864-1920).

**3. Психотехник ёндашиш.** Ходимлар унумдорилигига физиологик, психологик ва эргономик омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш. (В. Вундт, 1832-1920).

**4. Инсон муносабатлари мактаби.** Бош фоя ижтимоий гурӯҳларнинг шаклланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришда ҳамкорга айланишини ўрганиш (Э. Мэйо, 1880-1949).

**5. Янги мактаб.** Бошқариш илмига кибернетика ва аниқ фанлар аппаратини жорий этиш (М. Бир, 1959).

**6. Ижтимоий тизимлар мактаби.** Бош фоя — шахс йўлида айрим тўсиқларнинг мавжудлиги ва низоларнинг пайдо бўлиши. Буни ҳал этиш учун инсонларнинг табиий эҳтиёжларини ўрганиш (Саймон, 1916).

Ушбу илмий-назарий йўналишлар асосида маъмурий бошқаришнинг янги концепциялари (қарашлари) ривож топмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган мана шу қисқа давр мобайнида умуман бошқариш тизимини, жумладан, маъмурий бошқарув соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантиришнинг назарий ва амалий йўллари Президент И. А. Каримов асарлари, нутқ ва маъruzalariда атрофлича, кенг ёритилган.

Айниқса, Президент И. А. Каримов томонидан илгари сурилган: бир ижтимоий-иктисодий тизимдан бошқасига ўтишда кучли ижроия ҳокимиятнинг ўрни; бозор муносабатлари шароитида маъмурий соҳа самараదорлигини таъминлашнинг зарурлиги; бошқариш тизимини демократлаштиришда адолат мезонларини ўрнатишнинг муҳимлиги ва бошқа қатор фоялар ҳозирда кўплаб ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда ўрганилмоқда.

Ушбу соҳада И. А. Каримов томонидан илгари сурилган гоялар ушбу қўлланманинг тегишли бўлимларида кенг ёритилади.

Мамлакатимизда бошқарув, жумладан, маъмурий менежмент назарияси ва амалиёти ривожланишига ҳисса қўшган академиклар С. С. Гуломов, М. Ш. Шарифхўжаев, қишлоқ ҳўжалик фанлари академиясининг аъзоси С. С. Гуломов, профессорлар Ш. М. Зайнуддинов, Ё. А. Абдуллаев, Қ. А. Абдураҳмонов ва бошқа қатор олимларнинг мазкур соҳадаги тадқиқотлари ва илмий ишларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

## **1.2. Маъмурий бошқарув қонуниятлари ва тамойиллари**

Бошқарувнинг қонун ва қонуниятлари объектив иқтисодий тоифадир. Улар бошқарув жараёнининг мазмунини, шаклини ва таркибини белгилайди. “Қонун” ва “қонуният” тушунчалари умумий ва шахсий маънога эга. Қонун кўпроқ умумий тушунчаларни акс эттиради, қонуният эса – бу қонуннинг амал қилиниши, унинг қисми, маълум томонидир.

Фанда “Қонун” деганда объектив равишда мавжуд бўлган, зарурий ва маълум шароитларда такрорланувчи ҳодисаларнинг турғун муносабатлари тушунилади. Шундай қилиб, қонунлар маълум тўпламдаги такрорланувчи ҳодисалар мөҳиятини акс эттиради. Қонуният ҳақида гапирилганда эса қонунни дастлабки босқичда сезиш кўзда тутилади.

Иқтисодий қонун ва қонуниятлар объектив тоифа ҳисобланадилар, яъни улар одамларга, уларнинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўладилар. Инсоннинг вазифаси ушбу қонунларни тўғри тушунишдан ва ўз фаолиятини уларнинг объектив намоён бўлиши асосида кўришдан иборатdir.

Ушбу бўлимда асосан бозор иқтисодиёти шароитларида бошқарувни тавсифловчи бир қатор қонунларга тўхталиб ўтамиз:

Бошқарувни ихтисослаштириш;

Бошқарув тизимининг ягоналиги;

Бошқарувни зарурий ва етарли даражада марказлаштириш;

Бошқарувни демократлаштириш;

Вақт қонуни (вақтни тежаш);

Бошқаришда барчанинг иштирок этиши.

Тамойил – бу белгиланган тартиб, қоида бўлиб, ундан ҳар қандай фаолиятда, жумладан, бошқарув фаолиятида ҳам фойдаланиш мумкин.

Маъмурий бошқарув тамойиллари бошқарув қонун ва қонуниятларидан келиб чиқади, улар қонунни тушуниш ва унга тўла бўйсуниш, уни бузмаслик мақсадида ишлаб чиқлади.

Бошқарув тамойиллари (принциплари) – бу бошқариш жараёнини амалга оширишда органлар ва раҳбарлар амал қиласиган асосий қоидалардир. Бошқариш тамойиллари объектив ижтимоий-иктисодий қонунлардан бошқариш амалиётида онгли равишида фойдаланиш шаклларидан бири ҳисобланади.

Бошқарувнинг маъмурий мактаби асосчиси ҳисобланган Анри Файлол биринчи бўлиб бошқарувнинг универсал тамойилларини ишлаб чиқсан. Бу тамойиллар бошқаришнинг иккита асосий томо-

нига қаратилган зди. Биринчиси, ташкилот бошқариш тизимини мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиш яъни, ташкилотни бўлимларга ва ишчи гуруҳларга тақсимланишининг энг яхши йўлини аниқлашни кўзда тутган. Иккинчиси, ходимларни бошқариш ва ташкил этиш тузилишларини (таркибларини) шакллантиришга қаратилган. Бунга яккабошчилик тамойили мисол бўла олади, яъни ходим фақат битта раҳбарга бўйсуниши лозим.

Кўйида Анри Файол томонидан ишлаб чиқилган 14 та тамойилни кўриб чиқамиз:

- бошқарувда меҳнат тақсимотининг шартлиги;
- ваколат ва жавобгарликнинг айрилмаслиги;
- яккабошчиликнинг шартлиги;
- йўналишнинг бирлиги (ҳар бир гуруҳнинг бош мақсад йўлида ягона режа ва раҳбарлик асосида бирлаштирилиши);
- шахсий манфаатларни ташкилотнинг умумий манфаатларига бўйсуниши;
- ходимларни рағбатлантиришнинг шартлиги;
- тартибнинг йўналиши;
- адолатнинг мавжудлиги;
- ходимлар учун иш жойининг тургунлиги, яъни кадрлар қўнимсизлигининг олдини олишлик;
- марказлаштиришнинг бўлишлиги, яъни меҳнат тақсимоти каби у ҳам мавжуд бўлиши даркор;
- скаляр занжирнинг мавжудлиги, яъни энг юқори раҳбардан қўйи раҳбаргача бўлган боғланишлар бир бутун занжирсизмон бўлишлиги;
- ташаббуснинг мавжудлиги;
- корпоратив кайфиятнинг шартлиги, яъни ходимлар ўргасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини таъминлаш.

Анри Файолнинг ушбу тамойиллари каби маъмурий бошқарувга тегишли бўлган тамойилларни Макс Вебер ҳам ишлаб чиқсан бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- меҳнат тақсимотининг аниқ-равшанлиги, ушбу тамойил юқори малакали мугахассисларнинг пайдо бўлишилтигига олиб келади;
- бошқариш поғоналарининг мавжуд бўлишлиги, яъни қўйи даража доимо юқори бўғин томонидан назоратда бўлишлиги ва унга бўйсуниши;
- ташкилотда ўзаро боғланишда бўлган умумлаштирилган расмий қоида ва стандартлар тизимининг мавжудлиги;

- расмий шахс ролини шаклан (номига) күчсизлантириш ҳисобига субъектив хатолар самарасини камайтириш;
- малака талабларига қатыйй риоя қилган ҳолда ишга қабул қилиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган тамойиллар ўз навбатида ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижасида бир мунча ўзгартирилган ва уларга янгилари қўшилган.

Масалан, бевосита маъмурий бошқарув тизимларига мос бўлган қуйидаги тамойилларни келтириш мумкин:

- яхлитлик (бир бутунлик);
- илмий асосланганлик;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- демократлаштириш;
- погоналар бўйича тартиблилик;
- самарадорлилик ва мослашувчанлик;
- марказлаштириш ва номарказлаштиришни мувофиқлаштириш;
- яккабошчилик ва коллегиячиликни (жамоавийчиликни) бирга олиб бориш ва бошқалар.

Маъмурий бошқарув тамойилларига тўла риоя этиш ва улар асосида иш олиб бориш ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди.

Шу билан бирга маъмурий бошқарувга тегишли бўлган қуйидаги тамойилларни ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Бошқарища марказлаштириш ва номарказлаштиришнинг мутаносиблиги тамойили;
2. Ҳукуқлар, мажбуриятлар ва масъулиятларни мувофиқлаштириш тамойили;
3. Ваколатларни оқилона тақсимлаш тамойили;
4. Бошқаришни демократлаштириш тамойили ва бошқалар.

Биз юқорида маъмурий бошқариш жараёнининг чегараларини аниқлашга нисбатан фақат уч хил ёндашишни таъкидладик. Аслида, бошқариш илми билан шуғулланувчи турли олимлар, мурakkab ташкилотларнинг тажрибали раҳбарлари(бошқариш амалиёти мутахассислари) ўзларининг салоҳияти, савияси, тажрибаси, нуқтаи назарлари, кўллаётган бошқариш усуллари ва раҳбарлик услубларидан ҳамда муайян ташкилотнинг фаолият кўрсатиш шароитлари ва вазиятларидан келиб чиқсан ҳолда маъмурий бошқариш тамойилларининг турли таркибини таклиф қилишлари ёки қўллашлари мумкин.

## **2-БОБ. МАЬМУРИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маъмурий менежмент бошқариш илми ва амалиётининг ажралмас таркибий қисми бўлиши билан бирга ўзига хос хусусият ва жиҳатларга эга фандир. Бу жиҳатлар унинг тамойилларида, усул ва услубларида, технологияси ва функцияларида, ташкилий тузилишларида, обьекти ва субъектида, ички ва ташқи боғланишларида ҳамда унинг бошқа томонларида намоён бўлади. Шунинг учун маъмурий менежмент фанида тизимли ёндашув асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Маъмурий менежментнинг ана шу хусусиятларини аниқлаб олиш мазкур фанни ўрганишни осонлаштиради ҳамда ушбу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётийлигини таъминлаб, уларни такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

### **2.1. Маъмурий менежментда тизимли ёндашув**

Ҳозирги замон менежментида маъмурий бошқаришга нисбатан турли ёндашувлар шаклланганки, бу ёндашувлар ўзаро қарама-қарши эмасдир. Буларга тизимли, вазиятли, жараёнли ва сонли ёндашишлар киради.

Бу ёндашувлар ичida тизимли ёндашувнинг алоҳида ўрни бор. Тизимли ёндашув XX асрнинг 60-йиллари охирида бошқарув назарияси ва амалиётида кенг ривожланган. Аввалги назарияларнинг камчилити шундаки, уларнинг барча изланишлари кенг қамровли бўлишига қарамай, асосий диққат зътибор бошқаришнинг бальзи элементларига қаратилди ва уларга бошқариш самарадорлигининг умумий натижаси деб ёндашилди.

Маъмурий бошқарувда тизимли ёндашувнинг қўлланилиши раҳбарларга ташкилотни тўлалигича бир бутун ҳисоблаб, уларни ташкил қиласиган қисмларини ўзаро боғланган деб қараш имконини яратади. Тизимли ёндашиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

– тизим – бу бир бутунлик бўлиб, бир-бирига боғлиқ қисмлардан ташкил топган. Тизимнинг ҳар бир элементи ушбу бутунликнинг ажралмас қисми ҳисобланади;

– ташкилот маъмурияти бир бутун тизим ҳисобланади. Биологик организм каби бошқариш аппаратининг барча қисмлари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган бутунликдир;

– Маъмурий бошқарувдаги муҳим масала унинг тизим эканлигидир. Ташкилотнинг кичик тизимлари звено, бўғин ва бўлимларидир;

– ташкилот ўзини очиқ тизим деб билади, яъни у ташқи муҳит билан боғлиқ бўлади. Маъмуриятнинг ташкилот каби ҳаёт кечира олиш қобилияти қўпроқ ташқи муҳитига боғлиқдир.

XX асрнинг 60-80 йилларида тизимли ёндашувнинг негизини ташкилий хатти-ҳаракатлар ташкил этган. Ҳар қандай ташкилотнинг бошқариш обьекти ва субъектини айрим ходим ва ходимлар гуруҳи ташкил этади. Уларнинг ҳаракатлари бир томондан ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитига, унга таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ташкилотнинг муваффақияти ана шу ижтимоий гурухнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади.

Демак, ташкилотларни бошқаришда фақат иқтисодий омилларни назарда тутиб фаолият олиб бориш бир томонлама ёндашишга олиб келган. Яъни, ижтимоий омилларни ҳисобга олмаслик бир бутунлик принципини бузилишига сабаб бўлган.

Шунинг учун маъмурий бошқарувда ташкилий хатти-ҳаракатларни инобатга олиш унга бир бутун тизим сифатида қарашга олиб келган.

Маъмурий бошқарувда тизимли ёндашув биринчи бўлиб АҚШда шаклланган, сўнгра Европа давлатларига тарқалган. Ушбу йўналишни тадқиқ этган олимлар қаторига Т. Левитт, Ч. Барнард, Г. Саймон, Ф. Селзник, Ж. Колл, Л. Берталанфи ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ташкилий хатти-ҳаракатлар негизида бихевиористик таълимот назарияси ётади. Яъни, одамлар хатти-ҳаракати – бу ташкилот ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатнинг маҳсулидир. Бошқарув шундай тузилган бўлиши керакки, у ташкилотнинг барча элементларини мувофиқлаштириши лозим, ундаги асосий элемент одамнинг ўзидир. Шунинг учун бу боғлиқликнинг ташкил этилишида учта кичик тизим алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Техник. У ишларни маълум тартибда бўлишини, яъни технологияни ва бошқа шунга ўнсан элементларни ифодалайди.
2. Бошқарув, яъни ташкилий таркиб, вазифавий таркиб, муолажалар, қоидалар ва ҳоказо.
3. Инсон ва унинг маданий бойликлари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳоказолар.

Ушбу йўналиш вакиллари ўзлари учун ташкилотни биргалиқда меҳнат қилувчи иттифоқ деб фараз қилдилар. Улар бу каби иттифоқни ҳар хил турдаги моделларини текшириб чиқдилар, барча кичик тизимларнинг бир-бирига таъсири ҳамда муаммолар мажмуаси сифатидаги ташқи омиллар бўйича изланишлар олиб бордилар. Уларни ҳал қилиниши ташкилотларнинг муваффақиятини таъминлашда намоён бўлди.

## **2.2. Маъмурый бошқарувнинг ҳусусиятлари**

Маъмурый бошқарув менежмент фанининг узвий давоми ҳисобланиб, унинг тушунчалари бевосита менежмент фанидаги тушунчалар мазмуни билан боғлиқдир.

Менежмент ҳозирги замон адабиётида кёнг тарқалган ибора бўлиб «Ташкилот» сўзи билан бирга ишлатилади. Кенг маънода у бир гуруҳ умумий фаолият мақсадига эга одамларнинг (икки ва ундан ортиқ) тартибли гурухини билдиради.

Тўлалигича қараганда бошқарув кенг маънога эга. Уни маълум вақт ва маконда амалга ошувчи ақдий ва жйсмоний жараён деб қараш мумкин. Бунда раҳбарлар ва бўйсунувчилар зарурий топшириқларни ва маълум масалаларни бажарадилар. Раҳбарлик ушбу жараёнда унинг алоҳида элементи бўлиб чиқади. Таъсирнинг самараси ҳукмронлик даражасига ва раҳбарнинг бўйсунувчиларга таъсир кўрсата олишига боғлиқ. Бошқаришни иқтисодий-ижтимоий тизим деб қараш зарур. Ҳар қандай бошқариш тизими маълум субъект (бошқарувчи тизимни) ва объект бўлишини (бошқариладиган тизимни) назарда тутади. Умуман бошқаришда, яъни менежментда субъект сифатида тартибли муносабатларда бўлган менежерлар корпуси, объект сифатида эса ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жарайнлари ва унда ишловчи фаолияти тартибга солинадиган одамлар гурухи намоён бўлади.

Юқоридагидан келиб чиқиб, менежмент фанининг предмети умуман бошқариш тизимининг муносабатларини ўрганишдан иборат, яъни бошқарувчи ва бошқарилувчи тизим-

лар ичидағи ҳамда улар ўртасидаги мұносабатларни ўрганиш, таҳлил этиш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Америка бошқариш ассоциацияси ходими Стивенс Л. Ши айтганидек: «Хозирда корхона, ташкилот ва муассасалар учун янги технологиялардан воз кечиш қандай ҳалокатли бўлса, маъмурий менежментни бошқарувнинг функционал йўналиши сифатида тан олмаслик ҳам шундай фалокатни англатади».

Маъмурий менежмент бошқаришнинг шундай соҳасики, у бир бутун бўлган ташкилий таркибий қисмларнинг мақсадлари, функциялари ва муаммолари билан шугуулланади ҳамда бўлим қошидаги сектор (ячейка)дан тортиб, то энг юқори поғонадаги органгача бўлган ташкилий бирикмаларнинг барчасини ўз ичига олади.

Шу билан бирга маъмурий менежмент органлари ташкилотларни бошқаришнинг ёрдамчи органлари бўлиб, улар турли хил бўлган ҳам «ижроия», ҳам «ишлаб чиқариш» бўғинларига хизмат қиладилар.

Маъмурий менежмент бошқариш фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у бошқарувчи тизим ичидағи мұносабатларни ўрганади. Маъмурий бошқариш тизими ҳам ўз субъекти ва обьектига эга.

Маъмурий менежментнинг субъектига юқори бошқариш органлари ва алоҳида раҳбарлар корпуси киради, унинг обьектига эса қуий бошқариш органлари ва айrim ташкилот маъмурити, бошқарма, департамент, бўлимлар ҳамда уларда ишловчи фаолияти тартибга солинадиган мутахассислар ва ходимлар гуруҳи кирадилар. Мисол тариқасида айrim соҳа, мажмуа ёки тармоқни келтириш мумкин. Масалан, таълим тизимини оладиган бўлсак, мактабларга нисбатан шаҳар, туман ҳалқ таълими бўлимлари субъект ҳисобланади, туман ҳалқ таълими бўлимига нисбатан вилоят ҳалқ таълими бошқармаси субъект бўлади. Вилоят бошқармасига нисбатан эса Ҳалқ таълими вазирлиги субъект ҳисобланади.

Ҳалқ таълими вазирлиги алоҳида ташкилот сифатида қаралса, маъмурий бошқарув субъекти бўлиб вазирлик раҳбарияти, обьекти эса унинг бўлим ва департаментларидан ҳамда уларда ишловчи ходимлар ва мутахассислар гуруҳидан иборат бўлади.

Хозирда маъмурий менежментда тегишли бошқариш поғоналарида ишловчиларнинг қуийдаги тўртта гуруҳи фаолият кўрсатади:

**Биринчи гуруҳ** – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан банд бўлган одамлар гуруҳи бўлиб, бу ерда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг техник ёки «бирламчи» поғонаси шаклланади. Бу ташкил этишнинг бошлангич поғонаси ҳисобланаб, унга бошқаришнинг «ташкил этиш» ва «мувофиқлаштириш» функциялари мос келади.

**Иккинчи гуруҳ** – хизмат кўрсатиш, тақсимот ва ишлаб чиқаришни бошқариш билан банд бўлган кишиларни бирлаштиради ҳамда менежерлар ва бошқарувчилардан иборат бўлади. Бу поғона ўз-ўзидан ҳаракат қилмайди, балки, давлат, юқори ташкилот ёки мулкдор берган ваколат бўйича фаолият олиб боради, уларга бошқаришнинг «режалаштириш» ва «мотивациялаш» функциялари мос келади.

**Учинчи гуруҳ** – институционал даражани ташкил этувчи одамлар бўлиб, уларнинг вазифаси менежерлар ва бошқарувчилар фаолиятини бошқариш ҳамда қонунлаштиришдан иборат. Бу даража амалиётда директорлар кенгашлари ёки турли мулк шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, ҳиссадорлик жамиятлари, корпоратив бирлашмалар кенгашлари аъзоларидан ташкил топади. Уларга бошқаришнинг «мақсадларини» ва «стратегияларини» белгилаш функциялари мос келади.

**Тўртингчи гуруҳ** – давлат сиёсатини белгиловчи ва ҳукумат идораларида банд бўлган кишиларни бирлаштиради. Улар ижтимоий тизимнинг яхлитлигини намоён этувчи бошқаришнинг олий даражасини (поғонасини) ташкил этади.

Айнан ана шу поғонада, яъни давлат даражасида намуналар, ижтимоий хатти-ҳаракатлар мөъёрлари белгиланади, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилади ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари мувофиқлаштирилади.

Бундан ташқари, маъмурий менежмент тизимини соҳалар бўйича қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

Давлат ва маҳаллий (муниципал) бошқаришнинг маъмурий тузилишлари.

Бизнес (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш)ни бошқаришнинг маъмурий тузилишлари.

Ижтимоий соҳаларни бошқаришнинг маъмурий тузилишлари.

Бозор инфратузилмаларини бошқаришнинг маъмурий тузилишлари.

Даражаси ва кўламидан қатби назар бошқариш поғоналарининг кейинги уч гуруҳини ҳамда соҳалар маъмурий тузилишларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши кўп

жиҳатдан ҳокимлик ва сардорликка боғлиқ, чунки улар асосий мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи кучлардир. Ҳокимлик ва сардорликни амалга оширувчилар профессионал менежерлар ва турли поғоналардаги раҳбарлардир.

Шунинг учун маъмурий менежментнинг муҳим жиҳатларидан бири раҳбарлик фаолиятини ташкил этишининг назарий ва амалий асосларини ўрганишдан иборат бўлиб, у ўз ичига маъмурий бошқарувда ваколатлар, хукуқ, бурч, вазифа ва масъулиятларни тўғри тақсимлаш, раҳбарлик усул ва услубларини мақсадга мувофиқ қўллаш, бошқариш функцияларини оқилона амалга оширишни ташкил этиш ҳамда кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгинашни ўз ичига олади. Бундан ташқари маъмурий менежментнинг яна бир муҳим жиҳати бошқарув аппарати ташкилий тузилишини шакллантириш бўлиб, у турли бошқариш даражаларида ташкилий тузилишларни лойиҳалаш, режалаштириш ва шакллантиришни ҳамда унинг оптималь ишлашини таъминлашни ўз ичига олади.

Шу билан бирга маъмурий менежментнинг яна бир томони бу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалиётда қўллаш ҳамда маъмурий бошқарув самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистонда ҳозирги замон менежменти назарияси ва амалиёти ҳали тўла ўзлаштирилганни йўқ, менежерлар эса ҳозирча илгор тажрибаларни бақамти эгаллай олмадилар.

Хорижий тажрибаларни ўрганишда кўпроқ эътиборни Япония, Германия ва АҚШда эришилган ютуқларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу мамлакатларда менежерлар ташаббускорлиги, улдабуронлиги, омилкорлиги, мослашувчалиги, қатъйлиги ва юқори касб-маҳорати билан ажralиб турдилар. Фидойиликни, ишга муносабатни ва жонкуярликни фақат японлардан ўрганиш зарур.

### **2.3. Мустақиллик йилларида маъмурий бошқарув тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар**

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда рўй берәётган мураккаб ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқариш, уларга республиканинг келажакка йўналтирилган, энг олий мақсади йўналишида таъсир кўрсатиш бугунги кунда маъмурий бошқариш тизимининг долзарб масалаларидан биридир.

Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг муваффақияти иктисодий тизимнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланган корхоналар, ташкилотлар, ва турли даражадаги муассасалар ва махкамадарларнинг

раҳбарлари ва мутахассисларига ва уларнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Чунки, ислоҳотларнинг негизи жамиятдаги энг юқори, ўрта ва қуий бошқариш поғоналарида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий жараёнларга бориб тақалади. Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар барча даражадаги раҳбарларга қатор талабларни қўймоқда. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менежерлари юқори касбий маҳоратга эга бўлибгина қолмай, балки ҳар жиҳатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускор, топширилган иш учун жон кўйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, Ватанимизнинг чинакам фидойилари бўлишлари лозум"[5; 88 б.].

Бозор иктисиётини шакллантириш, иктисиодий-ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш институционал ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структураларини яратишни талаб қилмоқда. Шу сабабли ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичида бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилди.

Бу босқичларда тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий буйруқбозлиқдан иктисиодий омиллар ва рағбатлантириш тадбирлари асосидаги бошқариш тизимиға ўзгаририлди. Ўзини-ўзи бошқариш ва идора қилишнинг янги механизмлари шакллантирилди. Айтиш мумкинки мана шу қисқа давр мобайнида бошқаришнинг аслида янги тизими вужудга келтирилди.

Муассасалар соҳасидаги (институционал) ўзгаришлар жараёнидаёқ бошқарув механизмлари такомиллаштириб борилди, иктисиодёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида уларнинг хусусиятларига анча мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иктисиодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантирадиган бошқариш шакллари вужудга келди.

Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув бўғинларининг вазифаси ўзгарди, янги органлар тузилди. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари, назорат қилувчи тизим ва унинг ижроия органлари тутатилди. Олдинги тақсимот ишлари ҳамда уларни амалга оширувчи механизmlарга барҳам берилди.

Марказий иктисиодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Уларнинг вазифалари, вако-

латлари ва ҳуқуқ доиралари ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан ўзгартирилди.

Мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эски тармоқ вазирликлари тутатилди. Улар ўрнида бозор шароитларига мос хўжалик бирлашмалари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ва холдинг компаниялари тузилди.

Корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига мос бошқариш тузилмалари шакллантирилди, улар замон талабларига мос ҳолда мазмунан ва шаклан янгиланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда бошқариш тизимини ислоҳ қилиш жараённида бир қатор муаммолар, қийинчилликлар мавжуд бўлди. Уларнинг ечимини топиш, мазкур соҳани такомиллаштириш мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг негизини ташкил этмоқда.

Ўзбекистоннинг ўн йил мустақиллик даврида эришган ва эришаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ютуқлари айнан маъмурий бошқариш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси бўлди. Айниқса, бу соҳада ваколатларнинг марказдан жойларга берилиши, уларни бошқариш поғоналари бўйича оқилона тақсимланиши, ўтиш даврида вертикал бошқарув тизимининг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзига хос шаклланашаётганлиги, кадрлар захираси билан ишлашнинг такомиллашашаётганлиги ва бошқалар Ўзбекистонда маъмурий бошқариш тизимида ўзига хос тажриба шаклланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг маъмурий бошқарув соҳасида тўплаган тажрибалари ҳозирда Россия, Украина, Грузия ва бошқа МДҲ мамлакатлари давлат арбоблари томонидан ўрганилиб, тегишли соҳаларга жорий этилмоқда.

Украина Президенти Л. Д. Кучма ўзининг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифларидан бирида шундай деган эди: «Ислом Каримов билан сұхбатлашган пайтларимда мен, бир ўқувчи сингари, ундан унинг бозор ислоҳотларида қандай қилиб юксак ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишига, кишиларнинг қашшоқлашишига йўл кўймагани, энг муҳими жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг бош сабаби нимада эканини билиб олишга интилардим. Президент И. Каримов эски давлат тузилмаларини инқилобий тарзда бузиб ташламай, кучли ижроия ҳокимиятни сақлаб қолиб, нақадар тўғри иш тутгани бугунги кунда барчага аён».

Россия мамлакатининг ривожланиш концепцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уни «ўзбек модели» деб жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ривожланиш йўли билан таққослаш ўзбекистон танлаган ривожланиш стратегиясининг нақадар тўғри эканлигини исботламоқда. Буни 1992-1993 йилларда ўзбекистон танлаган йўлнинг асосий тамойилларини 2000 йилда Россия мамлакати ривожланиш концепцияларида акс этатгандигида ҳам кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

<b>Ривожланишнинг ўзбек модели, (беш тамойил) 1992 йил</b>	<b>** Россияда шаклланётган ва эълон қилинган ривожланиш концепцияси, 2000 йил</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>Давлат бош ислоҳотчи.</li> <li>Иқтисодиётни сиёсатдан устуворлигини таъминлаш.</li> <li>Қонун устуворлиги.</li> <li>Кучли ижтимоий ҳимоя.</li> <li>Бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиш.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Кучли ҳокимият ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш.</li> <li>Хавфсизлик (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий).</li> <li>Қонун диктатураси.</li> <li>Ижтимоий йўналтирилган ва динамик ривожланадиган иқтисодиётни шакллантириш.</li> <li>Халқаро миқёсда миллий манфатларни изчил ёқлаш.</li> </ol>

\*\* «Труд», 20 октябр, 2000 йил, 2-бет.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент И. А. Каримов томонидан маъмурий бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида қўйидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш биринчи галдаги вазифалар қилиб белгиланган:

1. Ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституционал принципига амал қилинishiни таъминлаш.

2. Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш.

3. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ўзбекистонда бошқариш соҳасида хусусан, маъмурий бошқариш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг айрим хусусиятлари ушбу қўлланманинг кейинги мавзуларида ҳам ёритилади.

## **3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

Маъмурий менежмент фанининг назарияси ва амалиётида мамлакат маъмурий бошқарув тизимининг энг юқори субъекти бўлган давлат ҳокимияти тизими ва уни ташкил этилишини ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва ижтимоий-сиёсий тузуми ҳамда мамлакатни бошқариш тизими ва унинг ташкил этилиши борасидаги билимлар мажмуаси, тўпланган тажрибалар ҳақида сўз юритилади.

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади ва вазифаси мамлакатимиз мустақилликка эришган мана шу қисқа давр мобайнида давлат қурилиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият тизимлари нинг ташкил этилиши, уларни бошқариш соҳаларида амалга оширилган ислоҳотларни ҳамда тўпланган тажрибаларни ёритиб беришдан иборат.


### **3.1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши**

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши, Конституциянинг 3-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилишини белгилайди. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмасдир», деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёдаги йирик сув йўллари бўлган Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган мамлакат, худуди 447,4 минг квадрат километрни ташкил қиласди. Бу Буюк Британия, Белгия, Дания, Австрия ва Швейцария худудларини кўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан кўпdir. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар 1-чизмада ҳамда 2-жадвалда келтирилган.

1997 йил 1.01 бүйнч

Вилоятлар	Туманлар			Шаҳарлар			Шаҳарчалар	Кишлоқ (овул)
	Жами	Кишлоқ	Шаҳар тумани	Жами	Республика, вилоят тасарруфидаги	Туман тасарруфидаги		
Андижон	14	14	-	11	5	6	5	96
Бухоро	13	11	2	11	3	8	2	107
Жиззах	11	11	-	7	2	5	8	96
Навоий	8	8	-	7	3	4	7	53
Наманган	12	11	1	8	6	2	12	99
Самарқанд	19	16	3	11	4	7	12	125
Сирдарё	9	9	-	5	5	-	6	75
Сурхондарё	14	14	-	8	2	6	7	114
Тошкент	15	15	-	16	7	9	18	146
Фарғона	16	15	-	19	5	4	10	164
Хоразм	10	10	-	3	3	-	7	100
Қашқадарё	14	14	-	12	2	10	4	142
Тошкент шаҳри	11	-	11	1	1	-	1	-
Қорақалпоғистон Респуб.	15	15	-	12	7	5	16	112
<b>Жами</b>	<b>181</b>	<b>163</b>	<b>18</b>	<b>121</b>	<b>55</b>	<b>66</b>	<b>115</b>	<b>1428</b>



### 1-чиズма. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши.

Ўрта Осиё минтақасида мухим ўрин тутган Ўзбекистон қадимда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб орасидаги алоқаларни бир-бири билан боғловчӣ мамлакатдир. Мамлакат ноёб иқлим шароитларига, бойликларга, меҳнат ва илмий техник имкониятларга эга.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги, суверенитет ва эркинлик учун зарур бўлган тарихий, сиёсий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шарт-шароитларнинг ҳаммасига эга мамлакатдир.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бормоқда, бугунги кунга келиб турли қазилма бойликларининг 2,7 мингдан ортиқ конлари аниқланган. Булар 100 дан ортиқ минерал хом-ашёларни ўз ичига олади, булардан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. Қидириб топилган 900 дан ортиқ конлардаги тасдиқланган заҳиралар 970 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш жоизки,

жами минерал хомашё ресурсларининг салоҳияти 3,3 триллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этади.

Нефть ва газ конденсати, табиий газдек муҳим стратегик ресурслар бўйича 155 та, қимматбаҳо металлар бўйича 40 дан ортиқ, рангли, ноёб ва радиоактив металлар бўйича 40 та, тоғкимё хом-ашёси бўйича 15 та истиқболли конлар қидириб топилган.

Ҳар йили Республикада 5,5 млрд. долларга тенг ер ости бойликлари қазиб олинмоқда ва 6-7 млрд. долларга тенг янги заҳиралар кўпаймоқда.

Олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринни, уни қазиб олиш бўйича эса 8-ўринни эгаллайди, уран заҳираси бўйича эса 7-8-ўринларни эгаллайди.

Қидириб топилган газ заҳиралари деярли 2 триллион кубометрни, кўмир заҳиралари 2 млрд. тоннани ташкил этади. 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд.

Қидириб топилган заҳиралар Республиқанинг табиий газ бўйича 35 йилдан кўпроқ, нефть бўйича эса 30 йиллик эҳтиёжни қондиради.

Ўзбекистон 2 млрд. тоннага тенг бўлган катта кўмир заҳирасига эга бўлиб, Марказий Осиёда 2-ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон қимматбаҳо металлар — мис, қўргошин, руҳ, вольфрам ва бошқаларнинг қидириб топилган катта заҳираларига. Эгадир. Мавжуд конлар мис ва шунга ўхшаш металлар ишлаб чиқариш саноатини 40-50 йил, руҳ ва қўргошин ишлаб чиқариш саноатини 100 йилдан кўпроқ таъминлай олади. Бугун Ўзбекистон жаҳон бозорида йирик пахта толаси ишлаб чиқарувчи ва ётказиб берувчи мамлакатлардан биридир. Республиқа пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда, экспорти бўйича 2-ўринни эгаллайди.

Республиқа МДХ мамлакатлари ичida мева ва сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг олдинги ўринда туради.

Ўзбекистон ҳалқи ўзи учун қайта тиклаётган ва жаҳонга қайтараётган асосий бойликларидан бири — бу буюқ аждодларимизнинг бой ва бебаҳо маданий-маънавий мөросидир. Ўзбек олимлари, мутафаккирлари, ёзувчилари жаҳон цивилизацияси тараққиётига жуда қатта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ғоялари инсонпарварлиқ, сабр-тоқат, яхши қўшичилик руҳи билан суғорилган бўлиб, асрлар ва минг йилликлар туташган паллада ер куррасининг кўплаб қитъаларининг қуршаб олган экстрем-

мизм, террорчилик, ихтилоф кабиларни бартараф этишда мұхым ақамият қасб этмоқда.

Ўзбекистоннинг табиати саҳий, ранг-баранг ва бой, унинг худудида жойлашга қадимги маданиятнинг ноёб ёдгорликлари сони 4 мингдан ортиқ. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон, Термиз халқаро саёчатлар марказлари сифатида бутун дунёга машхур. Республикализни ҳар йили 4 млн. сайдәх келиб кўради.

### **3.2. Давлат ҳокимияти ва ижтимоий-сиёсий тузум**

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, давлат ҳокимияти ва ижтимоий-сиёсий тузумни ташкил этиш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ислоҳатлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг мафкура ва фикрларининг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни маъмурий бошқаришда фуқароларнинг кенг иштироқини таъминлайди. Бу ҳол демократия тамойилларига мосдир.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси олдидаги мұхим стратегик ақамиятга эга бўлган масала – ўзини янги давлатчилиги ва уни амалга оширишнинг бош ва асосий тамойилларини аниқлаб олиш масаласи кўндаланг бўлиб турди.

Жаҳон тажрибаларига, халқнинг тарихий тажрибаси ва ўзига хос хусусиятларига мувофиқ шундай тўхтамга келинди: собиқ итифоқ даврида давлат ва ижтимоий ҳаёт тизимини белгилаб берган авторитар идора усули ва маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан тамомила воз кечиб, Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Мамлакатда, давлат ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ўн йиллик тажрибаси республиканинг ўз халқи анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг халқаро тан олинган маданий меъёрларига, демократия ва ҳуқуқий тамойилларига содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Демократия ҳақида гап борганда бу тушунчани давлат курилишининг бош тамойили сифатида кўп асрлик тарихга эга эканлигини ҳамда ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократик меъёрлари жуда кўп замонларда пайдо бўлиб, жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатларда асосий ва етакчи тамойилларга айланганини кўришимиз мумкин.

Истиқололга эришган ҳар бир халқ давлат қурилишининг у ёки бу турини аниқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларига, тарихий анъаналари ҳамда маънавий, аҳлоқий қадриятларига қараб ўзи танлайди. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ва халқнинг давлат қурилиши ўзига хос ва фарқли хусусиятларга эга бўлади. Шунга қарамасдан, халқаро тан олинган бир қанча муҳим тамойиллар борки, улар инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида маданий, демократик давлатнинг асосий хусусиятларини ифодалайди. Булар куйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, давлат – бу зарурий объектив реаллик бўлиб, ҳаётни адолатли ва хуқуқий асосда ташкил этишнинг асосий шартидир. Бу жиҳатдан, марксизм ва анархизмдан тудан фарқ қилувчи давлатнинг илмий концепцияси унинг заифлигидан, ўлиши ёки йўқ қилинишидан эмас, балки ривожланиши, такомиллашуви, фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш хусусиятидан келиб чиқади.

**Иккинчидан**, давлат – бу шунчаки зарурий объектив реаллик бўлибгина қолмай, у жамиятнинг эҳтиёжи, унинг барча аъзолари учун муайян қадрият ҳамдир. Тарихнинг кўп асрлик тажрибаси ва ҳозирги замон тажрибалари ҳам шуни аниқ кўрсатиб турибдики, давлат ҳокимиятининг заифлиги, кучлизлиги аксарият ҳолларда фожиавий ходисаларга олиб келади.

**Учинчидан**, демократик давлат айрим ижтимоий қатламлар, турӯҳлар ва синфларга эмас, балки бутун жамият манфаатларига хизмат қилиш учун керак.

**Тўртингидан**, демократик давлат ўз хуқуқини, фаолият усуслари ва механизмларини такомиллаштириб, фуқаролик жамиятига тобора яқинлашиш йўлида мунтазам ривожланиб боради.

**Бешинчидан**, демократик давлатнинг вазифаси инсон ва фуқаролар эркинликлари ва хукуқларини кафолатлашдан иборат.

Жаҳон тажрибаларининг гувоҳлик беришча, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий, маданий шакли демократиядир ва у куйидаги асосий тамойилларга таянади:

- халқнинг эркин хоҳиш-иродаси;
- фуқароларнинг тенг хукуқлилиги;
- инсон хукуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсуниши;

– тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга масъуллиги;

– ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги.

Юқоридаги бу каби тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аниқ ифодаланган бўлиб, қонуний ҳолда мустаҳкамлангандир.

Ҳар бир қонун ва бошқа меъёрий хужжатларга оғишмай амал қилишгина жамиятни ҳаддан ташқари ўзбошимчалик ва анархиядан, бюрократик айнишлардан ҳимоя қилиши ва автортарликка қарама-қарши туриши мумкин. Бизнинг қонунларимиз мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришларни қамраб олмоқда.

Қонунларни бажариш механизмлари демократик ҳуқуқий органлар ва хизматлар тизимиға таянади, тушунтириш, маслаҳат, текшириш ва огоҳдантириш каби усуллардан кенг фойдаланади. Ҳар бир давлат Конституция ва қонунчиликни зўравонлик билан ўзгаририш мақсадидаги ҳар қандай уринишлардан ҳимояланиш имкониятига эга бўлиши ва бунга тайёр туриши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шундай белгилайди: "Ўзбекистон – суверен демократик Республика".

Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва fuқаролар олдида масъулдир.

Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Бу шуни англатадики, ҳалқ, яни Конституциянинг 8-моддасига мувофиқ, миллатидан қаты назар уни ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ва давлатнинг энг муҳим масалаларини бевосита ҳал этади. Ҳалқ ҳоҳиш-иродасининг бундай тўғридан-тўғри ифодаси референдумдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида шундай дейилган: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳалқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади".

Референдум ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Конституцияга мувофиқ мамлакат ҳалқи 1991 йил декабрда Ре-


ферендумда бевосита овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини кўллаб-кувватлашини билдириди ва 1995 йил 20 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат мuddати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилди.

Референдум – бу халқнинг тўғридан-тўғри, бевосита хоҳиш иродасидир. Бироқ, мутлақо шак-шубҳа йўқки, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча масалалари бўйича референдум ўтказиш мумкин эмас.

### **3.3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими ва унинг ташкил этилиши**

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий тизимларни бошқариш учун кўп тармоқли органлар ташкил этилган. Улар республика миқёсидаги олий ваколатли органлар бўлиб, таркиби куйидагилардан иборат:

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши Конституциямизнинг 11-моддасида қонунлаштирилган. Улар бир-бiri билан ўзаро боғлиқликда бўлиб, ўз ваколатлари доирисида мустақил ва эркин фаолият кўрсатадилар. Бу эса ҳокимиятнинг битта органи иҳтиёрида ҳаддан ташқари ваколатлар мужассам бўлмаслигини таъминлайди, уларнинг халқ ва қонун олдидаги ҳукуқларини аниқ тақсимлаб беришга хизмат қиласди.



#### **2-чизма. Олий ваколатли органлар таркиби.**

Давлат бошқарувида Президентга алоҳида ваколатлар берилган бўлиб, бошқарувнинг энг юқори поғонасида Президент туриши Конституциянинг 89-моддасида кўрсатиб ўтилган. Президент – Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланниб, айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қўйидаги ваколатларга эга:

- Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;
- Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этади, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора тадбирлар кўради;
- Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;
- Музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, Республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлади;
- Ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ҳамда чақирив ёрлиқларини қабул қиласди;
- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қиласди;
- Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумот тақдим қиласди;
- Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қиласди, Республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларини баҳамжихат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тутгатади. Шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдигига киритади;
- Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;
- Баш вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимларидан озод қиласди, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдигига киритади;
- Вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қиласди;
- Вилоят ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимларидан озод қиласди, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари тасдигига қўяди; Конституяни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига дод туширадиган хатти-

ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақлидир;

– Республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини тўхтатади ва бекор қиласди ва бошқалар (Конституциямизнинг 93-моддаси) [1].

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис бўлиб, унинг тузилиши ўзига хосдир. Конституцияда белгиланғанидек, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, худудий сайлов окружлари бўйича кўп партияйийлик асосида беш йил муддатта сайланадиган депутатлардан иборат бўлади. Парламент ишини ташкил этиш учун Олий Мажлис раҳбарлигида Олий Мажлис Кенгаши ташкил қилинган. Лавозими бўйича унинг таркибига раис ўринбосарлари, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялар раислари, блок ва фракциялар вакиллари киради.

Буни куйидаги чизмада кўриш мумкин:



### 3-чизма. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тузилиши.

Олий Мажлиснинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида батафсил ёритилган [1].

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган Умумхалқ референдумида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали парламент тизимига ўтиши халқимиз томонидан тўла қўллаб-кувватланди. Референдум натижаларига биноан иккинчи чақириқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Конунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Конунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (**юқори палатаси**) худудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишили қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолияти-нинг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпландиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

**Конунчилик палатаси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуий палатаси ҳисобланади. Конунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади.

Конунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Конунчилик палатаси ваколат муддати – беш йил.


Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Конунчилик палатасининг мутлақ ва биргалиқдаги ваколатлари юқоридаги конституциявий қонунларда батафсил ёритилган [3,4].

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи органи – Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамаси раиси ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси белгиланган қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча

органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши мажбур бўлган қарорлар ва фармойишлар ишлаб чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий тузилиши қўйидаги кўринишга эга:



#### 4-чизма. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг структураси (тузилмаси).

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, – деб Конституциянинг 106-моддасида таъкидланган. Ўзбекистон республикаси суд ҳокимияти тузилиши қуйидаги кўринишга эга:



### 5-чизма. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг тузилиши.

Маҳаллий давлат ҳокимияти бу вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласидаган халқ депутатлари Кенгашлари бўлиб, ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қиласидаган қарорлари қуий органлар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат мuddati беш йилдан иборатdir.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятларини ҳудудий тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда

тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар 2 ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ушбу масалани ёритишда М. Шарифхўжаев, Е. Абдуллаевлар томонидан 2002 йилда чоп этилган Менежмент дарслигидан фойдаланилган.

## **4-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ**

Ҳар қандай маъмурий бошқарув тизимининг муваффақияти ёки инқирози мазкур тизимда фаолият олиб бораётган звено, бўғин ва ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини аниқ белгиланишига ҳамда оқилона тақсимланишига боғлиқлиги тажрибадан маълум. Шунинг учун маъмурий бошқарув даражалари, уларда ишловчи раҳбарлар (ходимлар)нинг таркибини аниқлаб олиш, ушбу тизимдаги бўғин, звенолар ҳамда раҳбар-ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Турли миқёсдаги ташкилотларнинг маъмурий бошқарув тизимлари фаолиятини ўрганиш тажрибаси уларнинг аксариятида ходимлар, бўғинлар орасида ҳуқуқ ва бурчларнинг аниқ белгиланмаганлиги ҳамда мақсадга мувофиқ тақсимланмаганлигида номоён бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида ташкилотнинг кўзлаган мақсадига эришишига салбий таъсир ўтказмоқда.

Мазкур бўлимда ташкилот маъмурияти бўғинлари ва ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини аниқланиши ҳамда тўғри белгиланиши билан боғлиқ масалалар ёритилган.

### **4.1. Бошқарув даражалари ва уларда ишловчи маъмурий ходимлар ва раҳбарларнинг таркиби**

Бошқариш меҳнатининг вертикал тақсимотида асосан бошқарув даражалари ташкил бўлади. Маъмурий бошқарув даражаларидаги фаолиятлар ва вазифаларни бажариш ушбу погонага мос раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Президент, Давлат бошлиғи, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, ҳамда мамлакат ижроия ҳокимиятининг энг юқори раҳбари ҳисобланади, Бош вазир кейинги даражадаги раҳбар бўлиб, унга тегишли вазирлар, идора раҳбарлари бўйсунади.

Муниципал бошқарув идораларида эса ҳоким ва унинг мувовинлари энг юқори погона, тегишли мажмуа ва бўлим бошиликлари кейинги погона ҳисобланади.

Шүнинг учун маъмурий бошқарув даражаларини аниқ кўрсатиш мақсадида улар тегишли поронада ишловчи раҳбарлар ва ходимлар орқали ифодаланади.

Кўйида давлат ва муниципал маъмурий бошқарув даражаларининг уч хил кўриниши берилган:



### **6-чизма. Маъмурий бошқарув даражалари.**

Шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳа идоралари тизимида ҳам маъмурий бошқарув даражаларини кўйидагича кўрсатиш мумкин (7-чизма).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий бошқарув даражаларини белгилаш раҳбарларни амалиётда қабул қилинган кўйидаги усу碌да тақсимлаш орқали аниқланади:

- энг юқори погона (звено) раҳбар ва ходимлари;
- ўрта погона (звено) раҳбар ва ходимлари;
- қуий погона (звено) раҳбар ва ходимлари.

Қуий погона раҳбарлари – аниқ ва функционал вазифаларни амалга оширувчи мутахассисларни фаолиятларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи раҳбарлар ҳисобланади.

Ўрта погона раҳбарлари – қуий бўғин раҳбарлари фаолиятларини ташкил этувчи, тартибга солувчи ва назорат қўлиувчи раҳбарлардир. Ўрта бўғин раҳбарлари одатда, ташкилотдаги айрим олинган соҳани ёки йирик бўғинни бошқаради. У юқори звено раҳбарлари билан қуий звено раҳбарлари ўргасида ўзига хос буфер (кўтприк) вазифасини бажаради.



### **7-чизма. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа бошқарув даражалари.**

Юқори погона раҳбарлари – ўрта ва қуий звено раҳбарлари фаолиятларини бошқариб, умуман ташкилот миқёсидаги асосий ва муҳим қарорларни қабул қилишга жавоб беради.

Маъмурий бошқарув тизими ходимларининг катта қисмини ўрта ва қуий звено раҳбарлари ташкил этади, юқори звено раҳбарлари эса оз қисмини ташкил этади.

Шундай қилиб, маъмурий бошқарув даражаларини қуийидаги кўринишда ифодалаш мумкин:



### **8-чизма. Маъмурий бошқарув даражасини ифодалаш усули.**

Маъмурий ҳодимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари юқорида таҳлил қилингандар башқарув даражаларида амалга ошириладиган фаолиятлар ва вазифалар асосида белгиланади.

Маъмурий башқарув самарадорлигини таъминлаш ҳамда маъмурият фаолиятини мақсадга мувофиқ ва оқилона ташкил этиш негизида ташкилот раҳбарлари ва ҳодимлари ҳамда башқарув бўғинларининг ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлиги мутаносиблигининг белгиланган вазифаларга мос эканлиги ётади. Дарҳақиқат, уларнинг аниқ белгиланганлiği, бир-бираига мутаносиблиги, маъмурият ва ҳодимларнинг даражалари ҳамда лавозимларига, савияси, билими, кўникма ва тажрибаларига мос бўлиши ташкилот башқарув тизимининг мукаммаллигини, барқарорлигини, интизомлиигини, тартиблilikини таъминлайди.

Шу билан бирга ҳуқуқ, бурч ва жавобгарликнинг тўғри, мақсадга мувофиқ бириктирилиши ташкилотдаги турли ноҳуш ҳолатлар (лавозимни сунистеъмол қилиш, ижтимоий мувозанатни бузиш, ички тартиб-қоидаларга бўйсунмаслик ва башқалар)нинг олдини олиб, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштиришга ижобий таъсир ўтказади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий башқарув тизимида ҳодимлар ҳуқуқ, бурч ва жавобгарликларининг тўғри, оқилона бириктирилиши ҳамда тақсимланиши муҳим ахамият касб этишини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш ушбу бобнинг асосий масаласи ҳисобланади.

*Ҳодимнинг ҳуқуқлари* – маъмурий ҳодимга бириктирилган вазифалар ва фаолиятларни ўз вақтида, сифатли ва мақсадга мувофиқ бажарилишини таъминлаш учун етарли бўлган имкониятларни юқори раҳбар ёки орган томонидан берилишидир.

Ушбу имкониятларга ташкилот ресурсларидан мустақил фойдалана олиш, буйруқ, фармойиш, топшириқ кўрсатма ва йўриқномалар бера олиш ҳамда жамоа номидан башқа ташкилотлар, бўлимлар ва ҳодимлар билан ўзаро муносабатлар ўрната олиш ва башқалар киради. Ҳодимларнинг ҳуқуқлари, уларнинг даражаси, эгаллаб турган лавозими, мансаби, мавқеи, билими ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ҳар қандай ташкилотда ҳодимларнинг ишга бўлган муносабати ва масъулияти, уларга бириктирилган ҳуқуқларга бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳодимларнинг ҳуқуқларини аниқ белгилаш ҳамда бурч ва жавобгарлик билан мутаносиблигини таъминлаш ташкилот муваффақиятининг асосий омилларидан

хисобланади. Ходимнинг ҳуқуқлари лавозим йўриқномаларида белгиланади.

*Ходимнинг бурчлари* — ходим томонидан аниқ, ўз вақтида ва сифатли бижарилиши мажбурий бўлган ҳамда ташкилот умумий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятлар мажмуудир.

Буларга юқори орган ёки раҳбарнинг буйруқ ва топшириқларини бажариш, интизомга бўйсуниш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини таъминлаш, ички тартиб-қоидаларга, техника ва меҳнат хавфсизлигига бўйсуниш ва бошқалар киради.

Ходимнинг бурчлари лавозим йўриқномаларида, ташкилот ва жамоат ташкилотлари Низомларида, ички тартиб-қоидаларда белгиланади. Ишга қабул қилинишда ходим ўзи ва маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бурчларни сўзсиз бажариш бўйича масъулият олади. Юқоридагилар билан бир қаторда ходим ташкилот Низомига биноан қўйидагиларни ўз зиммасига олади: ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланиш; меҳнат меъёrlарини бажариш; сидқидилдан, вижданан ва ҳалол меҳнат қилиш; ташкилотда шаклланган қадрияtlарга сўзсиз бўйсуниш ва бошқалар.

*Ходим жавобгарлиги* — ходимнинг хизмат мавқеи билан боғлиқ фаолиятларни ва вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳамда уларнинг натижаларини таъминлаш бўйича олган мажбуриятидир.

Маълум даражада етук ходим хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, ўзига бириктирилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш масъулиятини тушуниб етмоқлиги керак.

Жавобгарлик ўз хусусиятига биноан индивидуал ва ижтимоий бўлади. Юқоридаги таъриф индивидуал жавобгарликка тааллуқли. Ижтимоий жавобгарлик деганда ҳар бир ходимнинг жамоа ва жамият олдидаги қатор мажбурият ва масъулиятлари тушунилади. Менежмент нафақат фойда олишга йўналтирилган иқтисодий институт, балки у жамиятни бир қисми ҳамdir, шунинг учун у жамият олдида ҳам масъулиятлидир.

Ходимнинг жавобгарлиги лавозим йўриқномаларида, ташкилот ва жамоат ташкилотлари Низомларида, ички тартиб-қоидаларда, меҳнат ва жиноят кодексларида акс эттирилади. Ходимларнинг жавобгарлиги қўйидаги кўринишларда бўлиши мумкин: маъмурий, интизомий, моддий, мулкий, жиноий, маънавий.

## **4.2. Маъмурий бошқарув тузилишидаги бўғин, звено ва бўлимларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари**

Маъмурий бошқарув тизимида ҳар бир поғонанинг ўзига хос бўлган ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлиги мавжуд бўлиб, улар қуидагича бўлиши лозим.

Юқори бошқарув органларининг ҳуқуқлари, қуий поғоналардаги бошқарув органлари фаолиятларини миллий манфаатларни таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Куий бошқарув органлари ҳуқуқлари эса улар олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда аниқ шароитларни ҳисобга олиб, ички имкониятларни қидириб, ташаббус кўрсатиб ўз фаолиятини мустақил, эркин ҳал қила олиш имкониятини яратиши зарур. Бошқарув органига етарли даражада ҳуқуқ берилмаслиги унинг имкониятларини чегаралашга, ташаббусини бўғишга, уларни ошириб юбориш эса маҳаллийчиликни ва миллий манфаатларни менсимасликка олиб келади.

Шунинг учун ҳар бир бошқариш поғонасида ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлик мувозанатини сақлаш бош масала ҳисобланади.

Масалан, кам жавобгарлик ҳолатида кенг ҳуқуқ бериш маъмурий буйруқбозликка, субъективизмга ва ўйланмай қарор қабул қилишга олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса вазифаларни (масала, муаммо) ҳал қилишда бошқарув органини кучсиз қилиб қўяди.

Шундай қилиб, бошқарув органига берилган ҳуқуқлар улар бажараётган фаолиятларни тўла амалга оширишга етарли бўлмоғи, жавобгарлиги эса уларга берилган ҳуқуқларга мос келиши лозим. Бунга мисол тариқасида Андижон вилояти эришаётган ютуқларнинг негизини бошқариш тизимида барча даражадаги органлар ва раҳбарларнинг ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлик мувозанати таъминланганлигида кўришимиз мумкин.

У ёки бу масалани мустақил ҳал қилишда юқори даражадаги раҳбарнинг расмий ҳуқуқи бўйсунувчиларга узатилади.

Маъмурий бошқарув тузилиши бўғин, звено ва бўлимларнинг ҳуқуқ, бурч ва масъулияtlари (жавобгарлиги) бошқарув поғоналари бўйича вазифаларни оқилона тақсимланишига эришишга, орган ва раҳбар орасида уларнинг аниқ бўлинишига олиб келади. Ҳар бир бошқарув поғонасида мақсадга мувофиқ амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар бажарилиши лозим. Қарорлар иложи борича бошқарувнинг қуий поғонасида қабул қилинишига интилмоқ керак. Чунки фақат

қўйи звено тўла ва аниқ ахборотга эга бўлганлиги учун қарорни тез бажариши ва назоратни оқилона амалга ошириши мумкин.

Маъмурий бошқарувда ҳар бир бўғин, звено ва бўлимлар учун алоҳида уларнинг ҳуқуқи, бурчи ва жавобгарлигини белгиловчи Низомлар ишлаб чиқилади.

Ушбу Низомлар тўртта қисмдан иборат бўлади:

- Умумий қисм;
- Бўғин, звено ҳамда бўлимнинг бурч ва вазифалари;
- Ҳуқуқлари;
- Жавобгарлиги ва масъулияти.

“Умумий қисмда” бўғин ёки звенонинг аниқ номи, унинг бошқарув тизимидағи ўрни, асосий вазифалари, мақсади ва фаолият йўналиши ҳамда унга бевосита бўйсунувчи бўғинлар ва унинг кимга бўйсуниши аниқ кўрсатилади.

“Бўғин, звено ҳамда бўлимнинг бурч ва вазифалари” қисмида бўғиннинг аниқ фаолиятлари ва вазифалари белгиланади. Бунга бўғинлар ва звенолар бўйича бошқарувдаги жами ишларни мақсадга мувофиқ тақсимлаш асосида эришилади. Шу билан бирга ушбу бўлимда қандай вазифаларни (масалаларни) бўғин, звено мустақил ўзи ҳал этади, қайсиларида эса иштирок этиши кўрсатилади.

Бу бўлимни ишлаб чиқиша асосий эътибор фаолият ва вазифаларни турдош бўғин, звенолар бўйича аниқ чегаралашга қаратилади. Бундан мақсад фаолиятларни амалга оширишда ишларни параллел бажарилишига ва такрорланишига йўл кўймасликдир.

“Ҳуқуқлари” қисмида бўғинга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳуқуқлар белгиланиб, унинг ҳуқуқ доираси аниқланади.

Бўғиннинг ҳуқуқлари унинг раҳбари томонидан амалга оширилади. Бўғиннинг ҳуқуқларини белгилашда унинг бўлимлари ҳуқуқларини паймол қилмаслик назарда тутилиши керак бўлади.

“Жавобгарлик ва масъулияти” қисмида бўғин ёки звенога бириктирилган вазифаларни ўз вақтида ва етарли савияда бажарилишини таъминлаш ҳамда унинг ҳуқуқ, бурчлари ва фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб жавобгарлиги ва масъулияти белгиланади.

#### **4.3. Маъмурий бошқарув ходимларининг ҳуқуқ ва бурчлари**

“Бўғин, звено, ва бўлим ҳақида”ги Низом асосида маъмурий ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлигини аниқлаш мақсадида лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилади. Лавозим йўриқномаси ташкилий фармойиш ҳужжати бўлиб, у аниқ маъмурий ходимнинг (ижрочининг) вазифалари, бурчи, ҳуқуқи ва масъулиятини (жавобгарлигини) белгилайди.

Лавозим йўриқномалари ҳар бир ходимнинг бурчларини аниқлаш билан бир қаторда турли лавозимдаги хизматчиларни ўзаро боғланишларини белгилайди. Тушунча сифатида лавозим, энг аввало, маъмурий ходимнинг ҳуқуқ доираси чегараларини, меҳнат вазифаларини, яъни ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлигини тавсифлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий ходимларнинг ҳуқуқлари қўйидагилардан иборат бўлади:

- қарор қабул қилиш;
- аниқ масалалар бўйича кўрсатмалар бериш;
- ваколат доирасида ҳужжатларга имзо қўйиш;
- тегишли ахборотларни олиш;
- тегишли ташкилотларда (органларда) ваколат доирасида иштирок этиш;
- меҳнат фаолияти натижаси бўйича моддий ва маънавий манфаатдорлик ва бошқалар.

Маъмурий бошқарув ходимларининг бурчлари:

- белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириш;
- белгиланган тартибда бошқа хизматчилар билан муносабатда бўлиш;
- топшириқларни ўз вақтида бажариш;
- жамоада ижтимоий-руҳий ҳолатни яхшилашга эришиш;
- ички тартиб-қоидаларни бузмаслик;
- юқори раҳбарнинг буйруқ, кўрсатмалари ва йўриқномаларини сўзсиз бажариш;
- жамоа манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиш ва бошқалар.

Маъмурий бошқарув ходимларининг жавобгарликлари қўйидаги учта томони билан ажralиб туради:

- этик (ахлоқий);
- ҳуқуқий;
- иқтисодий.

Ахлоқий жавобгарлик ўз навбатида ахлоқий меъёрлар орқали амалга оширилади.

Хуқуқий жавобгарлик мамлакатда амал қилаётган қонунчилик асосида амалга оширилади, яъни “Мехнат кодекси”, “Жиноий кодекс”, “Маъмурий кодекс” ва бошқалар.

Иқтисодий жавобгарлик моддий рағбатлантириш механизми орқали амалга оширилади, яъни иш ҳақидан чегириб қолиш, мукофотдан маҳрум этиш, етказилған зарарни моддий жиҳатдан қоплаш, хўжалик шартномаларини тўла ёки қисман бажармасликдан кўрилган зарарни қоплаш. Бундан ташқари мулкий жавобгарлик механизми ва бошқалар орқали амалга оширилади.

## **5-БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШЛАРИ**

Маъмурий бошқарувнинг ташкилий тузилишлари маъмурий менежментнинг асосий негизини ташкил этади. Чунки ҳар қандай ташкилотнинг тартибли ишлаши, унда мавжуд интизом, бўғинлар ва ходимларнинг масъулияти, улардаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик руҳи ва бошқаларнинг барчаси бошқаришнинг ташкилий тузилишларини оқилона шакллантиришга боғлиқ. Бошқариш самарадорлиги фалсафасининг асосчиларидан бўлган Эмерсон Харрингтон таъкидлаганидек: «Инсоннинг олий истеъоди – фаолият тамойили энг юксак мақсадларни ишлаб чиқиш ва унга эришиш бўлган ташкилий тузилишларини шакллантириш ва йўлга қўйишдан иборатдир».

“Тузилиш” сўзи бошқарув элементлари бирлашувини, улар орасидаги ўзаро муносабат ва алоқаларни яхлит тизим эканлигини англатади.

Ҳар бир моддий обьект кўплаб ички ва ташқи боғланишларга эга бўлиб, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш хусусиятига эга. Тизимда тузилишли муносабатларни ўзгариши элементлар ҳолатини ўзгаришига олиб келади ҳамда улар тизим ривожланиш умумий қонуниятларига бўйсунади. Шундай қилиб, тузилиш тизим қисмларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда тузилиш тушунчаси тизимнинг ички шакли ва тузилишини англатади. Ҳар қандай тузилиш тизим ҳолатини турғунлигини сақлашга олиб келади ва унинг ташкилий шаклланиш кўрсатгичи ҳисобланади ҳамда бевосита ташкилотларга тегишли бўлади. Бизга маълумки, ташкилотларда у ёки бу биргаликдаги меҳнат фаолияти олиб борилади. Бу эса ўз навбатида ташкилий жараёнларга эҳтиёж борлигини намоён этади (меҳнат тақсимоти, ресурслар таъминоти, ишлар кетма-кетлиги, муддати ва ҳажмини мувофиқлаштириш ва бошқалар).

## 5.1. Бошқарувнинг ташкилий тузилиши тушунчаси

Ташкилий жараёнлар ўз навбатида фаолият стратегияси ва мақсадларини ишлаб чиқиш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, қизиқтириш (ундаш), назорат қилиш, ҳисоб юритиш, таҳлил этишни амалга оширишни талаб этади. Шундай қилиб, ташкилотларни бошқариш тизими элементлари орасидаги турғун ўзаро боғланишларнинг ягоналигини кўрсатувчи “бошқаришнинг ташкилий тузилиши” тушунчаси пайдо бўлади.

Бошқаришнинг ташкилий тузилиши деганда бошқарув бўғинларининг бирлашувини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда улардаги мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш тушунилади.

Бошқаришнинг ташкилий тузилиши қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- бошқариш звенолари (бўғинлари);
- бошқарув поғоналари;
- бошқарув ходимлари ва бўғинлари орасидаги боғланишлар;
- бевосита ходимлар ўртасидаги муносабатлар;
- горизонтал ва вертикал алоқалар.

Бошқаришнинг ташкилий тузилишлари қўйидаги омилларга бевосита боғлиқ бўлади:

- объектив талаб этилувчи бошқарувнинг аниқ функцияларига;
- ташкилотнинг кўламига;
- ташкилотнинг фаолият даражасига;
- ташкилотнинг мақсад ва вазифаларига;
- ташкилотнинг ихтисослашгандигига;
- ташкилот тури (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа ва бошқалар).

Бошқаришнинг ташкилий тузилиши, унинг расмий ва норасмий томонларини бирга олиб бориш билан хусусиятланади.

Бошқаришнинг расмий ташкилий тузилиши деганда юқори ташкилот ёки давлатнинг тегишли идоралари томонидан тасдиқланган ва ҳукуқий кучга эга бўлган ташкилий тузилишлар тушунилади.

Бошқаришнинг норасмий тузилиши ташкилотда ишловчи жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосида шаклланади (улар қарашларининг бирлиги ва қарама-қаршилиги, манфаатлари, дунёқараши, мойиллиги ва бошқалар). Масалан, бош ҳисобчи расмий боғланиш бўйича бевосита иқтисод бўйича

раҳбарнинг мувинига бўйсуниши керак. Лекин, уларнинг қарашлари қарама-қарши, манфаатлари турлича, дунёқараши ўзгача эканлиги мақсадга эришишда турли келишмовчиликларга олиб келади, бу эса ўз навбатида жамоадаги ижтимоий-руҳий ҳолатнинг бузилишига сабаб бўлади ҳамда вазифаларни бажарилмаслигига олиб келади. Шунинг учун расмий боғланиш ўзгартирилиб, норасмий боғланиш киритилади. Яъни бош ҳисобчи бошқа мувинга ёки бевосита раҳбарнинг ўзига бўйсундирилиши мумкин.

Демак, бошқаришнинг ташкилий тузилишини такомиллаштириш, ҳам расмий, ҳам норасмий томонларни яхшилаш билан боғлиқ экан.

Бошқарув звеноси – бу алоҳида олинган бўғин бўлиб, маълум бошқарув фаолиятини амалга оширади (ходим ёки бўлим томонидан).

Бошқарув погонаси – бу бир звенонинг (ходимнинг) бошқасига бўйсуниш кетма-кетлигидир.

Бошқарув звенолари ва ходимлари орасидаги боғланишлар горизонтал ва вертикал бўлади.

Горизонтал – бир бошқариш погонасидаги тенг ҳуқуқли звеноларнинг (ходимларини) муносабатлари.

Вертикал – бошқарув погоналарида раҳбар ва бўйсунувчи звено (ходим)лар орасидаги муносабатлардир.

## **5.2. Маъмурий бошқарув ташкилий тузилишларининг шаклланиш тамойиллари ва уларга қўйиладиган талаблар**

Маъмурий бошқаришнинг ташкилий тузилишлари мақсадларга эришишда барча ресурслардан самарали фойдаланишни, боғланишларнинг оқилона ташкил этилишини, фаолиятларнинг қайтарилмаслигини, паралел бажарилмаслигини таъминлаши лозим.

Шунинг учун маъмурий бошқаришнинг ташкилий тузилишларини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга таяниш лозим:

1. Шахсий жавобгарлик ва фармойишнинг ягоналиги. Бу тамойил икки томонлама бўйсунишни ҳамда қарама-қарши кўрсатма олиш ҳолатини истисно қиласи. У ҳар бир звено (ходим)га ягона раҳбар бўлишини таъминлайди.

2. Функционал ва чизиқли раҳбарлик орасида аниқ чегара бўлишларини таъминлаш. Чизиқли раҳбарлик бевосита

бўғинлар (ходимлар) фаолиятини мувофиқлаштириш, мақсадга йўналтириш ва унга эришишга қаратилса, функционал раҳбарлик уларни тегишли ахборотлар билан таъминлайди ҳамда тавсиялар беради.

3. Назоратни оқилона ташкил этиш. Бир киши самарали раҳбарлик қила оладиган бўйсунувчилар сонини тўғри аниқлаб олиш керак, яъни ҳар бир раҳбарнинг бошқара олиш меъёрини белгилаш.

4. Аниқ функционал чегаралашни таъминлаш. Ҳар бир функционал звено аниқ белгиланган фаолиятларга эга бўлишлиги, қайсики бошқа бўлимларнинг фаолиятларига тегишли бўлмаслиги лозим. Бу эса ўз навбатида бошқарув тузилишларида турли бўғинлар, звенолар, бошқа ташкилий бўлимларнинг аниқ сони ва сифатини белгилашга имкон беради.

5. Ҳар бир мансабдор шахс ва бошқарув звеносининг ҳуқуқ, бурч ва жавобгарлигининг муқобиллигини таъминлаш. Ушбу тамойил ҳар бир масъул ходим, мансабдор шахс, раҳбар ҳамда бошқарув звеносининг ҳуқуқи, бурчи ва жавобгарлиги бажараётган вазифаси ёки амалга ошираётган фаолиятига мос бўлишлигини таъминлайди.

6. Тежамлилик ва мослашувчанликни таъминлаш. Бу тамойил ташкилий тузилишларнинг ички ва ташқи муҳитнинг ўзгаришига мослашувчан бўлишлигини ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарасини таъминлайди.

Ҳар қандай даражадаги раҳбарнинг энг асосий вазифаси бошқаришнинг ташкилий тузилишини мақсадга мувофиқ ва оқилона шакллантиришдан иборат бўлади. Юқорида келтирилган бошқаришнинг ташкилий тузилишларини шакллантиришга қўйидаги асосий шартлар ва талаблар қўйилади:

1. Бошқариш ташкилий тузилишларини шакллантиришнинг методологик негизи, объектнинг максимал даражада эркинлигини таъминлаш.

2. Бошқариш ташкилий тузилишларини шакллантиришда асосий эътибор бошқарув муносабатларини камайтиришга қаратилишининг лозимлиги.

3. Бошқарув тизимининг янгиликларга интилишини таъминлаш, яъни бошқариш ходимларига максимал ижодий эркинлик бериш мақсадида боғланишларни ташкил этиш.

4. Бошқарув тузилишларини мослаша олиш имкониятига эга бўлишлигини таъминлаш.

5. Ташкилий тузилишларнинг иқтисодий фаолиятда эркинлигини таъминлаш.

6. Бошқариш тузилишларининг иложи борича кам погонали бўлишлигига эришиш.
7. Бошқарув тузилишида ахборот айланиш йўллари иложи борича кам бўлишлигини таъминлаш.
8. Бошқарув фаолиятларини энг юқори даражадаги техник воситалар билан қуроллантириш.
9. Ваколатларнинг оқилона тақсимланишини таъминлаш.
10. Бошқарув бўғинларида мақсадга мувофиқ меҳнат тақсимотига эришиш.

### **5.3. Маъмурӣ бошқарув ташкилий тузилишларида боғланиш шакллари**

Маъмурӣ менежмент һазарияси ва амалиётида бошқариш аппаратурини тузишнинг бир нечта тизими мавжуд бўлиб, улар асосан турли боғланиш шаклларидан фойдаланишга ва уларнинг бошқариш погоналаридан ўтишига асосланган (субординация).

Нисбатан содда ва кўп тарқалган бошқарув аппаратини тузиш чизиқли боғланишга асосланган. Чизиқли бошқарувга асосланган тизимнинг маъноси ҳар бир бўғиннинг бошида раҳбар туради. У ўз навбатида юқорида турувчи раҳбарга ҳисобот бераб, фақат унинг топшириқларини бажаришга мажбур.

Бу тизимнинг ютуқларига ўзаро муносабатлардаги ойдинлик, қарама-қарши топшириқларнинг йўқлиги киради, камчилити эса раҳбарнинг кўп фаолиятларни амалга ошириши лозимлиги оқибатида унинг билим даражасини етишмаслиги, яъни бошқарувнинг айрим функцияларини бажарувчи мутахассисларининг йўқлигига кўринади. Шунинг учун ҳозирги ўта мураккаб бошқарув жараёнларида бу тизим самарасиз ҳисобланади. Бундай тизимлар қуролли кучлар ва шунга ўхшаш авторитар бошқарув шаклларига эга бўлган тизимларда қўлланилмоқда.




**9-чизма. Чизиқли бошқарув.**

Айрим ҳолларда бошқарув тизимида функционал боғланишларга асосланган маъмурий тузилмалар қўлланилади.

Функционал боғланишлар шакли бошқарув тизимини юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилиши ҳисобига самарали бўлади. Бунга эса ўз навбатида улар томонидан бошқарувнинг аниқ фаолиятларини билган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилишлиги орқали эришилади.

Бундай боғланишларнинг камчилиги, фармойишнинг ягоналиги таъминланмаслигига ва вазифага жавобгарликнинг камайишида намоён бўлади.




10-чизма. Функционал бошқарув.

Юқорида келтирилган боғланиш шаклларининг камчиликларини бартараф қилиш мақсадида чизиқли-функционал боғланишлар шаклидан фойдаланилади.

Бундай боғланишлар чизиқли раҳбарият ҳамда функционал бўғинлардан (бўлим, гурӯҳ ва бошқа ячейкалар) ташкил топган бўлади. Уларни *штабли* боғланишлар шакли деб ҳам юритилади. Ҳозирда мазкур боғланишлар шаклидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бир қаторда ушбу боғланишларни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар амалга оширилмоқда.

Чизиқли-функционал тизим юқори органнинг фармойиш ва топшириқларини қисқа муддатда амалга оширишни таъминлайди ҳамда маъмурий бошқарув ходимлари меҳнатини оқилона тақсимотига олиб келади. Вертикал ва горизонтал боғланишларни мақсадга мувофиқлигини таъминлайди.



### **11-чизма. Чизиқли-функционал бошқарув.**

Булардан ташқари, ривожланган мамлакатлар йирик компания ва уюшмаларида бошқариш тузилишининг дивизион боғланишлар шакли ҳамда *матрицали* боғланишлар тизимидан ҳам фойдаланилади.

Бундай бошқариш тузилишларининг асосий ютуғи жорий фаолиятларнинг қуиғи поғоналарга берилиши, юқори поғоналарнинг эса стратегик мақсадаларга эришишга йўналтирилганлигидадир.

Мамлакатимизда юқоридаги маъмурий бошқариш тизимларини такомиллаштириш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида 1997 йил 30-сентябрдаги “Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 459-сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини келтириш мумкин. Ушбу қарорга биноан ҳудудларда ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва марказий бошқарув органдарни ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич маҳаллий (муниципал) бошқарув органларига бериш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадларига қаратилган.

#### **5.4. Маъмурий бошқарувда фаолиятлар бўйича бурч ва вазифаларнинг тақсимланиши**

Фаолиятлар бўйича бурч ва вазифаларни тўғри тақсимлаш ҳар қандай маъмурий бошқарув органди фаолиятининг асосий элементи ҳисобланади. У бошқарувда аниқликни, аппарат интизо-

мини таъминлаб, масъулиятсизликни истисно қилади. Бурч ва вазифаларнинг тақсимоти икки йўналишда амалга оширилади:

- вазифаларни бўғинлар (звенолар, бўлимлар) бўйича тақсимлаш;
- вазифаларни бўғинлар ичидаги, ходимлар орасида тақсимлаш.

Буни эса ўз навбатида матрицали усулда бажариш тавсия этилади. Биринчи навбатда бошқарув органи фаолиятларининг мукаммал рўйхати тузилади, кейин улар меъёрлаштирилади ва тегишли матрицаларга туширилади. Матрицанинг юқори ўнг томонига ходимлар лавозимлари ёки бўғин, бўлимларининг номлари қайд этилади, сўнгра бошқарув фаолиятлари бўғинлар ёки лавозимлар бўйича тақсимланади.

Маъмурий бошқарувда фаолият тақсимотини қўйидаги икки қулай усулда амалга ошириш мумкин:

– биринчи усулда (3-жадвал) аввало бўғинлар аниқланиб, улар бўйича фаолиятлар тақсимланади, сўнгра вазифалар (фаолиятлар) бўғинлар ичida тақсимланади.

Шундай қилиб бу усулда, аввало маъмурий бошқарув аппаратининг тузилиши шаклланади ва фаолиятлар ушбу таркибининг бўғинлари бўйича тақсимланади.

### 3-жадвал

#### **Бўғинлар (бўлимлар) бўйича фаолият (хизмат) бурчларининг тақсимланиш матрикаси**

	<b>Фаолият (хизмат) бурчлари (вазифалари)</b>	<b>Режалаш- тириш</b>	<b>Ишлаб чиқариш</b>	<b>Маркетинг ва бошқалар</b>
1	Ишлаб чиқариш ривожини прогнозлаш (башорат қилиш)	+		
2	Бозор коньюктурасининг таҳлили			+
3	Жорий режалаштириш	+		
4	Жорий бошқариш ва бошқалар		+	

– Иккинчи усулда фаолиятлар лавозимлар рўйхати бўйича тақсимланиб, ундан сўнг лавозимлардан бўғинлар шаклланади (4-жадвал).

Ушбу мисоллар “Менежмент” йўналиши талабаларининг “Менежмент асослари” фанини эгаллаганликларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг бошқариш соҳасидан олинган. Бундай усулларни маъмурий бошқарувнинг бошқа ҳар қандай кўринишлари(давлат идоралари ва муниципал бошқарув органдари, ижтимоий соҳани бошқариш)да ҳам қўллаш мумкин.

## 4-жадвал

**Фаолият (хизмат) бурчларининг лавозимлар бўйича тақсимланиш матрицаси**

№	Фаолият (хизмат) вазифалари	Вакът меъри (соат)	Лавозимлар				
			Катта иқтисодчи	Иқтисодчи	Муҳандис технolog	Бухгалтер	ва бошқалар
1	Оператив ва жорий режа-лаштириш	380	90	290			
2	Реклама проспектини тайёр-лаш	100	50		50		
3	Бухгалтерия ҳисоби	380				380	
4	Иқтисодий таҳлил	100	50	50			
5	Меҳнат муҳофазаси ва бошқалар	100			100		

Юқоридаги усулларни күллашнинг йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- биринчи усулдан бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда маъмурӣ аппарати 50 кишидан кўп бўлган органларда;
- бошқарув аппарати кичик бўлган тақдирда иккинчи усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади (давлат ва муниципал бошқарув идоралари, уюшма, концернлар ва бошқалар).

Иккинчи усулни кўллаш у ёки бу хизмат бурчларини бажариш учун сарфланадиган вақт меъёрларини аниқлашда маълум қийинчиликлар туддириши мумкин. Бироқ бундан муаммони очиб бўлмайди деган хуоса чиқармаслик керак. Чунки маъмурӣ ҳодимлар томонидан хизмат вазифаларини бажаришга сарфланаётган вақтларини тажриба ўтказиш, эксперт баҳолаш ва доимий хронометраж ўтказиш каби усуллар орқали аниқлаш мумкин.

Ушбу муаммони ҳал қилишнинг йўлларидан бири жойларда маъмурӣ ҳодимлар меҳнатини меъёрлаш ва автоматлаштириш борасида илмий тадқиқот олиб борадиган лабораториялар ташкил этишдан иборатdir. Жаҳон тажрибаси ушбу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқлигини исбот қилмоқда.

## **6-БОБ. МАЪМУРИЙ МЕНЕЖМЕНТДА ВАКОЛАТЛАР**

Бирор юмушни ҳар жиҳатдан қойилмақом қилиб адо этсангиз «худди рисоладагидек бўлибди», дейишади. Бу ифодани таърифда белгиланган барча қонун-қоидаларига риоя қилиш маъноси ҳам назарда тутилади, албатта. Демак, ҳар бир ходим, бошқариш звеноси, раҳбар рисоладагидек ишласа (фаолият олиб борса), яъни қонунга (белгиланган тартиб қоидаларга, меъёrlарга, ҳаракат меъёrlарига) биноан ҳаракат қилса, одилликнинг бирламчи шарти таъминланган бўлади.

Ходимлар, звенолар, раҳбарлар ўзларига берилган ваколат доирасидан чиқиб кетганда, баъзан эса, ўз ваколатидан тўла фойдаланмаганидаadolat тарозуси бузилади.

Хўш, ваколат қандай тушунча? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ёзилишича, **ваколат** – бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва шу кабилар номидан иш қилиш учун берилган хукуқ, вакиллик хукуқидир.

Мазкур бўлим ҳар бир раҳбар ва ходимлар бўйсуниши шарт бўлган бошқариш тамойиллари ва ваколатлар тақсимоти таҳлилига бағишланган.

### **6.1. Маъмурий бошқарувда ваколатларнинг мазмуни ва моҳияти**

Ваколат – бу мансабдор шахс, муассаса, ташкилот, давлат номидан фаолият олиб бориш учун берилган хукуқ доирасидир.

Маъмурий бошқарув тизимида ташкилот раҳбарияти томонидан бўйсунувчиларга ўзи масъул бўлган вазифаларни ҳал этиш хукуқини бериб қўйиши маъмурий ваколатлар деб юритилади. Ваколатларнинг бўйсунувчилар орасида мақсаддага мувофиқ тақсимланиши раҳбар фаолиятини асосий стратегик, истиқболли ва энг долзарб масалаларга қаратиш имкониятини беради. Шу билан бирга ваколат оқилона тақсимланган бўлса, раҳбар умумий раҳбарлик ва назоратни ўз қўлида сақлаб қолади.

Ваколат ходимга эмас балки у эгаллаб турган лавозимга бे-рилади. Ходимнинг лавозими ўзгарса унга берилган ваколат ҳам ўзгариади.

Ваколат ҳуқуқ доираси бўлса, масъулият маълум фаолият, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарлиқдир. Демак, ваколатни масъулият билан адаштирмаслик керак, чунки ваколатлар бошқа одамлар фаолиятини тартибга солиш ва муво-фиқлаштириш бўйича берилган ҳуқуқни назарда тутади. Қолаверса, бу иккала тушунча бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Яъни, ваколатли ходим қабул қилган қарорлари, уларнинг ҳаётийлиги ҳамда амалга оширилиши тўғрисида юқори раҳбариятга мунтазам ҳисобот бериб туришга масъулдир.

Маъмурий бошқарувда ваколат ва масъулият бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. Акс ҳолда ташкилот ва унинг ходимлари учун кутилмаган нохушликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ходимга бириктирилган ваколатнинг масъулиятдан катта бўлиши маъмурий сунистеъмолликка олиб келиши мумкин. Аксинча, масъулиятнинг ваколатдан устун келиш ҳолатлари ходимлар фаолиятини фалаж ҳолга олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ваколат билан масъулиятнинг мутаносиблиги маъмурий бошқаришнинг ҳар бир бўғинидаги раҳбар ва ходимлар учун муҳим ахамиятга эга бўлиб, ташкилот фаолиятининг бир маромда ривожланишини таъминлайди. Ваколат билан масъулият орасидаги мазкур боғланишларни қуидагиларда кўриш мумкин:

- агарда ваколат масъулиятдан катта бўлса, маъмурий ўзбошимчаликка ва лавозимни сунистеъмол қилишга олиб келади;
- агарда ваколат масъулиятдан кичик бўлса, бошқарув фаолиятини фалаж қилади;
- агарда ваколат масъулиятта тенг (ёки бир-бирига мутаносиб) бўлса, бошқарув жараёнининг бир маромда ишлаши таъминланади.

Демак, ваколатнинг ҳам аниқ чегараси бўлиши лозим экан. Шу сабабли:

*Ваколат – бу ташкилот ресурсларидан фойдаланиш ва ходимларга таъсир ўтказиш бўйича у ёки бу лавозидаги мансабдор шахсга берилган ҳуқуқ доирасидир.*

Маълум ташкилот миқёсида бу чегаралар мансабдор шахсларга оид лавозим йўриқномаларида ва турли бошқариш бўғинларининг функциялари ва вазифаларини бажариш тўғрисидаги низомларда белгиланади. Раҳбар ёки ходимнинг

лавозим даражаси ортиб борган сари, уларнинг ваколат чегараси ҳам муайян тарзда кенгайиб боради. Аммо бундан юқори раҳбарларнинг ваколати чексиз экан деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки уларнинг ваколати ҳам аниқ чегараланган бўлади. Бундан ташқари раҳбарлар амалдаги қонун ва тартиб-қоидаларга зид бўлган фаолиятларни амалга ошириш бўйича ўз ходимларига ваколат беришга ҳақли эмаслар.

Дарҳақиқат, ташкилотда мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг барчасини фақат раҳбарнинг ўзи ечишга қодир эмаслиги барчага аён. Шу билан бирга фаолиятлар ва вазифаларнинг кўплиги, муаммоларнинг турли-туманлиги ва раҳбар вақтининг етишмаслиги, айниқса, хозирги кунда ташқи мухит таъсирининг кучлилиги ташкилотда ваколатларни мутасадди ходимлар орасида мақсадга мувофиқ тақсимланишини талаб этмоқда.

Ваколатларни қуийи погоналарга тақсимлаш билан раҳбар, бир томондан иккинчи даражали фаолиятлардан ўзини озод қилса, иккинчи томондан қарор қабул қилиш жараёнини бевосита ижрочиларга яқинлаштиради. Бу эса ўз навбатида қарор ва топшириқларни амалга ошириш жойларига ўз вақтида ва сифатли етиб боришини ҳамда назорат қилиш жараёнини мукаммал бўлишилигини таъминлайди. Маъмурий бошқарувда у ёки бу бўғинга, ходимга топшириладиган ваколат миқёси ечиладиган масаланинг:

- мұхимлигига;
- мұраккаблигига;
- таваккалчилик даражасига;
- долзарблигига ва бошқа шу қаби омилларга боғлиқ.

Ваколатлар тақсимоти ташкилот раҳбар ва ходимлари билим, тажриба, кўнікма, малакаларига, тайёргарлик даражаси ва таркибиға боғлиқ. Масалан, ходимлар малакаси қанчалик юқори бўлса ҳамда мустақил фикрга эга бўлса, уларга ваколатларни бириктириш шунчалик ишончли бўлади.

Ташкилотда шаклланган коммуникацияларнинг, техник ва алоқа воситаларининг ривожланганлик даражаси ҳам ваколат миқёсига ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу соҳалар ривожланган бўлса, раҳбар ваколат топширмасдан тўғридан-тўғри юқори погонадан топшириқ олиши ва қўйи погоналарга топшириқ бериши мумкин.

Маъмурий бошқарув тизимида ваколатларни тақсимлаш ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Улар у ёки бу сабабларга биноан бошқаришн ёюқори бўғинида ёки қуийи бўғинида

тўпланиши мумкин. Шунга қараб ваколатлар марказлашган ва марказлашмаган бўлади.

Ваколатларнинг асосан юқори бўғинларда мужассамлашуви ваколатларнинг марказлашувини англатади. Ваколатларнинг қуий бўғинларда мужассамлашуви эса ваколатларнинг марказлашмаганинги англаатади.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики ваколатлар буткул марказлашган ва батамом марказлашмаган бўлиши мумкин эмас.

Маъмурий бошқарувда ваколатларни тақсимлаш усулларига ҳам катта эътибор қаратилади. Кўйида ваколатларни тақсимлаш усуллари билан боёлиқ бўлган ваколат турлари ва уларнинг тақсимланиш механизmlари ёритилади.

## 6.2. Ваколатлар ва уларнинг турлари

Маъмурий бошқарувда ваколат, деганда ташкилот ресурсларидан фойдаланиш ва унинг айрим ходимлари фаолиятини вазифаларни бажаришга қаратиш бўйича чекланган ҳуқуқ тушинилади ёки бошқача айтганда одамларга раҳбарлик қилиш ва ресурслардан фойдаланишнинг чекланганлик ҳуқуқидир.

Ваколатни ҳокимлик билан аралаштириб бўлмайди, чунки ҳокимлик деганда ҳолатга бевосита таъсир ўтказиш имконияти ва қобилияти тушунилади.

Ваколат маълум лавозимдаги кишининг бирор вазифани бажариш ҳуқуқи бўлса, ҳокимлик ушбу вазифани ҳақиқатда бажара олишилайдир. Ваколатлар чизиқли ва штабли (аппаратли) бўлади.


Чизиқли ваколат деганда уларнинг бевосита бошлиқдан бўйсунувчига узатилиши тушенилади. Чизиқли ваколатлар ташкилотдаги раҳбар ходимлар ва бўйсунувчилар орасидаги ҳокимлик муносабатлари тузилишини намоён этади.

Уларнинг тақсимланиши ташкилотнинг бошқариш поғоналари кетма-кетлигини ҳосил қилиб, 12-чизмада ифодаланган раҳбарлик занжирини ташкил этади.

Штабли ваколатлар – бу чизиқли ваколати бор раҳбарларга ҳамда функционал ходимларга ёрдам ёки маслаҳат бериш ҳуқуқидир.

Штабли ваколатларнинг қуидаги турлари мавжуд:

- тавсия бериш ваколатлари;
- параллел ваколатлар;
- келишув ваколатлари;
- функционал ваколатлар.



### 12-чизма. Раҳбарлик занжири.

Тавсия бериш ваколатлари чегараланган бўлиб, асосан чизиқли раҳбариятга маслаҳат бериш билан характерланади.

Параллел ваколатлар – штабли ваколатларни янада кенгайтиришни кўзда тутиб, чизиқли раҳбариятнинг айрим қарорларини рад этиш хукуқини ўз ичига олади.

Келишув ваколатлари – чизиқли раҳбариятни алоҳида олинган қарорлар бўйича штабли аппарат билан келишувини талаб этиб, тавсия бериш ваколатларини кенгайтиришни таъминлайди.

Функционал ваколатлар – штабли аппаратга ўз хукуқи доирасида айрим масалалар бўйича тавсия қилиш ва аксинча, рад этиш хукуқини беришни кўзда тутади.

Ташкилотларда штабли фаолиятлар ва ваколатларни амалга ошириш учун махсус маъмурий аппаратларни шакллантириш талаб этилади.

Ҳозирда маъмурий аппаратларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- маслаҳат берувчи аппарат;
- хизмат кўрсатувчи аппарат;
- шахсий аппарат.

Маслаҳат берувчи аппарат – маълум қасблардаги мутахассислардан вақтингчалик ёки доимий аснода шакллантирилади. Унинг вазифаларига маҳсус тайёргарлик талаб этувчи муаммолар бўйича чизиқли раҳбариятга маслаҳат бериш киради (хуқуқий муаммолар, маҳсус ёки энг янги технологияларни жорий этиш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш ва бошқалар).

Хизмат кўрсатувчи аппарат – маслаҳат бериш фаолияти билан бир қаторда хизмат кўрсатиши фаолиятларини ҳам бажаради. Хизмат кўрсатувчи аппаратдан фойдаланиш мумкин бўлган соҳаларга маркетинг тадқиқотлари, молиялаштириш, режалаштириш, моддий-техник таъминот ва бошқалар киради.

Шахсий аппарат – хизмат кўрсатувчи аппаратнинг бир кўриниши бўлиб, раҳбарнинг ёрдамчилари ва котибаларидан ташкил топади. Ташкилотларда шахсий аппарат хизматчилари расмий ваколатларга эга бўлмасада, улар катта ҳукмдорликка (власть) эгадирлар.

Ҳозирда, яъни умуман янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жорий этилаётган даврда маъмурий бошқарувда иштирок этгэтидан ходимларда фикрлашнинг сустлигини бартараф қилиш, ташаббус ва уддабуронликни рағбатлантиришнинг кенг имкониятлари-ваколатларнинг оқилона тақсимотига эришишда намоён бўлади. Ваколатлар тақсимотининг мазмуни раҳбар томонидан у ёки бу масалаларни ҳал қилишда ўзининг айрим ваколатларини қуий поғонадаги бўйсунувчиларга беришдан иборат бўлади. Афсуски, раҳбарларда собиқ тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган ўз ходимларига ишончсизлик, улар бемалол ҳал қила оладиган масалаларни ҳам ўз ихтиёрига олиши ва бошқалар ҳозиргача сақланниб қолмоқда. Бундай ҳолат ўз навбатида ходимларда фаолият эркинлигини бўғиб, меҳнатга қизиқиши кескин камайтиради. Шунинг учун ҳам ваколатлар тақсимотини ўрганиш ва билиш маъмурий ходимлар учун биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда.

### 6.3. Ваколатларнинг тақсимланиши

Маъмурий бошқарув тизимида ваколатлар тақсимоти – ўзига вазифаларни бажариш бўйича жавобгарликни олувчи гуруҳ ёки айрим кишига юқоридан қуийга қараб вазифа ва ваколатларни топшириш тушунилади. Ваколатларнинг тақсимоти юқори малакага эришган гуруҳ ёки айрим кишига нисбатан ишлатилади.

Ваколатлар тақсимотининг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

1. Юқори даражадаги раҳбарлар ишини енгиллаштириш, уларни жорий ишлардан ҳоли қилиш ва стратегик ҳамда истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қаратиш.

2. Қуий звенолар (бўғинлар) қобилиятини ошириш.
3. “Инсон омилини” фаоллаштириш, ходимларни меҳнатга жалб қилиш ва қизиқишини кучайтириш.

Ваколатлар тақсимотининг мақбул ҳажми турли омилларга боғлиқ бўлиб, энг аввало улар:

- аниқ ходим тамонидан тақсимланадиган ваколатларни амалга ошира олиш имкониятларига;
- ходимга топширилайдиган ваколатларнинг у бажараётган вазифага мос келишига боғлиқ бўлади.

Ваколатларнинг тақсимланиш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ходимларга якка тартибда аниқ вазифаларни топшириш;
- бўйсунувчиларга бажараётган ишига мувофиқ тегишли ресурслар ва ҳуқуқлар бермоқлик;
- бўйсунувчиларга бурч ва вазифаларини улар бажараётган ишлари бўйича шакллантириш.

Маъмурий менежментда ваколатларнинг мақсадга мувофиқ тақсимоти бўйича асосий тамойиллари қуидагилардан иборат:

- яккабошчилик – ходим фақат битта раҳбардан топшириқ олади ва уни бажаришда жавобгар бўлади;
- мос келишилик – топшириқлар таркиби ходимнинг ваколат хусусиятига мос келиши зарур;
- тартибга солиш – ваколатлар таркиби ходимларга бериладиган янги топшириқларга мос ҳолда тузатилишининг зарурлиги;
- етарлилик – жавобгарлик кўлами ходимнинг ўз имкониятларидан ортиб кетмаслиги лозим;
- қизиқтириш – жавобгарликнинг кенгайтирилиши, рағбатлантириш, таъсир ўтказиш ва етакчиликка интилиш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Маъмурий бошқарувда ваколатлар тақсимотини самарадорлигини таъминлаш бош вазифа ҳисобланади. Чунки, юқорида айтилганидек ҳозиргача ваколат тақсимоти самарадорлигини пастлигига таъсир ўтказувчи сабаблар сақланиб қолмоқда.

Улар қуидагилардан иборат:

1. Раҳбарларнинг ваколатлар тақсимотининг хоҳламаслигига олиб келувчи сабаблар:

- бўйсунувчиларга ишончнинг йўқлиги;
- таваккалчиликдан қўрқиш;
- назоратни амалга оширишнинг қийинлиги;
- “Кучли” шахсларнинг таҳдид солиши;

- қарор қабул қилиш жараёнининг мураккаблашуви;
- бўйсунувчилардан ривожланган алоқаларнинг талаб этилиши.

2. Бўйсунувчиларнинг ўзига жавобгарлик олишни хоҳламаслик сабаблари:

- муаммони мустақил ечишдан кўра, раҳбардан сўраб билишнинг қулагилиги;
- хатога йўл қўйганлик учун танқиддан қўрқиш;
- вазифани мувоффақиятли бажариш учун керакли ресурслар ва ахборотнинг йўқлиги ёки тақчиллиги;
- иш билан ортиқча юклангандик;
- ўзига ишончнинг йўқлиги;
- қўшимча жавобгарликни олишга қизиқишининг йўқлиги.

Муваффақиятли ваколат тақсимотига эришишнинг асосий омиллари:

1. Таваккалчиликни баҳолаш, яъни таваккалчилик баҳоланиб, унинг кам даражада бўлишигини таъминлаш даркор.

2. Ваколатларни тарқатишда маълум ўлчовнинг бўлишилиги, яъни ўта катта талаблар қўйиш ноҳуш руҳий ҳолатга олиб келиши мумкин, етарли бўлмаган талаблар эса жавобгарликнинг йўқолишига олиб келади.

3. Мақсадларни аниқ-равшан тушуниш ва тушунтириш, яъни ваколатларни малакали узатиш мақсадларни аниқ таркиблаштиришни ва улар билан барчанинг келишганлигини талаб этади. Агарда мақсадлар аниқ бўлмаса вазифалар равшан бўлмайди.

4. Доимий маслаҳатлашиш, яъни маслаҳатлашиш жараёни ҳам раҳбарларга ҳам бўйсунувчиларга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ваколатларнинг оқилона тақсимотига эришиш маъмурӣ бошқарув тизими тузилишининг асоси бўлган бошқариш технологияси ва фаoliятлари (функциялари)ни муваффақиятли амалга оширишнинг бош мезони ҳисобланади.

## **7-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

Менежмент функциялари (фаолиятлари) – бошқариш фаолиятининг ўзига хос кўринишларининг турғун таркибини ифодалайди. Улар бошқарув ишларининг умумий вазифалари ва йўналишларини характерлайди. Уларнинг таркиби ва мазмуни аниқ ташкилотнинг ўзига хос томонларига боғлиқ бўлмайди, яъни қайсиdir бир тармоққа қарашлилиги, кўлами, ташкилий-хукуқий шакли ва бошқалар.

Маъмурий бошқарувнинг умумий функциялари ҳар қандай ташкилот фаолиятини бошқаришнинг умумий тартибини ва кетма-кетлигини, яъни унинг технологиясини белгилайди.

Мазкур бўлимда маъмурий бошқарув жараёнини амалга оширилишини ифодаловчи унинг функциялари (фаолиятлари) ва технологияси билан боғлиқ масалалар ёритилади.

### **7.1. Маъмурий менежмент функциялари тушунчаси ва турлари**

Бошқариш назарияси асосчиси Анри Файол маъмурий жараённинг бешта функциясини ва элементини кўрсатиб берган:

- олдиндан кўриш (англаш);
- ташкил этиш;
- фармойиш бериш;
- мувофиқлаштириш;
- назорат.

Ушбу элементларнинг (функцияларнинг) мазмунини куйидагича белгилаган:

- олдиндан кўриш – келажакни ўрганиш ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиши;
- ташкил этиш – ташкилот организмининг (ҳаётини) икки томонини барпо этиш (моддий ва ижтимоий);
- фармойиш бериш – ташкилот ходимларини ҳаракатга келтириш ва четга чиқишлиарни тартибга солиш;

- мувофиқлаштириш – ташкилот фаолиятини барча томонларини боғлаш ва бирлаштириш;
- назорат қилиш – барча фаолиятлар ўз мөърида бораёт-ганлигини кузатиб туриш.

Юқоридаги функцияларнинг фақат маъмурӣ эканлигини таъкидлаш жоиз. Бироқ, ҳозирги мураккабликлар шароитида маъмурӣ менежмент функциялари ҳам ривожлантирилиб, бошқариш жараёнининг туркум фаолиятларини амалга оширишга қаратилмоқда.

Ҳозирда маъмурӣ бошқарув функцияларининг уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Умумий функциялар;
2. Ижтимоий-психологик функциялар;
3. Технологик функциялар.


Умумий функциялар – бошқарув жараёнининг асосий босқичлари мазмунини англатади. Барча ташкилотларда муваффақиятли бошқариш қўйидаги умумий функцияларни амалга оширишни кўзда тутади:

- мақсадларни шакллантириш;
- стратегик режалаштириш;
- ташкил қилиш;
- тартибга солиш (мувофиқлаштириш);
- рағбатлантириш;
- назорат қилиш (ҳисоб-китоб юритиш ва таҳлил этиш).

Бошқаришнинг ижтимоий-психологик функциялари – жамоадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар характеристи билан боғланган. Улар икки хил функцияларни ўз ичига олади: ваколатлар тақсимоти ва мотивация (ундаш).

Маъмурӣ бошқарувнинг технологик функциялари – ҳар қандай даражадаги раҳбарлар меҳнати технологияси мазмунини англатади ва улар фаолиятини қўйидаги икки томонини белгилайди: қарорлар ва коммуникациялар (алоқа, муносабат йўллари).

Юқорида келтирилган функциялар ўзаро бир-бирини тўлдириб, маъмурӣ бошқарувнинг ягона тизимини ташкил қиласди. Улар алоҳида олинган раҳбарлар меҳнатини ва бошқариш бўғинларини ихтисослаштириш имкониятини яратади ҳамда ташкилот фаолиятига таъсир ўтказиш усуслари ва йўл-йўриқларидан оқилона фойдаланишга олиб келади. Қўйида маъмурӣ бошқарув функциялари тизими келтирилган:



### 13-чизма. Маъмурӣ бошқариш функциялари.

#### 7.2. Бошқарув жараёни технологияси

Маъмурӣ менежментнинг умумий функциялари ташкилот фаолиятини бошқаришнинг умумий тартибини белгилайди. Улар хоҳ стратегик, хоҳ жорий бошқариш бўлсин бир хил даражада зарурдир. Бошқариш жараёни маълум муддатга мўлжалланган ташкилот фаолиятининг мақсадлар тизимини ва вазифаларини шакллантиришдан бошланади. Сўнгра кўзда тутилган мақсадларни бажариш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тегишли ташкилий тузилишларни яратиш, ижрочиларни жалб қилиш, улар фаолиятини вақт бўйича ҳамда фазовий мувафиқлаштиришни талаб этади. Қабул қилинган ташкилий тузилишлар доирасида кўзда тутилган тадбирларни муваффақиятли бажариш, ҳисоб-китоб юритишини, ташкилот фаолиятини тар-

тибга солиши ва амалга оширилаётган жараёнларни доимий назорат қилишни талаб қиласы.

Үзаро боғланган умумий функциялар жуфтлиги бошқариш қарорлари ёпиқ контурини ташкил қиласы ва “мақсад-восита” шаклида намоён бўлади.

Биринчи контурда – “мақсад-режалаштириш” – режалаштириш жараёни белгиланган тадбирлар ва ресурслар кўзда тутилган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлагандагина якунланади. Акс холда бирламчи кўзланган мақсад тузатиш киритишини талаб қиласы.

Иккинчи “режалаштириш-ташкил қилиш” контурида – белгиланган режа-топшириқларини албатта ва самарали бажарилишини таъминловчи ташкилий тадбирларни излаб топиш орқали амалга оширилади.

Учинчи, тўртинчи ва бешинчи контурлар ичидаги қабул қилинган ва мавжуд ҳуқуқий, ташкилий-иктисодий шароитларда ишларни мувофиқлаштириш, тартибга солиши, рағбатлантириш ва режа топшириқларининг бажарилишини доимий назорат қилиш амалга оширилади. Шу билаҳ бирга пайдо бўлаётган келишмовчиликларни бартараф қилиш бўйича узлуксиз қарорлар қабул қилиш кўзда тутилади.

Маъмурӣ бошқарувда умумий функциялар нисбати погоналар бўйича турлича бўлади.

Раҳбарликнинг энг юқори даражасида мақсадларни шакллантириш, стратегик режалаштириш ва назорат амалга оширилади, ўрта погонасида режалаштириш (жорий), ташкил этиши, тартибга солиши, таҳлил қилиш бажарилади. Қуий погонасида эса мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва ҳисоб китоблар юритилади.

Бошқаришнинг алоҳида олинган функцияларини амалга ошириш учун ташкилотда маълум муносабатлар (коммуникациялар) шаклланади ва бошқариш қарорлари тайёрланади. Улар умумий функцияларнинг технологик негизи ҳисобланади.

Умумий функцияларни амалга оширишнинг маънавий – руҳий томонларини ташкилотда ижтимоий-психологик функциялар шакллантиради: ваколатлар тақсимоти ва ундаш (мотивация).

### **7.3. Технологик ва ижтимоий-психологик функцияларнинг мазмунни ва таркиби**

Ижтимоий-психологик функциялар – ташкилот фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келувчи ходимлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришни таъминлаб, ташкилотларни муваффақиятли бошқаришнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Ижтимоий-психологик функциялар ваколатлар тақсимоти ва мотивация (ундаш) ни ўз ичига олади.

Ваколатлар тақсимоти – юқорида айтилганидек, бошқариш функцияси сифатида айрим олинган гуруҳ ёки шахсга алоҳида вазифаларни беришни ва уларнинг ҳуқуқ доирасини аниқлашни назарда тутади.

Вазифа – бўлим раҳбари (ходими) фаолиятининг пировард ва оралиқ натижаларини ифода этади.

Ҳуқуқ доираси – белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ташкилот ресурслари ва воситаларидан фойдаланиш бўйича бўлим ёки ходимнинг ҳуқуқ чегарасини белгилайди.

Жавобгарлик – ходим ёки бўлимнинг ўз ваколат доирасида белгиланган вазифаларни бажариш бурчи ҳисобланади.

Мотивация (ундаш) – бошқариш функцияси сифатида ташкилот фаолиятида иштирок этувчиларни рағбатлантириш жараёнини ифодалайди. Мотивация айрим ходимга ёки жамоага тегишли бўлган турли тушунча ва категорияларни ўз ичига олади:

- эҳтиёж – ниманидир етишмаслиги ёки йўқлигини англаб туриб ҳис қилишлик;

- истак (нийат) – маълум бўлган эҳтиёжларни қондиришга интилмоқлик;

- рағбатлантириш – ходим фаолиятини қизиқтиришга йўналтирилган натижадир.

Технологик функциялар бошқариш усуллари ва жараёнлари мазмунини характерлайди. Улар қарорлар ва коммуникациялардан иборат бўлади.

Коммуникациялар – бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлашда ахборот алмашинувини англатади.

Коммуникацияларнинг асосий вазифалари:

- бошқариш бўғинларининг ҳар бири учун ахборотга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва режалаштириш;

- бошқариш тизимини ахборотлар билан таъминлашни ташкил этиш;

- бошқариш қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини шакллантириш;
- илфор ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- бошқариш қарорларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ташкилотда ижро интизомини таъминлаш;
- ахборот технологиялари соҳасида ягона техник сиёsat юритиши.

Бошқариш қарори – ташкилотда бошқарувнинг самарали концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг бош виситаси ҳисобланади.

Бошқариш қарорларига қўйиладиган асосий талаблар:

- мақсадга йўналтирилганлик, яъни қарорлар маълум мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлиши керак;
- ҳар томонлама асосланганлик;
- манзилнинг аниқлиги, яъни аниқ ижрочига йўналтирилиши лозим;
- таъминланганлик, яъни қарорлар тегишли ресурсларни белгилаши ва уларни олиш манбааларини назарда тутиши керак;
- директивлик, яъни қарорлар ижро учун мажбурий бўлиши керак.

Шундай қилиб бошқариш технологияси ва функциялари бошқариш усулларини қўллаш жараёнини ифодалайди ҳамда уларни амалга ошириш механизми ҳисобланади.

## **8-БОБ. МАЬМУРИЙ МЕНЕЖМЕНТДА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

Маъмурий менежментда бошқариш усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар бошқарувнинг негизи бўлмиш ходимларга ва айрим олинган жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш ва тартибга солишнинг таъсирчан йўллари ҳисобланади. Бошқариш усуллари асосини таъсир ўтказиш механизми ташкил этади.

Ходимлар хатти-ҳаракатини тартибга соловчи барча таъсир ўтказиш йўлларини икки грухга бўлиш мумкин:

- пассив таъсир ўтказиш механизmlари, ходимларга бевосита таъсир этмайдиган, лекин жамоа фаолиятини тартибга соловчи меъёр ва қоидалар, бошқача айтганда яратилган шароитлар мажмуи;
- жамоага ва аниқ ходимга фаол таъсир ўтказиш механизmlари, яъни улар фаолиятига бевосита таъсир этадиган йўллар ва усуллар мажмуи;

Шундай қилиб, маъмурий бошқарув усуллари деганда бошқариш обьектига айрим ходим, грух ёки жамоанинг майтум манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқ равища таъсир ўтказишнинг йўл-йўриклиари мажмуаси тушунилади.

Маъмурий бошқарувда таъсир ўтказиш усуллари тизими ўзининг характеристи бўйича учга бўлинади:

- иқтисодий усуллар;
- ташкилий-фармойиш усуллари;
- ижтимоий-психологик усуллар.

Маъмурий бошқарувда қўлланиладиган барча усуллар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.

### **8.1. Иқтисодий усуллар**

Иқтисодий усуллар бозор муносабатлари шароитида энг самарали ва мақсадга мувофиқ усуллар ҳисобланади.

**Иқтисодий усуллар**, деганда бошқариш обьектининг моддий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир ўтказишнинг йўллари

ва йўриқлари мажмуаси тушунилади. Бу усуллар тизими ходимлар ва жамоаларнинг моддий манфаатларига асосланган бўлиб, улар ҳар бир ходим, жамоа ва давлатнинг манфаатларини бир-бири билан узвий боғланишига имкон яратади.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари юқорида таъкидланганидек моддий манфаатлардан фойдаланишга асосланади. Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, аввало моддий манфаатларда намоён бўлади. Ушбу манфаатлар уч хил бўлади:

- жамият манфаатлари;
- жамоа манфаатлари;
- шахсий манфаатлар.

Манфаатларнинг уйғуналиги ва мутаносиблигини таъминлаш маълум ижтимоий-иктисодий шароитларга мувофиқ кела-диган муносабатларни ўрнатишни талаб қиласди. Шу билан бирга иқтисодий усуллардан шундай фойдаланиш керакки, бунда жамоанинг ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғуналашиб кетиши таъминлансан. Айрим ходим ёки жамоа учун фойдали тадбирлар жамият учун ҳам фойдали бўлсин.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамият манфаатларини таъминлаш бошқарувнинг қуидаги иқтисодий усулларига бевосита боғлиқ бўлади:

- хўжалик юритувчи субъектларга эркинлик ва мустақиллик бериш;
- оқилона хўжалик юритиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- солиқ ва кредит бўйича имтиёзлар бериш;
- шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини ошириш;
- молия-кредит муносабатларини такомиллаштириш;
- бозор муносабатлари механизмлари бўлган баҳо, солиқ, рентабеллик, рақобат ва бошқалар.

Бу усуллардан самарали фойдаланиш кишиларнинг шахсий ва жамоавий манфаатларини ошириш орқали таъминланади. Ушбу мақсадга эришишда моддий рағбатлантириш механизми катта аҳамият касб этади. Мазкур механизмнинг оқилона ишлашига замон талабларига тўла жавоб берадиган иш ҳақи тўлаш, мукофотлаш ва жарима белгилаш тизимини шакллантириш орқали эришилади.

Бошқаришнинг иқтисодий усулларига:

- режалаштириш ва истиқболни белгилаш;
- баҳо механизми;
- молия-кредит механизми (солиқ ва солиққа тортиш, фойизлар сиёсати, пул айланишини тартибга солиш ва бошқалар);
- хўжалик юритиш механизми (хўжалик шартномалари, фойдаланинг тақсимланиш механизми, мулк муносабатлари ва бошқалар);
- моддий рағбатлантириш механизми (иш ҳақи тўлаш, мукофотлаш ва жарима солишни ташкил этиш) ва бошқалар.

Республикамизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, яъни тартибга солинувчи бозор муносабатларига ўтаётганлигини хисобга олиб, иқтисодий усуслардан фойдаланишнинг қуидаги учта даражасини ифода этишимиз мумкин:

- давлат миқёсида;
- муниципал бошқарув идоралари миқёсида;
- иқтисодий эркин хўжалик юритувчи субъектлар даражасида.

Давлат миқёсида фойланиладиган усувлар:

- миллий иқтисодиётни режалаштириш ва истиқболини белгилаш;

- соҳалар бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;
- молия ва кредит механизми;
- солиқ ва бошхона сиёсати;
- баҳо механизми.

Муниципал бошқарув идораларида қўлланиладиган усувлар:

- режалаштириш ва ҳудуд истиқболини белгилаш, минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш;

- баҳо механизми;
- солиққа тортиш механизми;
- пул айланишини тартибга солиш.

Иқтисодий эркин хўжалик юритувчи субъектлар даражасида фойдаланиладиган усувлар:

- стратегик ва жорий режалаштириш;
- баҳони шакллантиришни ташкил этиш;
- хўжалик юритиш механизмлари;
- моддий рағбатлантириш механизмлари ва бошқалар.

Маъмурий бошқарувда қўлланиладиган усувларнинг асосий вазифаси мамлакат, ҳудуд ва корхона миқёсида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлашдан иборат бўлиб, ҳар бир соҳада жамоалар ва ходимларни белгиланган мақсадларга эришишда оқилона ҳамда уддабуронлик билан фаолият юритишга унрайди. Масалан, режалаштириш, дастур ишлаш ва ис-

тиқболларни белгилаш бошқариш усули сифатида ходимлар, жамоалар ва халқнинг моддий манфаатлари миқдорларини олдиндан ифодалайди ва самарали ишлаш орқали уларни таъминлашга ҳамда яхшилашга интилтиради.

## 8.2. Ташкилий-фармойиш усуллар

**Ташкилий-фармойиш усуллари** – ходимлар ва звенолар ўргасидаги объектив равищда мавжуд бўлган муносабатларни ҳисобга олган ҳолда таъсир ўтказиш йўл-йўриқлари мажмуасидир. Бу усуллар белгиланган мақсадга эришиш учун раҳбарнинг бўйсунувчига, юқори поғонанинг куйи поғонага тўғридан-тўғри таъсир ўтказишини ифодалайди ҳамда бошқариш объектиning тузилиши ва фаолият тартиб-қоидаларини белгилайди.

Ташкилий-фармойиш (маъмурий) усуллар бошқариш тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бу усулларга:

- бошқариш маъмурияти структурасини шакллантириш;
- бошқарув бўғинлари функцияларини белгилаш;
- кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тамойилларини ишлаб чиқиш;
- бўлимлар ва ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва жавобгарликларини белгилаш;
- ваколатларни ишлаб чиқиш ва тўғри тақсимлаш;
- турли низомлар (бўлимлар тўғрисидаги, моддий рағбатлантириш тўғрисидаги, ички тартиб қоидалар ва бошқалар) ва йўриқномалар ишлаб чиқиш;
- лавозим ва бошқа йўриқномалар ишлаб чиқиш;
- қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар тайёрлаш ҳамда уларни жойларга етказиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- топшириқлар ва директив кўрсатмалар бериш ва бошқалар киради.

Ташкилий-фармойиш усуллар юқори органлар (раҳбарлар) ҳукмронлигига ва куйи бўғин (ходим)ларнинг сўзсиз бўйсунишига асосланади. Шунинг учун ҳам улар маъмурий усуллар деб юритилади. Бошқариш маъмурияти ташкилотнинг муваффақиятли фаолияти билан боғлиқ ва барчанинг бажариши шарт бўлган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда ишларни тартибга солиш бўйича фармойишлар беради.

Шундай қилиб, мазкур усуллар маъмурий бошқариш тизимида объектив равищда мавжуд бўлиши зарур бўлган ўзаро муносабатлар ва алоқаларни шакллантиради ва ҳар қандай ташкилотда:

- ташкилий барқарорликни;
- интизомни;
- ўзаро мутаносибликни;
- тартибилиликни;
- узлуксизликни таъминлайди.

Шу билан бирга ушбу усуллар маълум жиҳатдан ташкилотда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаб, жамоада ижтимоий-психологик мухитни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ташкилий-фармойиш усуллар бошқарув бўғинларининг ўзаро мужасамлигини таъминлайди ҳамда бошқарувдаги объектив муносабатларни акс эттиради.

Ташкилий-фармойиш усуллар қўйидаги шаклларда номён бўлади:

- ташкилий усуллар (лойиҳалаш, меъёрлаш, регламентлаш, йўриқнома ва кўрсатмалар тайёрлаш ва бошқалар);
- фармойиш усуллар (қарор, буйруқ, фармойиш, топшириқ, оғзаки йўриқлар ва кўрсатмалар бериш ва бошқалар).

Ушбу усуллар бошқариш тизимини олдиндан мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда четга чиқишиларни ўз вақтида тартибга солиш ва мувофиқлаштириш имкониятини беради.

Ташкилий таъсир кўрсатиш усуллари бошқариш тизимида турли ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиши ўз ичига олади:

- бошқаришнинг ташкилий тузилишларини белгилаш;
- низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши;
- ички тартиб-қоидаларини ўрнатиш;
- ваколатларни ишлаб чиқиши ва тўғри тақсимланишини белгилаш;
- бошқариш обьекти ва субъекти ўргасида оқилона мутаносибликни ўрнатиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Фармойишли таъсир ўтказиш усуллари эса қўйидаги чоратадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади:

- директива тайёрлаш ва жорий қилиш;
- буйруқ ишлаб чиқиши, қабул қилиш ва амалга ошириш;
- кўрсатмалар тайёрлаш ва бериш;
- фармойиш тайёрлаш, қабул қилиш ва жойларга етказиш;
- резолюция қабул қилиш ва амалга ошириш;
- йўриқнома ишлаб чиқиши ва жорий этиши.

Шундай қилиб, маъмурӣ бошқарувда фармойишли таъсир ўтказиш усуллари раҳбар-бўйсунувчи муносабатларига асосланниб, ташкилотда тартиб-интизом ва масъулиятни таъминлайди.

Юқоридагилар билан бир қаторда маъмурий бошқарув тизимида ҳуқуқий усуллардан ҳам фойдаланилади. Бошқаришнинг ҳуқуқий усуллари деганда ходимлар ва бўгинлар орасидаги мавжуд объектив муносабатларга ҳуқуқий меъёрлар мажмуи орқали юридик(қонуний) таъсир ўтказиш жараёни тушунилади.

Ҳуқуқий меъёрлар давлат идоралари ёки юқори ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда уларни бажариш қути органлар, бўгинлар, мансабдор шахслар ва ходимлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий меъёрлар қонунлар, қонуний ҳужжатлар, фармон ва фармойишлар, қарорлар, низомлар, ва бошқа шаклларда бўлади.

Ҳуқуқий меъёрлар муайян санкция (жарима)ларни назарда тутади. Таъсир чораларининг ҳарактерига қараб улар моддий, интизомий, жиноий ва маъмурий санкцияларга бўлинади.

Моддий жавобгарлик – бу ташкилотлар, бўгинлар, мутасадди ходимлар ва мансабдор шахсларнинг белгиланган вазифаларни сифатли, ўз вақтида бажариш ҳамда хўжалик фаолиятининг натижалари учун юклатиладиган масъулиятдир. Моддий жавобгарлик:

- меҳнат шартномасида белгиланган жарималарда;
- кечикирилган тўловларда;
- пеняларда;
- неустойкаларда ва бошқаларда ифодаланади.

Интизомий жавобгарлик – бу белгиланган вазифаларни бажармаслик ва хизмат бурчларини бузиш, ваколотларни суистеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган масъулиятдир. Мазкур жавобгарлик қутидаги кўринишларда бўлади:

- танбех;
- ҳайфсан;
- маълум муддатга лавозимини пасайтириш;
- муайян ижтимоий имтиёзлардан маҳрум қилиш ва бошқалар.

Маъмурий жавобгарлик – ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, вакиллик органи ёки мансабдор ходимнинг қонунбузарликка йўл қўйган шахса нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашида номоён бўлади. Бундай жазолар кутидаги кўринишларда бўлади:

- харажатларни ундириб олиш;
- келтирилган зарарни қоплаш;
- интизомий чоралар;
- жарима ва бошқалар.

Жиноий жавобгарлик – бу мансабдор шахс томонидан лавозимни суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноят содир этилганда судда белгиланадиган жазолардир. Буларга:

- озодликдан маҳрум қилиш;

- моддий ва маънавий зиённи ундириш;
- маъмурий ва интизомий чора кўриш ва бошқалар киради.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий-хуқуқий таъсир кўрсатиш бу бошқарувнинг аниқ бошқарилаётган обьектга ёки шахсларга қаратилган мажбурий тавсифидаги тўғридан-тўғри маъмурий кўрсатмаларидир. Куйи пофона раҳбарлари бажариши шарт бўлган фармойиш ва кўрсатмаларни бериш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, меъёрларни ишлаб чиқиш, ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, тақдирлаш ёки жазолаш юқори пофона раҳбарларининг вазифасига киради.

### **8.3. Ижтимоий-психологик усувлар**

Ижтимоий-психологик усувларнинг асосий мақсади жамоаларда соғлом муҳитни яратишдан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий-психологик усувлар бу жамоаларни, улардаги муҳитни ва ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш, билиш орқали таъсир ўтказиш усувларидир.

Ўз моҳиятига кўра мазкур усувлар жамоанинг шаклланиш ва юксалиш жараёнига, кишиларнинг онгиға ҳамда уларнинг маънавий манфаатларига умумжамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир қилувчи воситалар ва йўл-йўриқларнинг мажмуудир.

Бошқаришнинг ижтимоий-психологик усувлари қўйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1. Кишиларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, яъни, дунёқарашлари, характеристлари, манфаатлари, қобилияtlари, мижозлари, ҳаракатлари ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда жамоаларни шакллантириш. Бунинг натижасида жамоада ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлаш учун қулай шартшароитлар яратилади.

2. Жамоада ташкилий маданиятни шакллантириш, чунончи, ташкилот қадриятлари тизими, намунали анъаналар ва миллий урф-одатларни жорий қилиш.

3. Кишиларда ижтимоий ривожланишни, интилишни ва ташаббусни рагбатлантириш, уларнинг умумий билим ва мала-ка даражасининг ортишини ҳамда маданий, маънавий ва маърифий ўсишини таъминлайди.

4. Кишиларнинг маданий ва майший эҳтиёжларини қондириш, яъни уй-жойлар, болалар боғчалари, клублар, про-

филакторийлар, спорт иншоотлари ва ҳоказоларга бўлган та-  
лабларни қондириши.

5. Одамларнинг ўз меҳнат фаолиятидан, танланган мутахас-  
сислиги ва касбидан қониқишилари учун шарт-шароитларни  
вужудга келтиради.

Ижтимоий психологик усуллар ўз мазмунига кўра жамоа-  
нинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини, кишиларнинг  
руҳий ҳолатини ва маънавий манфаатларини ҳисобга олган  
ҳолда таъсир ўтказиш усуллари мажмуидир. Бошқариш социо-  
логияси кишиларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан ўзаро  
алоқаси, жамоани ижтимоий ривожлантиришни режалашти-  
риш, меҳнат жамоасини шакллантириш, ходимларнинг ишлаб  
чиқариш ҳамда ижодий фаолиятини ошириш кабиларни ўз  
ичига олади. Бошқариш психологияси – бу бошқариш муносабатларида инсон руҳий ҳолатининг объектив қоидаларини  
ўрганишдир. Инсонларнинг психологик хусусиятлари унинг  
фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг даражаси  
ва унинг намоён бўлиш шакллари фаолиятнинг ўзига хос  
хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин. Бошқариш  
фаолияти – бу, асосан одамлар билан ишлашдир. Шу сабабли  
у инсон психологиясига алоҳида талаблар кўяди ва кўп жиҳатдан  
одамларнинг шахсий психологик хусусиятларига боғлиқ  
бўлади. Бунда акс таъсир ҳам мавжуд. Чунончи, инсон психикасининг намоён бўлиши ва ривожланиши бошқариш билан  
боғлиқ таъсирлар туфайли содир бўлади. Шунинг учун  
бошқарув психологияси кадрларни танлашда, уларни жой-  
жойига қўйишида, топширикларни, функцияларни  
тақсимлашда, ходимларни рағбатлантиришда, интизомни мус-  
таҳкамлашда қўлланилади.

Бу усуллар кишилар ўртасидаги ижтимоий-психологик муносабатларга таъсир кўрсатишга қаратилганд. Ижтимоий усулларга қўйидагилар киради:

1. Ижтимоий меъёrlаш йўллари:

- ички тартиб-қоидалар;
- жамоат ташкилотларининг низоми;
- ишчи шарафи кодекси;
- ишлаб чиқариш одоб қоидалари;
- иштирокчига таъсир этиш шакллари.

2. Ижтимоий-сиёсий (тарбиявий) усуллар:

- сиёсий тарғибот;

- меҳнаткашларни сиёсий тарбиялаш ва ишонтириш;
- маъмурий фаолиятни назорат қилиш;
- меҳнаткашларни бошқаришга жалб қилиш шакллари.

3. Ижтимоий тартибга солиш усуллари:

- шартномалар, ўзаро мажбуриятлар;
- маънавий талаб ва манфаатларни қондириш навбати (тартиби) ва бошқалар.

4. Маънавий рағбатлантириш усуллари икки хил бўлади:

Жамоавий ва шахсий маънавий рағбатлантиришлар. Булагта:

- «Фахрий ёрлиқлар» билан мукофатлашлар;
- фахрий унвонлар бериш;
- орден ва медаллар бериш;
- миннатдорчилик изҳор қилиши;
- хурмат таҳтасига қўйиш;
- қўшимча ижтимоий имтиёзлар бериш ва ҳоказолар.

Психологик усулларга қўйидагилар киради:

- кичик гуруҳ ва жамоаларни шакллантириш;
- меҳнатни инсонпарварлаштириш (гуманизация);
- психологик рабbatлантириш;
- касб-малака бўйича танлаш ва ўқитиш;
- касбга бўлган манфаатни таъминлаш (бу ходимларда меҳнат фаолиятига ички қизиқиши уйғотади);

— ходимларни бажараётган ишига психологик мос келиши бўйича танлаш.

## **9-БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИ ВА МАДАНИЯТИ**

Бошқариш услублари деганда маъмурият ва раҳбарият ўз фаолиятида қўллаётган таъсир ўтказиш усуллари, йўл-йўриқлари мажмуаси тушунилади. Бошқариш услубларининг мазмuni ва тушунчаси ҳақида гапирганда, уни раҳбар фаолияти деб тавсифлаш мумкин. Шунинг учун уларни раҳбарнинг шахсий сифатлари йигиндиси, раҳбарнинг бўйсунувчилар билан ўзаро муносабати, раҳбар ўз фаолиятида қўллаётган усуллар ва йўл-йўриқлари йигиндиси, деб қараш мумкин. Бу эса ўз навбатида маъмуриятдаги бошқарув маданияти ва унда ишловчи ҳар бир ходимнинг маданияти билан бевосита боғлиқдир.

### **9.1. Маъмурий менежментда маданиятнинг мазмунни, моҳияти ва таъсири**

Ҳозиргача ҳеч бир тадқиқотда хизмат маданияти хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари етарли дараҷада ўрганилмаган. Хизмат маданияти хусусиятларини ўрганиш эса раҳбарга ўзининг кўлдан-кўп қарорлари, ҳамкаслари, бўйсунувчилари ҳамда юқори раҳбари ҳаракатлари ва улар қабул қўллаётган қарорларнинг оқибатлари ва сабабларини англашга ёрдам қиласди.

Маъмурий бошқарув маданиятининг учта поғонаси мавжуд:

1. Миллий маданият.
2. Ташкилий маданият.
3. Бошқарув маданияти ёки “раҳбарлик услублари” деб номланади.

Миллий маданият ташкилий маданиятга жуда кучли таъсир қиласди. Ташкилий маданият эса ўз навбатида бошқариш маданиятига, яъни «раҳбарлик услублари»га таъсир қиласди. Бироқ кучли, иродали раҳбар бўлса, бошқариш маданияти ташкилий маданиятни белгилайди, ташкилий маданиятлар мажмуаси эса миллий маданиятни ўзгартириши мумкин. Ташкилий маданият қанчалик кучли бўлса, директив кўрсатмалар, ташкилий схемалар (чизмалар), фаолият тартиб-қоидалари ва бошқалар шунча кам бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда ташкилий ва бошқариш маданиятларига асосий эътибор қаратиш талаб қилинмоқда.

Ҳозирги замон менежментида ташкилий маданият ташкилотнинг ҳаётий фаолиятини ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

**Ташкилий маданият** – қўйидагича аниқланади ва таърифланади:

1. Битта ташкилотни иккинчисидан фарқловчи қадриятлар тизими бўлиб, уларга: қоидалар, хулқ эталонлари, дунёқараашлар, жамоа ичидаги расмий ва норасмий муносабатлар, ишбилармонликнинг одоб меъёрлари, тимсоллар, тил ва бошқалар киради.

2. Ҳар бир ташкилот ўзи англаган ёки англамаган ҳолда ўзининг шахсий қадриятлар тизимини яратади. Бунинг маҳсали сифатида бу система ташкилотнинг маънавий қўринишини ёки ташкилий маданиятини ташкил этади. Катта жамиятлар сингари ташкилотлар ҳам ўзининг шахсий маънавияти, урф-одатлари ва қадриятлари бўлишига ҳаракат қиласади.

3. Ташкилий маданият – бу ташкилотдаги маънавий-психологик мухитдир. У дўстона ёки аксинча, душманлик мухити бўлиб, раҳбар-ходимлар ўртасидаги мослашувчан ёки қаттиқ боғланишдаги муносабатларни акс эттиради.

**Ташкилот** – бу кишилар ва улар томонидан яратилган маданиятдир, яъни умумий қоидалар, меъёрлар, қадриятлардир.

Давр эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ташкилот ўз фаолиятини ўзгартирисада, у ички муносабатларини ва ички кичик мухитини сақлаб қолади.


Ташкилот ўз имиджи (қиёфаси)ни топиш билан ўзининг “мангулиги”ни топади.

**Асосий ташкилий маданиятлар** – бу ташкилотнинг қадриятлари ядросини ташкил қилинган ва унинг аъзолари томонидан тўла маъкулланган ва қўллаб-кувватланаётган нарсалардир. Бу фирманинг кенг қамровда қабул қилинган қиёфаси (имиджи) ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари ва қадрли томонларидир.

Бир вақтнинг ўзида турли бўлинмаларда уларнинг қўйидаги омилларга боғлиқ бўлган ички микро-маданияти мавжуд бўлади: бўлинма жамоаси, унинг иш хусусиятлари, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар турлари ва бошқалар.

## 9.2. Маъмурий бошқарувда раҳбарлик услублари

**Раҳбарлик услуби** – маъмурий бошқарув жараёнида раҳбар томонидан фойдаланиладиган хатти-ҳаракатлар, йўл-йўриқлар ва алоҳида ҳаракатларнинг хусусиятли томонларидир.



#### 14-чизма. Раҳбарлик услублари турлари.

Раҳбар шахси орқали аниқланадиган турли услублар қуйидаги омиллар асосида шаклланиши мумкин:

- раҳбарнинг ишга бўлган жонқуярлиги асосида;
- раҳбарнинг одамларга бўлган фамхўрлиги асосида.

Бундай раҳбарлик услублари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. Раҳбарнинг ишга жонқуярлиги ҳам, одамларга фамхўрлиги ҳам етарли эмас. Бунда натижа ўта даражада паст бўлади. Жамоанинг маънавий руҳияти ҳам шунга яраша паст бўлади. Бундай услубда раҳбар фақатгина жуда зарур бўлган ишларни бажаришга минимал куч сарфлайди, яъни жуда кам зўриқиши билан ишлайди («қобилиятсиз» услуб).

2. Раҳбар асосий эътиборни ишга қаратади, одамларга эса кам фамхўрлик қиласи. Бунда иш унуми етарли даражада юқори бўлиши мумкин. Аммо одамлар ўз фаолиятидан қониқмайдилар. Натижада жуда кўп муаммолар туғилиши мумкин («қатъий» («қаттиқ») услуб).

3. Раҳбар томонидан одамларга жуда катта эътибор қаратилади, аҳил жамоа шаклланади, яъни «ягона оила» барпо бўлади, бироқ, бунда ташкилот манфаатлари иккинчи даражали бўлиб қолади («бир томонлама» услугуб) – («клубний» стиль).

4. Раҳбар ходимларга ишонч билдириш ва ҳурмат асосида уларнинг барчасини юқори иш унумига ва белгиланган мақсадга эришишга йўналтиради. Бу услугда ходимларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва масъулияти ривожланади ҳамда жамоада «ягона оила» руҳи шаклланади (прогрессив услугуб).

5. Раҳбар жамоада қониқарли маънавий-руҳий ҳолатни ҳам, юқори иш унумига эришишни ҳам оқилона таъминлайди («оқил» услугуб).

Раҳбар шахсий сифатлари орқали аниқланадиган раҳбарлик услуги хусусиятлари қуидаги тўртта белги асосида амалга оширилиши мумкин:

- раҳбар фаолиятининг натижага йўналтирилганлиги;
- мотивация қилиш йўллари;
- бўйсунувчиларни бошқаришга жалб қилиш;
- талабчанлик.

#### **Авторитар услубда:**

1. Фақат натижа муҳим.

2. Сўзсиз бўйсуннишга асосланган мотивация.

3. Бўйсунувчилар бошқаришга жалб этилмайди.

4. Қаттиқ талабчанлик.

#### **Демократик услубда:**

1. Натижа ҳам, унга эришиш йўллари ҳам муҳим.

2. Ижтимоий-психологик ва моддий эҳтиёжлардан фойдаланишга асосланган мотивация (ундаш, қизиқтириш).

3. Бўйсунувчилар бошқаришга фаол ва кенг жалб этилади.

4. Талабчанликни ишонч билдириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш.

#### **Либерал услубда:**

1. Натижа муҳим эмас.

2. Мотивациянинг амалда йўқлиги.

3. Бўйсунувчилар хўжакўрсинга бошқаришга жалб этиладилар.

4. Талабчанликнинг сустлиги.

**Авторитар услуб** – моддий тақчиллик ҳолатида ва энг юқори эҳтиёжлар ривожланмаган гуруҳда ҳамда экстремал ҳолатларда ўзини оқлади.

**Демократик услубни** ходимларнинг натижага эришишга, ташаббускорликка ва масъулиятни ҳис этишга манфаатдор бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Либерал услубни кўллаш гуруҳ мақсадларини аниқланмаганлигидан ва унинг бошқарув жараёнидаги ўрнининг ноаниқлигидан дарак беради.

Раҳбарликнинг самарали услуби қўйидаги омилларни хисобга олган ҳолда аниқланади:

- раҳбарнинг шахсий психологик хусусиятлари;
- бўйсунувчилар эҳтиёжлари ва манфаатлари;
- ходимларнинг малака даражалари ва жавобгарлик ҳисси;
- маъмурият фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар.

Ҳозирги замон раҳбаридан юқоридаги раҳбарлик услубларини мақсадга мувофиқ кўллай олиш талаб этилади. Раҳбарлик услубини такомиллаштириш бўйича қўйидаги тавсияларни бериш мумкин:

1. Қадр-қимматларни белгилаб бериш ва шахсий мақсадларни ишлаб чиқиш.
2. Шахсий ривожланиш босқичларини ва жорий фаолияти режалаштириш.
3. Эришилган натижаларни мунтазам таҳлил қилиш.
4. Коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш: эшитиш, ўқиш, гапириш, ёзиш.
5. Кишиларни тушунмоқни ўрганиш ва кузатувчанликни ривожлантириш.
6. Ҳар куни фикрлашга вақт топиш, фикрларни мунтазам ёзиб бориш.
7. Бошқа соҳа кишилари билан мулоқотни кенгайтириш.
8. Бош масалага эътибор қаратишни ўрганиш.
9. Дадил, саботли ва матонатли бўлиш.
10. Мунтазам имкониятларни излаш ва ташаббус кўрсатиш.

### **9.3. Бозор муносабатлари шароитида бошқарув услубларининг шаклланиши**

Бозор муносабатларига ўтиш янги бошқарув услубининг шаклланишига олиб келмоқда. Маданий тараққиёт даражаси юқори бўлган давлатларнинг ва бу йўналишда биринчи қадам қўяётган мустақил давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврини таҳлил қилиб, бошқарув услубини аниқлаб берувчи айрим ва гуруҳ белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Биринчи гуруҳ белгилари – бу иқтисодий фикр юритишинг янги тури бўлиб, у ёки бу тавсифларнинг ва атамаларнинг қайта баҳоланишини ўз ичига олади. Бозор иқтисоди янги турдаги иқтисодий муносабатларни талаб этади. Бу муносабатларга раҳбар идораларнинг аралashiши аввалгидан камроқ бўлади.

Шундай экан, бозор муносабатларининг шаклланишида ташкилотчилик қобилияларини (раҳбарларда, ходимларда, мутахассисларда) шакллантириш зарур. Яъни тадбиркорлик, ишда фаоллик, эркинлик, яхши ишга ва маошга интилишлик каби сифатлар биринчи даражали рол ўйнаши мумкин.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида турли турдаги мулкка эгалик қилишни (жамоа, ширкат, акционерлик, хусусий, ижара, давлат) шакллантириш фақат кўрсатилган белгиларга эга бўлган одамларнинг фаолиятлари натижаси сифатида бўлиши мумкин.

Иккинчи гуруҳ белгилари – янги услубдаги бошқарувни аниқлаб беради. Бунга бошқариш меҳнати билан банд бўлган, билимдан одамлар белгилари мажмуасини киритиш мумкин. Буларга энг аввало, ўз соҳасида ўта билимдан, маданий тараққиёт даражаси юқори давлатларда тўплланган тажрибани ўзлаштирган, бозор иқтисодининг барча замонавий соҳаларини билувчи мутахассисларни киритиш мумкин. Гап асосан, кенг доирада фикрловчи раҳбарлар, мутахассислар, юқори даражадаги маҳоратта эга бўлган касб эгалари – профессионал раҳбарлар хақида бормоқда.

Учинчи гуруҳ белгиларида – ҳамкорларга нисбатан интизомлилик, тартиблилик, тўғрилик, юлгичликнинг йўқлиги, обрў ҳақида ғамхўрлик, маданиятлилик, зиёлилик киради. Бу гуруҳ белгиларининг мазмуни шундаки, замонавий, маданий тараққий этган бошқарувда иқтисодий-ижтимоий тартиблилик ўта зарур, бунга эса ўз-ўзидан керакли бўлган сифат деб қаралади.

Қоидага биноан раҳбар ўз сўзига хиёнат қўймасликка ҳаракат қиласди. Чет элда битим тузилиши учун раҳбарнинг оғзаки розилиги етарли ҳисобланади. Бундай ёзилмаган қонун-қоидаларни бузганлар кўплаб нохушликларга дуч келиши тажрибадан маълум.

Айрим ташкилотлар ҳалоллиқдан анча йироқ бўлган шахслар (кatta даромад олиш учун интилувчи) томонидан ҳалол меҳнат қилиш учун эмас, балки турли найрангбозликлар ва алдашлар ҳисобига катта даромад олиш ниятида ташкил этилган. Лекин бундай ташкилотларнинг фаолияти узоқча бормаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шу билан бирга ҳозирда ижобий ўйналишга эга одамлар фаолияти биринчи ўринга кўтарилоқда.

Тўртингчи гуруҳ белгилари – бу бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожланишида муҳим ижтимоий рол ўйнайдиган тавсифлардир. Улар юқорида кўриб чиқилган тавсифларга яқинлашиб келади.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳалқнинг, инсоннинг фаровонлигини тиклаш ва яхшилаш учун зарур. Шунга биноан инсон омилига бевосита барча амалий ҳаракатларда асосий эътибор берилмоғи лозим. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар бу каби масалага доимо бош вазифа

деб қарайдилар, уларнинг асосий белгилари гуруҳ аъзоларининг тенглиги ва раҳбар одамларнинг бўйсунувчиларга ғамхўрлиги ва ҳоказолардан иборат.

Ҳакиқий раҳбар факат ўта юқори даромад ҳақида ғамхўрлик қўлмасдан, балки ишининг яхши сифати ва унинг ташкилотдаги меҳнаткашлар фаровонлитини оширишга таъсири ҳақида ўйлаши зарур.

Биз кўриб чиққан бошқарув услубларининг тавсифлари. бирданига, қисқа вақтда шаклланмайди, бунинг учун маҳсус, янги талабларга жавоб берадиган, профессионал бошқариш кадрларини тайёrlаш зарур бўлади.

#### **9.4. Раҳбарларни баҳолаш усуслари**

Ҳозирги шароитда раҳбарларни баҳолаш мунтазам амалга оширилиши лозим. Уларни баҳолашда объектив мезонлар ва қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Раҳбарларни баҳолаш натижалари уларни лавозимлар бўйича ҳаракатини режалаштириш ва аниқлашда ҳамда иш услубларини такомиллаштириш йўналишларини белгилашда фойдаланилади.

Раҳбарни баҳолашдан мақсад – қўйилаётган талабларга унинг шахсий сифат ва эришган натижаларининг мос келишини аниқлашдан иборат.

Турли субъектлар томонидан раҳбарларни баҳолашнинг афзалликлари ва камчиликлари қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Бевосита раҳбари томонидан баҳолашдаги афзалликлар – у бошқараётган жамоанинг мақсад ва вазифаларини ҳамда ташкилот сиёсатини акс эттирувчи талаблар асосида баҳо берилади.

Камчиликлари – шахсий муносабатларга катта аҳамият қаратилиши мумкинлиги, яъни субъективизмга йўл қўйилиши.

2. Бевосита бўйсунувчилар томонидан баҳолашдаги афзалликлар – раҳбарнинг кучли ва заиф томонларини яхши билишлик.

Камчиликлари – ташкилот манфаатлари билан тўғри келмайдиган айрим гуруҳ манфаатлари нуқтаи-назаридан туриб баҳолашга йўл қўйилиши.

3. Бўйсунувчилар, ўзи билан тенг лавозимдагилар ва юқори раҳбарлардан иборат эксперталар томонидан баҳолаш.

Афзаллиги – маълум баҳолашлар ичida энг объектив баҳолаш;

Камчилиги – олинган баҳоларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича қеракли бўлган тадбирларни ташкил этишнинг оғирлиги.

4. Раҳбарнинг ўзи томонидан баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш).

Афзаллиги – аниқ ва тўла баҳолашнинг имконияти ҳамда камчиликларини аниқлаш ва такомиллаштириш йўлларини белгилашнинг мұхимлиги.

Раҳбарни бевосита бошлиғи томонидан баҳолаш усуслари.

1. Умумий таассурот асосида баҳолаш. Бу усулнинг мезонлари йўқ, хусусиятлари эса қўйидагилардан иборат:

- ўта субъектив;
- атрофдагиларнинг ва қисқа муддатли таассуротлар таъсирида хато баҳолашнинг мумкинлиги.

2. Баҳоланаётган раҳбар бошқараётган жамоанинг иш натижалари асосида баҳолаш.

Бу усулнинг мезони сифатида жамоанинг ишлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Усулнинг хусусиятлари эса қўйидагича: раҳбар ва жамоанинг фаолият натижаларини етарлича объектив характерлайди. Бироқ раҳбар томонидан намоён қилинган сифатлар тўғрисида тасаввур ҳосил қиласиди.

3. Раҳбар томонидан намоён қилинган сифатлар ва жамоанинг фаолият натижаларини ўз ичига олувчи кўрсаткичлар тизими асосида баҳолаш.

Бу усулнинг мезонлари:

- жамоанинг фаолият кўрсаткичлари: режанинг бажарилиши, меҳнат сифати, ресурсларни тежаш ва бошқалар;
- раҳбар томонидан намоён қилинган сифатлар: бўйсунувчилар билан муносабатлар, ваколатлар тақсимоти, муаммоларга ижодий ёндошиш, тез қарор қабул қилиниши, тақомиллашишга интилиш ва бошқалар.

Усулнинг хусусиятлари – баҳолашга субъектив омилларнинг таъсир этишига қарамасдан, унинг энг тўла ва объектив эканлиги.

Раҳбар фаолиятини эксперт баҳолашнинг асосий босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Баҳоланаётган раҳбарларда талаб этилаётган сифатларни аниқлаш.

2. Экспертлар таркибини белгилаш.

3. Раҳбарни эксперталар томонидан баҳолаш.

Раҳбарни баҳолаш асосида қўйидагилар белгиланади:

1. Раҳбарнинг перспективлик (истиқболлилик) даражаси.

2. Уни лавозим бўйича кўтариш лозимлиги.

3. Юқори лавозимга захирага олиш.

4. Истиқболи йўқ. Раҳбарлик сифатларини такомиллаштириш тадбирларини кўриш ёки лавозимидан бўштиш масаласини кўриш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маъмурий бошқариш услублари ва маданияти кўп жихатдан раҳбарлик ва раҳбарнинг сифатларига боғлиқ экан.

## **10-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

Маъмурий бошқарув фаолияти бошқарувчи тизим ишларини ташкил этиш ва бошқарилувчи тизимни мақсадга мувофиқ тартибга солиш бўлиб, бу жараёнлар ташкилотда ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар тизими ва иш юритиш усуллари орқали амалга оширилади.

Айтиш мумкинки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки бирор тармоқни бошқариш ҳужжатларсиз амалга оширилмайди.

Маълумки, ҳужжатлар хилма-хил ва миқдоран жуда кўп бўлиб, уларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турличадир. Шундай экан, ҳужжатларга қўйиладиган талаблар ҳам турлича бўлади. Муайян турдаги ҳужжат, албатта, ўзига хос хусусияти ва сифатлари билан белгиланади. Бу хусусият ва сифатларни ҳар тарафлама ва чуқур тасаввур қилмасдан туриб, мукаммал иш юритишни яратиб бўлмайди.

Хозирги замон мураккаб ташкилотларида, бошқарув соҳасидаги ҳужжатларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

### **10.1. Бошқарув ҳужжатлари ҳақида тушунча ва уларнинг турлари**

Йирик ҳужжатшунос А. С. Повач шундай таъкидлайди: “Бошқарув соҳасидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири – ходимларнинг кўпчилигида назарий ва амалий тайёргарликнинг этишмаслиги бўлиб, улар муассаса, ташкилот ва корхоналарда қабул қилинган ҳужжатлар билан ишлаш йўриклиарини, усуллари ва йўллари мажмuinи етарли даражада билмайдилар”.

Баъзан ҳужжатларга жиддий муносабатда бўлинмайди, унга шунчаки қофозбозлик, кераксиз ва ортиқча бир иш сифатида қаралади. Бу, албатта, ишга бўлган муносабатнинг ёмонлигидир. Мукаммал ва оқилона ташкил этилган ҳужжат юритиш ҳар қандай идорадаги маъмурий бошқаришнинг асосини ташкил этади.

Маъмурий бошқарув хужжатларидан самарали фойдаланиш ва ташкил қилинган хужжатларнинг йўқолмаслиги ва уларни сақлаш учун ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда архивлар ташкил қилинган. Бу ҳам бошқаришни самарали олиб борилишининг бир мезонидир.

Маъмурий бошқарув хужжатлари расмий бўлганлиги учун ҳам давлат стандартлари ишлаб чиқилган. Ташкилий-фармойиш хужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг ягона қоидалари ҳамда хужжатлар билан ишлашни ташкил этишнинг ягона қоидалари амал қиласди. Хужжат – бошқариш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган воқеа ва ҳодиса тўгрисидаги махсус ахборотларни турли усувлар билан қайд қилиш воситасидир.

Хужжатлаштириш деганда, маълум фаолият ва вазифага биноан турли ва ўзаро боғлиқ бўлган хужжатлар мажмуаси билан ишлаш тушунилади.

Хужжат тузиш – белгиланган шаклга мослаб хужжатлар тузиш жараёнини амалга оширишдир.

Хужжат айланиши – бу хужжатларни муайян даврдаги айланишидир.

Иш юритиш деганда ташкилотлар ўз фаолияти ва вазифаларини бажариш давомида хужжатлар устида олиб борадиган иш усувлари ва жараёнлари мажмуаси тушунилади.

Хужжат қуидагича турланади:

- 1) Хужжат тайёрланиш жойига қараб: а) юқори даражадаги; б) қуий даражадаги.
  - 2) Муомала ўрнига қараб: а) ички; б) ташқи.
  - 3) Масалалар сонига қараб: а) оддий; б) мураккаб.
  - 4) Турларга ажратиш доирасига қараб: а) стандарт; б) ностандарт.
  - 5) Ижро этиш муддатига қараб: а) шошилинч; б) шошилинч бўлмаган.
  - 6) Хужжатларнинг аслига қараб: а) асли; б) нусхаси.
  - 7) Бошқарув функциясига қараб: а) умуммажбурий; б) ташкилий; в) шахсий таркиб бўйича.
  - 8) Махфийлигига қараб: а) ошкор; б) махфий; в) «хизматда фойдаланиш учун».
  - 9) Кўпайтириш даражасига қараб: а) кўлда ёзилган; б) босма.
- Маъмурий бошқарувда хизмат мавқеига кўра хужжатларнинг қуидаги турлари ишлатилмоқда:

**Ташкилий ҳужжатлар** – мазмунан ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тармоқлари ва ходимлари, бошқарув жараёнининг боришида жамоа иштирокининг қайд қилиниши, бошқа ташкилотлар билан алоқаларни ҳуқуқий томонлари қаби масалаларни акс эттиради. Низомлар, йўриқномалар, мажлис баёнлари, шартномалар ана шундай ташкилий ҳужжатлар сирасига киради.

**Йўриқнома.** Конунлар ёки бошқа меъерий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, муассаса, мансабдор шахс ва ходимларнинг ташкилий, илмий-техникавий, молиявий ва бошқа маҳсус фаолият томонлари хусусида тартиб-қоида ўрнатиш мақсадида давлат бошқарув орғанлари томонидан ишлаб чиқилади.

**Низом.** Муассаса ёки унинг таркибий бўлинмалари тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, ишни ташкил қилишнинг тартиботини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат. Кўпинча Низом муассасалар шаклланиши ва ташкил топиши пайтида тузилади.

**Шартнома.** Икки ёки ундан ортиқ томоннинг хўжалик ва фуқаролик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш борасидаги келишувидир. Шартнома давлат, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқаролар ўртасида тузилади. Бу шартномалар ҳар бир корхона мансабдор шахсларининг ўз корхоналари ёки ташкилотларининг манфаатлари асосида тузилади. Бу эса корхона, муассаса ёки ташкилот мавқеининг ортишига ҳамда маъмурий бошқарувнинг тўғри ташкил қилинганлигини кўрсатади.

**Фармойиш ҳужжатлари** гуруҳига буйруқ, кўрсатма, фармойиш қабилар киради.

**Буйруқ.** Бошқарув органи раҳбарларининг якка ҳокимлигига асосланган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, муайян ташкилот олдида турган стратегик, жорий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Моҳият эътибори билан буйруқлар иккига бўлинади. Асосий фаолиятга оид ва кадрлар шахсий таркибига оид.

**Асосий фаолиятга** оид буйруқлар ишни ташкил қилиш, ташкилот ёки унинг бўлимлари фаолиятини тартибга солища қўлланилади.

**Фармойиш.** Муассаса маъмурияти, шунингдек, бўлимлар раҳбарлари томонидан амалий масалалар юзасидан қабул қилинади. Ташкилотда қилинадиган ишлар ёки корхона ишлаб чиқаришини яхшилаш мақсадида айrim мансабдор шахсларга тегишли бўлади. Турли фармойишлар чиқариш, унинг бажари-

лиш имкониятларини ҳисобга олиш ва юклатилиши керак бўлган шахсни танлаб олиш, ташкилот раҳбарларининг маҳоратига боғлиқ.

**Кўрсатма.** Идораларда услубий турдаги масалалар, шунингдек буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан чиқариладиган ҳукуқий ҳужжат.

**Маълумот** шаклидаги ахборот ҳужжатлари анчайин катта гуруҳни ташкил этади, бундай ҳужжатларнинг иш юритиш жараёнидаги иштироки ҳам жуда фаол. Бу гуруҳ: далолатнома, маълумотнома, ариза, тушунтириш хати, ҳисобот, ишончнома, таснифнома каби ҳужжатларни ўз ичига олади.

**Далолатнома.** Муассаса ёки айрим шахслар фаолияти билан боғлиқ бирон-бир бўлган воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракати ёки мавжуд ҳолатни тасдиқлаш, унга гувоҳлик бериш мақсадида бир неча киши томонидан тузилган ҳужжат бўлиб, тегишли тафтиш ўтказилгандан кейин, раҳбарлар ёки ходимлар алмашаётганда, моддий бойликларни бир шахсдан иккинчисига ўтказишида, қуриб битказилган бино ва иншоотларни қабул қилишдан олдин ва кейин, машина ва ускуналарнинг янги нусхаларини синовдан ўтказиш чоғида, қимматбаҳо буюмларни ҳисобдан ўтказишида ёки ҳисобдан чиқаришида, товарларни миқдор ва сифат бўйича қабул қилиб олиш ёки уларнинг идишларини қайта тортиб кўришда, бахтсиз ҳодисалар ёки табиий оғатлар оқибатларини текширишда тузилади.

**Маълумотнома.** Бўлган воқеа ёки мавжуд ҳолатларни билдириш-ахборот бериш мазмунини ифодалайдиган ҳужжат. Маълумотномалар одатда, юқори идора, мансабдор шахс ҳамда оддий ходимлар кўрсатмасига, талабига ёки илтимосига биноан тузилади ҳамда сўралаётган ёки илтимос қилинаётган ахборот ва маълумотларни ўзида акс эттиради.

Ариза муайян муассасада кўп қўлланувчи ҳужжат бўлиб, у мансабдор шахс ва ходимлар орасидаги алоқалар билан узвий боғлиқ.

**Ҳисобот.** Муайян вақт учун режалаштирилган иш ёки вазифа, топшириқларининг бажарилиши, амалий долзарб ишлар, хизмат ва илмий сафарлар якуни ҳақида маълумот берувчи ҳужжат бўлиб, унинг тўғри ва ишончлилиги маъмурий бошқаришнинг мустаҳкам ва ҳар тарафлама оқилона бўлишигини таъминлайди.

Маълумот шаклидаги ахборотлар маъмурий бошқарувда мансабдор шахслар билан уларнинг ходимлари орасидаги муносабатларни оқилона ташкил этишга кўмаклашади.

Хизмат ёзишмалари мазмунан хилма-хил бўлади. Уларда муассаса фаолиятининг турли масалалари билан боғлиқ талаб, илтимос, таклиф, кафолат кабилар акс эттирилади. Бу маънода хизмат ёзишмалари ҳужжатларнинг юқорида кўрсатилган ҳар уч гуруҳи билан ҳам алоқадордир. Хизмат ёзишмалари ҳозирги замон ҳужжатшунослигига мазкур гуруҳлардан кейин туради.

## **10.2. Иш юритишнинг ташкилий шакллари ва ҳужжатлар айланиси**

Корхона ва фирмаларда иш юритиш маҳсус тизимда амалга оширилади. Яъни корхоналар категориясидан келиб чиқади.

1. Кичик корхоналарда иш юритиш асосан раҳбар котибасига юқлатилади.

2. Ўрта корхоналарда иш юритиш билан асосан девонхона шуғулланади.

3. Йирик ҳиссадорлик жамиятлари, бирлашма ва компанияларда юқоридаги масалалар билан алоҳида бўлим ёки бошқарма шуғулланади. Бошқарма таркибига қуйидаги звено-лар киритилади:

1. Девонхона (бу бўлимда ҳужжатлар қайд этилиб, тегишли бошқарувчиларга етказиб берилади, ишлар номенклатуроси тузилади, тўпланди ва архивга топширилади).

2. Машина ва стенография бюроси (ҳужжатлар ёзib олинади, чегараланган нусхада кўпайтирилади ва чоп этилади).

3. Раҳбарга хизмат кўрсатувчи референт ва котиба.

4. Архив.

Одатда, ҳужжатлар айланисига қараб ташкилотларни 4 та гуруҳга бўлиш мумкин:

а) йилига 100000 дан кўп ҳужжат айланадиган;

б) йилига 25000 дан 100000 гача ҳужжат айланадиган;

в) йилига 10000 дан 25000 гача ҳужжат айланадиган;

г) йилига 10000 гача ҳужжат айланадиган.

Иш юритишнинг марказлашган тизими маълум бир шахслар ва бўлинма томонидан амалга оширилади. Марказлашган тизимда котиба ва бир неча иш юритувчи шахслар ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширади. Иш юритиш

қандай тизимда бўлишидан қатъи назар у қуидаги тартиб қоидаларга асосланади:

1. Корхонанинг барча бўлимлари орасида ҳужжатлар қабул қилиш ва чиқариш бир хил усулда амалга оширилиши лозим.
2. Ахборотлар ва ҳужжатлар бир маротаба қайд этилиши керак.
3. Ҳужжатлар ижро этилиш босқичларида шундай сақланиши керакки, агарда у асосда маълумот тайёрлаш керак бўлса, топиш осон бўлсин.
4. Ҳужжат юқори тезлиқда ва амалда кам меҳнат сарфлаган ҳолда айланиши лозим. Ҳужжат айланиши қуидагича амалга оширилиши керак: қабул қилиш, ижро этиш, сақлаш, қайд этиш ва жўнатиш.

### **10.3. Ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш**

Ҳужжатлар матнига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири холисликдир. Ҳужжатлар расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма воситалар сифатида ахборотни холис акс эттирмоғи лозим. Шунинг учун ҳужжатлар тилида сўз ва сўз шаклларини қўллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Ҳусусан, расмий иш услубида кичрайтириш, эркалаш, қўшимчаларни олган сўзлар, кўтаринки-тантанавор ёки бачкана сўзлар, дағал сўзлар, тор доирадаги кишиларгина тушунадиган сўзлар, ўҳшатиш, жонлантириш, муболага, истиҳола, ташҳис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат қилувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши ҳужжатлар матнидаги ифоданинг нохолислигига олиб келади.

Ҳужжат матни аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқлик каби талабларга ҳам жавоб бериши керак. Бу талабларга тўла жавоб бера олмаган ҳужжатлар чинакам ҳужжатлар бўла олмайди, бундай ҳужжатлар иш юритиш жараёнида ҳалақит беради, унинг самарадорлигини кескин пасайтиради.

Ҳужжатлар матнининг холислик, аниқлик, ихчамлик, лўндалик, мазмуний тўлиқликдан иборат зарурий сифатлари ҳужжатчилик тилининг ўзига хос услуби, ундаги ўзига хос сўз қўллаш, морфология ва синтаксис орқали таъмин этилади.

Ҳужжатларнинг моҳияти ва мақсадига мувофиқ равишда уларда сўроқ ва ундов гаплар деярли қўлланилмайди, асосан, дарак ва бўйруқ гаплар ишлатилади. Ҳужжатларда тилнинг иккни вазифаси – хабар бериш ва буюриш вазифалари амалга

ошади. Масалан, маълумотномада ахборот ифодаланади, буйруқда буюриш акс этади, мажлис баёнида эса ҳам ахборот (“эши-тилди”), ҳам буюриш (“қарор қилинди”) ўз ифодасини топади.

Хужжатлар матни биринчи шахс ёки учинчи шахс тилидан ёзилади. Якка раҳбар номидан ёзиладиган фармойиш хужжатлари (буйрук, фармойиш, кўрсатма кабилар) биринчи шахс тилидан бўлади. Шунингдек, айрим шахс томонидан ёзилган хужжатлар (ариза, тушинтириш хати каби) ҳам биринчи шахс, бирлик сонда шакллантирилади. Бошқа хужжатлар эса ё биринчи шахс, кўплик сонда ёки учинчи шахс бирлик сонда расмийлаштирилади.

Ҳар қандай хужжат энг аввало ахборот ташувчи экан, хужжатнинг ахборот сигимини кенгайтириш, ундаги фикрнинг тегран мантиқини таъминлаш мухимдир. Шунинг учун хужжатда тилнинг ортиқчалик тамоилини четлаб ўтиш, тилнинг тежаш тамоилидан оқилона фойдалана билиш керак. Бунинг учун қисқартмаларни қўллаш яхши натижা беради. Аммо таъкидлаш лозимки, бунда меъёрга қатъий ва изчил амал қилмоқ лозим.

**10.4. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи  
“Ўзбекистон Республикаси бошқарувида ва давлат ҳокимияти  
идораларида иш юритиш ва бажарилишини назорат қилишни  
ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш  
тўғрисида”ги 140-сонли**

**ҚАРОРИ**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимият аппаратларида иш юритиш ва бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш, ушбу хужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш тартиби ушбу қарорда илова этилган йўриқнома асосида олиб борилади.

Махфий хужжатлар ва “Хизматда фойдаланиш учун” грифи мавжуд бўлган хужжатлар билан ишлаш ҳам шу йўриқномага биноан амалга оширилади. Таклифлар, ариза ва шикоятлар бўйича ишлаш умумий иш юритишдан алоҳида олиб борилиши белгиланган.

Иш юритиш жавобгарлиги ҳокимият аппарати девонхонасининг мудирига, хужжатларни сақлаш ва улар билан бўлинмаларда ишлаш жавобгарлиги эса гурӯҳ раҳбарига юклатилади.

Ҳокимият девонхонаси ўрнатилган тартиб ва муддатларда ҳамда раҳбарият кўрсатмасига биноан ҳокимият аппарати ходимларини келиб тушган қонун, қарорлар ва Олий Мажлиснинг бошқа актлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа ҳужжатлар билан таниширади.

Хусусий мулоқотларда хизмат хусусиятига эга бўлган ҳукумат ҳужжатлари ва мажлислари билан боғлиқ маълумотларни ишлатиш ман этилади.

Бошқарув фаолиятини ҳужжатлаштириш қўйидагича амалга оширилади:

Амалдаги қонунлар ва ҳокимнинг ҳукуқ доирасидаги қўйидаги ҳужжатлар ҳокимият аппаратида тайёрланади:

– вилоят, шаҳар ва туман ҳалқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари;

– ҳокимнинг қарор ва фармойишлари;

– ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари.

Ҳалқ депутатлари Кенгаш сессиялари ва Кенгаш комиссияларининг йиғилишларидаги саволлар, мулоҳазаларнинг натижалари, ҳокимият раҳбарларининг оператив мажлислари баённомаларида акс этади.

Юқори босқич органлари ҳамда ижро этувчи аппаратнинг бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган хизмат алоқалари хатлар тузиш йўли билан амалга оширилади. Ахборотларни узатиш зарурияти туғилганда информация модем ёки электрон почта билан факс орқали ёки телеграмма ва телефонограмма тарзида жўнатилади.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳалқ депутатлари Кенгashi қарорларини, оператив Кенгаш баённомалари, юқори турувчи ташкилотларга жўнатиладиган хизмат хатларини имзолайди. Ҳокимнинг қарорлари ва фармойишларини бажарувчиларга етказишида эса назорат қилиш бўйича гурӯҳ раҳбари ёки бажариш бўйича мажбурият юклатилган раҳбарлар томонидан имзоланади.

Ҳалқ депутатлари Кенгашининг баённомаларига сессияда раислик қилган ҳоким, унинг ўринбосари ёки сессия котиби томонидан имзо қўйилади. Маъруза хатлари, маълумотномалар ва бошқа ахборот хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар бажарувчилар томонидан ва тегишли хизматлар раҳбарлари томонидан имзоланади.

Қарақалпогистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоят, шаҳар ёки туман ҳокимиятияга келадиган барча номахфий корреспонденция девонхона томонидан қабул қилинади, дам олиш куни эса – масъул навбатчи ёки ёрдамчи томонидан қабул қилинади. Улар ўз навбатчилигидан сўнг корреспонденцияни девонхонага топширишлари шарт. Корреспонденцияни ҳокимият котибиятида қабул қилиш ман этилади (котибият, бўлим ва ҳокимиятнинг гуруҳлари томонидан сўралаётган зарур ахборотдан ташқари).

Келаётган ҳужжатлар қабули ва уни бирламчи қайта ишлаш ҳокимият девонхонасида амалга оширилади. Ҳужжатлар билан бўлган конвертлар ва буюртмали конвертлар очилади, шу билан бирга етиб келиш тўғрилиги, ҳужжат конвертининг бутунлиги текширилади. Ҳужжатлар шикастланиши, тўлиқсизлиги аниқланса, дарҳол бу хақда жўнатувчига хабар қилиниб, икки нусхада далолатнома тузилади. Биринчи нусхаси девонхонада қолади, иккинчи нусхаси эса хат келган жойга жўнатилади. Ҳокимиятга хато равишда келиб тушган ҳужжатлар девонхона томонидан янги хат қути (конверт)ларида кўрсатилган манзили бўйича жўнатилади. Бунда ҳужжат келиб тушган ёки жўнатилган хат қути ҳам қўшилади.

“Шахсан”, грифли ёки жамоат ташкилотларига юборилган конвертлар очилмайди ва белгиланган манзилга узатилади.

Фуқароларнинг таклифлари, ариза ва шикоятлари ҳамда “Шахсан” деб номланган хат қутилар қаердан келиб тушишига қарамай алоҳида регистрация қилиниб, ҳисобга олинади. Автоматлаштирилган тизимда ҳужжатлар регистрацияси машинага мўлжалланган регистрацион назорат китобчасидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ҳокимга юқори ташкилотлар, ҳоким талаб қиласидан қарорлар, ҳокимият фаолиятини принципиал масалалари бўйича ахборотни ўз ичига олган корреспонденция берилади.

Колган ҳужжатлар ҳоким ўринбосарлари, котибиятлар ва ҳокимиятнинг тегишли хизматларига юборилади.

## **10.5. Маъмурий бошқарувда ҳужжатлаштириш ва иш юритишни автоматлаштириш**

Раҳбар меҳнатининг самарадорлигини оширишда техник воситаларнинг аҳамияти жуда каттадир. Техник воситалар туркумига қўйидагилар киради:

а) ҳужжат тайёрлаш воситалари. Ҳужжатлар тузишда котиблар ва иш юритувчилар компьютер ва электр ёзув машиналаридан кенг фойдаланадилар. Улар нисбатан анча унумли ва шовқини кам бўлади.

Иш вақтини тежаш мақсадида хатлар, маълумотномалар, маърузалар, қарорлар тайёрлашда диктофон ишлатилиши тавсия қилинади. Диктофон техникасининг кўпроқ марказлашмаган ва марказлашган турлари ишлатилади. Биринчи тур диктофони раҳбарнинг иш вақтида 45 минутдан кўп ёзганда уларнинг хоналарига ўрнатилган шахсий ёзув аппаратидан фойдаланади. Марказлашган диктофон тури ишлатилганда ёзув ишларини бажаришда машина ёзув бюросини ташкил қилиш талаб қилинади. Бу усул ҳужжат тайёрлашда иш вақтини бироз тежайди.

б) ҳужжатларга ишлов берувчи, сақловчи ва қидирувчи воситалар.

Келаётган хатларнинг конвертини очиш учун маҳсус электр конверт эгувчи машиналардан фойдаланиш мумкин. Бир неча варақдан ташкил топган (қалинлиги 2,5 мм.дан ортиқ бўлмаган) ҳужжатларни темир скобалар билан бириктириш учун қўл ва электр қофоз бириктирувчи машиналардан фойдаланилади. Қофозларни ёпиштириш учун шаффоф ёпишқоқ тасмалар жуда қулай.

Автомат номерлаш (рақамлаш) машиналари ҳужжатларга рақам қўйиш, келган (ёки кетган) вақтни белгилаш ва индекслар қўйиш учун ишлатилса, ишлар тезда бажарилади.

Ҳужжатларни турлари бўйича сақлаш учун ҳар хил картотекалардан фойдаланиш тавсия этилади. Раҳбар ишида ҳужжатларни тезда бириктириб сақловчи папкалардан фойдаланиш вақтни тежайди ва иш унумдорлигини оширади.

в) ҳисоблаш жараёнларини бажарувчи воситалар. Раҳбар ишида тайёр маълумотга эга ҳисоблаш чизгичларидан кенг фойдаланиш маълумот жадвалларини ва ўлчов асбобларини ишлатилишини камайтиради ва ҳисоблаш даврини қисқартиради.

Микрокалькуляторлар асосан индивидуал ҳисоблаш воситаси ҳисобланади ва улар режа-иқтисодий, молия ва бошқа ҳисобларни амалга оширишда ишлатилади. Улар қулай ва ишончлидир.

г) тезкор алоқа бажарувчи техник воситалар. Оғзаки маълумотларни тезда қабул қилиб олиш ва узатиш учун телефон алоқасидан ташқари тезкор алоқа воситалари ҳам кенг ишлатилади. Бу воситалар мижозлар билан боғланиш вақтини тежайди.

Чунончи, раҳбарнинг “Директор” коммутаторлардан фойдаланиши бир неча мижозлар билан бир вақтда алоқа боғлашга, иш юзасидан кичик йиғинлар ўтказиш ва муҳим маълумотлар олишга имкон яратади.

Шунингдек, телефон алоқаси хизмати самарасини ошириш мақсадида концентраторлар, автоматли номер терувчилар, кучлантирувчилар, автожавоб берувчилар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Концентратор аппаратларининг ишлатилиши иш жойида учтадан олтигагача телефон аппаратининг вазифасини бажаради.

Хозирги кунда замонавий раҳбарликни ҳужжатлаштириш ва иш юритиш фаолиятини компьютерларсиз тасаввур қилиш жуда қийин. Ҳужжатлаштиришда компьютер тизимларидан фойдаланиш мисли кўрилмаган қулайликлар туғдиради. Юқори ташкилот ҳамда ҳамкорлар билан ўзаро ҳужжатлар алмашинувида компьютерлар, принтер, сканерларлар, мини типография, нусха кўчирувчи техника, аудио- видеотехника, модемлар, электрон почта, факслар жуда аҳамиятлидир. Бу қурилмалар ҳужжатлаштириш вақтларини тежаш, ҳаражатларни камайтириш, тезкор маълумот алмашиб, доимий қайтаришувчи ҳужжатларни хотирада сақлаш, уларни тартиблаштириш каби долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал этмоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, ҳужжатлар маъмурий бошқарув жараёнида қарор, буйруқ, кўрсатма, йўриқнома ва ҳоказолар каби ўта муҳим ташкилий маъмурий фаолиятларни амалга оширувчи қуролдир.

## **11-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВ ТАШКИЛИЙ ЛОЙИҲАСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Маъмурий бошқарув ташкилий лойиҳасини режалаштириш ушбу тизим, унинг бўғинлари, унда ишловчиларнинг хукуқ, бурч ва масъулиятларини олдиндан белгилаш, ҳар бир бўғин ва ходим томонидан бажариладиган вазифаларни аниқ ва оқилона тақсимлаш ҳамда шу асосда маъмурий-ташкилий тузилишларни такомиллаштиришдан иборат бўлади.

Ушбу мавзуда ташкилий лойиҳаларни режалаштиришнинг зарурлиги, унда ташкилий тузилишларни шакллантириш та-мойиллари, омиллари ва белгиларидан фойдаланиш ҳамда бевосита ташкилий лойиҳаларни режалаштиришни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

### **11.1. Ташкилий лойиҳаларни режалаштиришнинг зарурлиги**

Ушбу жараённинг зарурлиги авваламбор. маъмурий бошқаришнинг ташкилий тузилишларини мунтазам такомиллаштириб бориш, ривожлантириш, келиб чиқаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, ишловчиларда бўлажак ўзгаришларга бўлган қаршиликларни енгиси мақсадидан келиб чиқади.

Ташкилий лойиҳаларни режалаштириш маъмурий тузилишларда мавжуд қуйидаги муаммоларни ҳал этиш учун амалга оширилади:

- давр талабидан келиб чиқиб, бўғинлар тўғрисидаги Низомларни мунтазам янгилаш;
- автоматлаштирилган бошқариш тизимларини барча бўғин ва звеноларга жорий этиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишни такомиллаштириш;
- ишловчилар сонини мақбуллаштириш;
- бўғинлар фаолиятини тартибга солиш;
- бўғинлар фаолиятида параллел ишларнинг бажарилиши ёки бир-бирини тақрорловчи вазифаларнинг амалга оширилишини бартараф қилиш;
- ташқи алоқаларни яхшилаш;

- бўғинларда меҳнат натижалари бўйича моддий манфаат-дорликни ва жавобгарликни кучайтириш;
- штат жадвалларини янгилаб бориш;
- топшириқ ва қарорларни ўз вақтида жойларга этиб бо-ришида тўсиқ бўлаётган звеноларни бартараф этиш;
- ваколатларни оқилона тақсимлаш;
- ахборот айланишини ва коммуникацияларни яхшилаш ва бошқалар.

Юқоридагилар билан бир қаторда раҳбар ва ходимларда бўлажак ўзгаришларга қаршилик кўрсатилишининг объективлигидан келиб чиқиб, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида уларни бартараф қилиш ташкилий лойиҳаларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш сабаблари куйидагилардан иборат:

1. Ўзгаришларнинг зарурлигига ишончнинг йўқлиги. Агарда ходимларда бўлажак ўзгаришлар бўйича етарли ахборотлар бўлмаса, унинг мақсади тушунарли бўлмаса улар мавжуд ҳолатни қониқарли деб ўйлаб, ўзгаришларни дардчил, аламли қабул қиласилар.

2. Юқоридан жорий этиладиган ўзгаришларга норозилик ҳисси. Одатда, кишилар билан маслаҳатлашилмаса, бундай муносабат уларга ёқмайди.

3. Номаъумликдан кўрқиш, ўзгаришнинг оқибати ҳеч қачон олдиндан тўла маълум бўлмайди. Шунинг учун уларнинг наздида номаъум келажакдан мукаммаллацмаган ҳозир яхшироқ бўлади.

4. Номаъум муаммолар билан иш кўрмоқликийни хоҳламаслик. Афсуски, аксарият ўзгаришлар кўнгилсиз нарсалар билан боғлиқ бўлади: иш ҳажмининг ортиши, иш ҳақининг аниқ натижаларга боғлаб қўйилиши.

5. Ўзгаришлар билан боғлиқ янги вазифаларни, фаолиятларни маҳорат билан бажаришдан кўрқиш.

6. Мавжуд муносабатлар, ўрнатилган тартиб ва одатларни ўзгаришишни хоҳламаслик.

7. Ўзгаришларга раҳбарлик қилаётган шахсга хурмат ва ишончнинг йўқлиги.

Ушбу ва бошқа ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш сабаблари билан курашишнинг энг самарали усули “ўзгаришларда иштирок этиш” тамойилидир. Бунда барча ходимларнинг максимал даражада ташкилий лойиҳаларни режалаштириш жараёнида иштирок этиши кўзда тутилади.

## **11.2. Маъмурий менежмент тузилишлари, тамойиллари, омиллари ва белгиларидан ташкилий лойиҳаларни режалаштиришда фойдаланиш**

Ташкилий лойиҳаларни режалаштиришда маъмурий бошқарув ташкилий тузилишининг қуидаги тамойилларидан фойдаланилади:

1. Яккабошлилик. Анри Файол бу борада, «Икки бошли тана – маҳлуқдир», деб бежиз таъкидламайди.
2. Бурч ва масъулиятнинг оқилона тақсимланиши.
3. Даражалар сонининг мақбуллиги. Анри Файол бу борада, «Дараҳтлар осмонгача ўсмайди», деб таъкидлайди.
4. Раҳбарнинг ахборот билан таъминланганлиги. Акио Морита, «Ишингизнинг тақдири энг ёш, янги ходимингиз қўлида» – деб таъкидлайди.
5. Назоратнинг мавжудлиги.
6. Бирламчи ахборотнинг ягоналиги.
7. Ахборот алмашинувининг мақбуллиги.
8. Эришиладиган натижада ижрочининг манфаатдорлиги.

Ташкилий лойиҳаларни режалаштиришда ушбу тамойилларга тўла амал қилишлик талаб этилади. Ўзгаришларни амалга оширишда ушбу тартиб-қоидаларни умуман бузмасликка интилиш зарур.

Лойиҳаларни режалаштиришда ташкилий тузилишларнинг мақбуллигини таъминловчи қуидаги асосий омилларга эътибор қаратиш тавсия этилади.

1. Юқори малакали ходимларга эга, катта бўлмаган бўғинлар ва звеноларни шакллантириш.
  2. Раҳбарлик даражалари сонининг камлигига эришиш.
  3. Ташкилий тузилишларда мутахассислар гуруҳларининг мавжудлигини таъминлаш.
  4. Ўзгаришларга тезлик билан жавоб қайтаришнинг зарурлиги.
  5. Юқори унумдорликка эришиш.
  6. Ҳаражатларнинг камлигини таъминлаш.
- Булардан ташқари, маъмурий бошқарув ташкилий лойиҳаларини режалаштиришда тузилишларга таъсир этувчи қуидаги омилларни инобатга олиш лозим:
- ташқи мухит;
  - ривожланиш стратегияси;
  - мавжуд персонал;
  - қарорлар тизими;
  - шаклланган тузилиш;
  - кадрларнинг касб малака даражаси ва бошқалар.

Бошқарув тизимини эркинлаштириш талаб этилаётган хозирги шароитда лойиҳаларни режалаштиришда асосий эътиборни қарор қабул қилиш жараёнини марказдан четлатиш (декентрализация) масалаларига қаратиш муҳимлигини ёдда тутиш керак. Ушбу жараён икки хил бўлади.


Вертикал марказдан четлатиш — қарор қабул қилиш ҳуқуқини бошқариш поғоналари бўйича қўйига бериш.

Горизонтал марказдан четлатиш — раҳбар бўлмаган бўйсунувчиларга қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш.

### 11.3. Маъмурӣ бошқарув ташкилий лойиҳасини режалаштириш

Бошқариш фаолиятларини таҳлил этиш натижалари ташкилий лойиҳаларни режалаштиришнинг асоси ҳисобланади. Лойиҳалаш жараёни поғонали (иерархик) хусусиятга эга. Лойиҳаларни режалаштириш бошқарувни ҳар бир поғонаси учун алоҳида амалга оширилади.

Ушбу 15-чизмада лойиҳаларни режалаштириш босқичлари келтирилган:



**15-чи змада. Лойиҳаларни режалаштириш босқичлари.**

**Биринчи босқичда** тегишли бошқарув функциялари белгиланади ва уларни амалга оширишда бажариладиган ишлар мазмуни аниқланади. Лойиҳаларни режалаштиришда функцияларнинг бирламчилиги, бошқариш органининг иккиламчилиги принципига амал қилиш талаб этилади, чунки бошқариш орган (бўғин) и маълум функцияларни бажариш учун ташкил этилади.

**Иккинчи босқичда** бошқаришнинг ҳар бир функцияси вазифалари, уларни бажариш кетма-кетлиги ва ўзаро боғланишлари аниқланади. Вазифалар маъмурият олдида турган мақсадлардан келиб чиқади. Вазифаларнинг ўзаро боғланишлари бошқариш погоналари, вазифаларини тўла қамраб олингандлиги, такрорланиш даражасига мувофиқ ҳолда аниқланади.

**Учинчи босқичда** ҳар бир функция олдида турган вазифалар бўйича операциялар туркумланади ва ишлар туркуми (классификатори) тузилади. Операциялар маълум белгилар асосида туркумланади: мазмуни бўйича, такрорланиши бўйича, шаклланиши бўйича, жавобгарлиги бўйича ва бошқалар.

**Тўртингчи босқичда** бўғинлар таркиби аниқланади ва ҳар бир бўгинда бажариладиган функциялар мажмуаси белгиланади. Ҳар бир бўғин бўйича ишлар рўйхатини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуидаги шаклда бўғинлар бўйича бошқариш функцияларининг тақсимот матрицаси тузилади.

5-жадвал

№	Функциялар (фаолиятлар) мазмуни	Ишларни бажарувчи бўғинлар							
		1	2	3	4	5	6	7	...
1									
2									
3									
4									
...									

**Бешинчи ва олтинчи** босқичда ишларни (вазифаларни) бошқариш функциялари бўйича бажаришда ходимлар ҳамда бўғинлар орасида ҳуқуқ ва бурчлар тақсимланади.

## **12-БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚАРОРЛАР**

Бошқариш қарорларини қабул қилиш – ташкилотнинг ички ўзгаришларини ва ташкилот билан ташқи мухит орасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришда мухим боғловчи жараёндири.

Қарор бу – умумий мақсадларга эришиш йўналишида имкониятлардан бирини танлашдир. Қарор умумий мақсадлар йўналишида ечилиши зарур бўлган масалаларни ҳал қилиш усусларини аниқ кўрсатади ва зарурий ресурсларни улар билан боғлайди.

Бошқарувда қарор қабул қилиш шахсий ҳаётдагига қараганда кўпроқ тизимлашган жараёндири. Раҳбар фақат ўзи учун эмас, балки ташкилот учун ҳам, бошқа ходимлар учун ҳам ҳаракат йўналишини танлайди. Ташкилотлар бошқарувининг юқори поғонасидағи менежерлар баъзида катта маблағ билан боғлиқ қарорлар қабул қиласидилар. Янада мұхимроғи – бошқарув қарорлари кўплаб инсонларнинг тақдиди ва ҳаётига таъсир кўрсатади.

### **12.1. Бошқариш қарорларини қабул қилишининг мазмуни ва хусусиятлари**

Бошқарув қарори деганда нимани тушуниш керак?

Қарор – бу бошқариш фаолиятининг охирги натижасидир. Агар бошқарувда меҳнат предмети ахборот бўлса, унинг маҳсулоти бошқариш қароридир.


Қарор ишлаб чиқиши ва қабул қилиш – бошқариш фаолиятининг асосий шакли бўлиб, унда раҳбар меҳнатининг мазмуни, унинг жамоани мақсад сари йўналтириш бўйича ҳаракат жараёни акс этади.

Бошқариш қарори икки хил ҳолатда ишлатилади: биринчи ҳолатда – кимнингдир ёки ниманингдир томонидан ўрнатилган бошқарув ҳужжати, қабул қилинган ҳаракат режаси, қарор қилиш ва бошқалар бўлса, бошқа ҳолатларда – бу бир неча варианtlардан битта маъқул вариантни танлаш. Қарор пишиб етилган муаммо мавжуд бўлганда қабул қилинади.

Муаммо – ҳар қандай тизимда мавжуд ва зарур бўлган ҳолатдан четга чиқишини тавсифловчи вазиятни англаатади.

Бошқарув қарорининг элементлари.

Асосланган қарор бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимларнинг мавжуд бўлиши ва тараққиёти учун зарур бўлган объектив қонуниятларга ва аниқ вазиятларга таянади. Шунинг учун бошқариш қарори илмий-ижодий ёндашишни талаб қиласди. Унинг элементлари қўйидагилардан иборат: масаланинг ўзи, воситалар, масаланинг ечими учун зарур бўлган жавобгарлик (ким уни қабул қиласди), муҳлатлар.



### **16-чизма. Қарор элементлари.**

Ҳозирги вақтда турли масалалар бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинади, аммо уларнинг бажарилиш даражаси қониқарли эмас. Йирик ташкилот раҳбарлари кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида, турли бўлимлар орасидаги ўзаро муносабатлар масаласида қарор қабул қилишда сезиларли қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу вазиятлар ўз навбатида уларнинг билимига, тажрибасига ва турли даражадаги раҳбарларнинг қобилиятига боғлиқдир.

Бошқариш қарорларининг асосий таркибий қисмлари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Мақсадлар.
2. Масалалар.
3. Масалаларни ечиш усуллари (технологияси).
4. Ресурсларга нисбатан талаблар.
5. Қарорнинг таъсир доираси.
6. Қарорни бажарилиш муддатлари.
7. Қарорни амалга ошириш механизмлари.

Яъни ушбу қарорда масала ва муаммолар илгари қабул қилинган ёки келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар билан қандай боғланганлиги аниқ белгиланади.

Бошқариш қарорлари маълум хусусиятларга эга бўлиши зарур. Уларга қўйидагилар киради:

1. Қарорнинг илмий асосланганлиги.
2. Қарорларнинг долзарблиги.

3. Қарорларнинг бирлиги (ягоналиги).
4. Қарорларнинг адолатлилиги – ҳаққонийлиги.
5. Қарорларнинг тўғри йўналтирилганлиги.
6. Қарорларнинг қисқалиги.
7. Қарорларнинг вақт бўйича аниқлиги.
8. Қарорларнинг оперативлиги (ҳаётлилиги).

Юқоридагилардан маълум бўладики, бошқариш қарорларини қабул қилиш ҳар қандай бошқариш функцияларини амалга ошириш учун зарур боғловчи жараёндир.

Қарор асосан режалаштирилган ва режалаштирилмаган турларга бўлинади. Режалаштирилган қарорлар такрорланувчи, илгаридан аниқ вазиятларга тегишли бўлиб, уларни қабул қилишга мулоҳазали ёндашиш имконияти мавжуд. Режалаштирилмаган қарорлар асосан ташқи муҳит таъсири натижасида ташкилотда шаклланувчи фавқулодда вазиятларни (муаммоларни) ҳал қилиш билан боғлик. Бундай шароитларда мулоҳаза ёки маслаҳатлашиш асосида қарор қабул қилишга имконият йўқ. Шунинг учун, бундай қарорларни раҳбарларнинг ўзлари қабул қиласидар. Унинг натижаси ва самарадорлиги раҳбар (менежер)нинг савияси, тажрибаси ва тадбиркорлик даражасининг ривожланганлигига боғлик.

## **12.2. Маъмурий бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар. Қарорларнинг туркумланиши**

Бошқариш қарорлари кўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ҳар қандай бошқариш қарори жиддий мақсад йўналишига эга бўлиши, пайдо бўлаётган муаммоларни ечишга қаратилмоғи лозим.

2. Бошқарув қарори тегишли ҳуқуққа эга бўлмоғи керак. У раҳбар эга бўлган ҳуқуқ доирасида қабул қилинмоғи даркор.

3. Бошқарув қарори долзарб бўлмоғи керак. Қабул қилинган қарор вақт бўйича муаммони тараққиёт топиш босқичига тўғри келиши лозим, қарор қабул қилишда шошма-шошарлик ва кечикиб қолишга йўл қўйиб бўлмайди.

4. Қарор қарама-қарши бўлмаслиги, бошқа қарорлар билан келишилган бўлиши, шакли бўйича тушунарли, аниқ ифодалangan ва ихчам бўлиши талаб этилади.

5. Маъмурий бошқарув қарори вазиятнинг барча хусусиятларини ҳисобга олган ва илмий ёндашув асосида тузилган бўлмоғи, ижтимоий-иқтисодий қонунларнинг таъсирини

ҳисобга олган ҳолда ва иш ҳолатининг таҳлили асосида қабул қилиниши керак.

6. Қарор тежамли бўлиши, яъни мақсадга эришишни энг кам ҳаражатлар эвазига таъминлаши лозим.

7. Қарор реал (аниқ) амалга ошувчи бўлмоғи керак. Уни қабул қила туриб, барча объектив ва субъектив чекланишларни, бошқариувчи тизимни аниқ имкониятларини, мавжуд ресурсларни ва уларнинг ишлатилиш шароитларини ҳисобга олиш талаб этилади.

Қарор самарали бўлиши керак, бу ерда самара дегандан кўйилган мақсадга эришиш тушунилади.

Қарорларнинг туркумланиши. Маъмурий бошқарув қарорлари бошқаришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг хўжалик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фаолият масалалари бўйича қабул қилинади ва улар ўзларининг ифодаланиш шакли, қабул қилиниш вақти ҳамда услуби билан бир биридан фарқ қиласидилар. Шу муносабат билан улар кўйидагича туркумланишни талаб қиласидилар.

1. Таъсир кўрсатиш даври бўйича: стратегик ва тактик турларга бўлинади. Стратегик қарорлар олий даражадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишида ишлатилиади. Улар узоқ вақтга, одатда бир неча йилга йўналтирилади ва стратегик масалаларни ҳал этилишида ишлатилиади, шунинг учун уларни истиқбол қарорлари деб юритилиади. Бу каби қарорларга мисол қилиб кўйидагиларни келтириш мумкин: тармоқ мажмуаларини ривожлантириш дастури, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш дастури, кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириш дастури, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқалар.

Тактик қарорлар жорий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида ташкилотни жорий режалаштириш, кадрларга тегишли масалаларни ҳал этиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар юқори ва ўрта табақадаги раҳбарлар томонидан бир йилдан икки йилгача бўлган даврга қабул қилинади.

2. Маъноси ва таъсир қилиш тавсифи бўйича: ижтимоий-иктисодий, техник, ижодий ва бошқалар.

Ижтимоий-иктисодий қарорлар меҳнат жамоаларида аъзоларнинг ижодий фаоллигини кўтаришга, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилади. Техник қарорлар ташкилотда техникага оид сиёsat юритишга қаратилиади.

Ижодий қарорлар иш ахволини сидқидилдан ўрганиб чиқилишини, маҳсус изланишлар талаб қиласидиган ахборотлар-

ни жалб қилишни, маҳсус ҳисоб-китоблар бажарилишини талаб қилади. Бу қарорлар кўпроқ эркин ҳаракат қилишни кўзда тутади ва маъмурӣ ходимлар фаолиятининг асосини ташкил қиласди.

3. Мехнат фаолияти даражасига оид бўлган: мураккаб ва оддий қарорлар. Мураккаб қарорлар – бу маҳсус билим тажриба ва катта тайёргарлик ишларини талаб қилувчи қарорлардир.

Оддий қарорлар – катта тажриба ва маҳсус билим талаб қилмайдиган қарорлардир.

4. Такрорланиши ва янгилик даражаси бўйича: оддий ва ижодий қарорлар. Оддий – бу қарорлар оддий анъанавий ҳолатда қабул қилинадилар. Уларнинг таъсири олдиндан маълум бўлади. Масалан, корхонада ишлаб чиқариш режаси ва дастури бўйича қарор қабул қилиш.

Ижодий – бу биринчى марта пайдо бўлаётган аниқ ҳолатни таҳлил қилиш ва ишни маҳсус ўрганилишини талаб қилувчи қарорлардир. Масалан, корхонанинг маълум бир соҳалари учун солиқ сиёсатини ва даромадни тақсимланиш механизми-ни ишлаб чиқиши.

5. Бошқариш субъектида мавжуд ахборотнинг тўлалик даражасига қараб: аниқлик, таваккалчилик, ноаниқлик шароитида қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар.

6. Муҳимлиги бўйича: бир лаҳзали ва кечиктирилган қарорлар. Бир лаҳзали қарорлар раҳбарда вазиятни ўйлаб кўришга, фикрлашга вақт йўқлигига қабул қилинади. Кечиктирилгани эса ўз вақтида қабул қилинмаган қарорлардир.

7. Ушбу обьектга нисбатан ташқи ва ички қарорлар. Ташқи қарорлар – юқори идоралар томонидан қабул қилинадиган қарорлардир.

8. Таъсир соҳаси бўйича: умумий ва шахсий.

Умумий қарорлар – барча жамоага таъсир кўрсатади. Шахсий қарорлар – айрим гурӯҳга ёки ходимга тегишли бўлади.

9. Қарор қабул қилиниши усулига қараб: шахсий, бошқарувчи ва мажмуавий бўлади. Шахсий – ходимнинг ўзини меҳнат фаолиятига тегишли қарорлардир. Бошқарувчи қарорларга раҳбарлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар киради.

Мажмуавий қарорлар – бу жамоа миқёсида қабул қилинадиган қарорлардир.

### **12.3. Маъмурий бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичлари**

Бизга маълумки, қарор муаммони самарали ва оқилона ҳал қилишга қаратилган бўлади. Бунинг учун қуидаги босқичлар амалга оширилади.

1. Муаммога ташхис қўйилади.
2. Қарорнинг чегаралари ва мезони аниқланади.
3. Мавжуд имкониятлар аниқланади.
4. Имкониятлар солиширилади ва баҳоланади.
5. Имкониятлардан бирни танланади.

Кенгроқ маънода бошқариш қарорларини қабул қилиш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Ахборот йиғиш. Зарурий маълумотларни йиғиш орқали муаммога, масалага ва қарор қабул қилиш мухитига аниқлик киритилади.

2. Ахбортони кераксиз маълумотлардан тозалаш. Қарор қабул қилувчиларни асосий йўналишдан чалғитмасликлари учун зарур бўлмаган ахбортолар чиқариб ташланади.

3. Қарорни турли лойиҳаларини ишлаб чиқиш. Шаклланган муаммо (масалан, тақчил ресурсларни тақсимлаш)га нисбатан турли нуқтаи назарларнинг мавжудлиги қарорнинг турли лойиҳаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

4. Лойиҳаларни солишишима таҳлил қилиш. Турли нуқтаи назарларни умумий муддаога келтириш учун лойиҳалар солиширилади. Амалда бундай жараён мажлислар, йиғилишлар кўринишида рўй беради.


5. Ҳал қилувчи танлов. Лойиҳалардан бирини танлаш жараёни. Бу босқич қарор қабул қилиш жараёнида мұҳим ҳисобланиб, унда раҳбар ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

6. Қарорни жойларга етказиш. Қарорни унинг таъсир доираси (чегаралари) асосида жойларга етказиш ва унинг ижрочи-ларида масъулиятни шакллантириш раҳбарларнинг бошқариш санъатини қай даражада эгаллаганликларига боғлиқ.

7. Қарорни бажарилишини назорат қилиш. Қарорни жойларга етказиш билан қарор қабул қилиш жараёни туталланган ҳисобланмайди. Ушбу жараён муаммо ҳал бўлганда ёки масала ечилигандагина туталланади. Назорат қилиш эришилган натижаларни стандартлар (қарордаги кўрсаткичлар) билан солиширишни, баҳолашни назарда тутади.

Қарорлар мұхокама қилиниб ёки раҳбар интуицияси асосида қабул қилиниши мүмкін. Қарорларнинг самарадорлигига раҳбарларнинг хусусиятлари, масалаларга ёндашишлари, мұхитта аниқлик кири туви ахборотларнинг миқдори ва сифаты бевосита таъсир күрсатади.

Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалға ошириш жараёни маълум технология асосида боради.



### 17-чизма. Бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш технологияси.

Қарорни бажарувчиларга маълум қилингандан кейин уни бажарилишини назорат қилиш ва текшириб бориш керак.

Назоратни ташкил қилиш қарорни бажарувчилар орасида аниқ ифодаланишига ва түғри тақсимланишига боғлиқ бўлади. Назоратнинг самарадорлиги бажарувчилар фаолиятига асосланган бўлиб, аниқ топшириқ бериш ҳисобига эришилади. Бажарыш назоратини ташкил этишда энг муҳим шарт қарорнинг бажарилишига ҳолисона баҳо беришdir. Ташкилотларда қарорнг бажарилишини назорати картотекалар ёрдамида ҳамда компьютерлар ёрдамида амалға оширилади.

Ташкилотларнинг мураккаблиги, келажакка назар солишининг зарурийлиги, ташқи мұхиттнинг ўзгарувчанлиги, амалда

тажрибалар ўтказишнинг иложи йўқлиги менежерлардан қарор қабул қилишда илмий бошқариш усулларини билишликни, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланишини тақозо этади.

Илмий бошқариш усули раҳбарлардан қарор қабул қилиш ва умуман бошқариш жараёнига ижодий ёндашишни талаб этади. Бошқаришга ижодий ёндашиш бошқариш назариясининг асосий тушунчалари ва усулларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради (18-чизма).



### 18-чизма. Бошқаришнинг илмий услуби.

Илмий бошқариш усули қўйидагиларни назарда тутади:

1. Ташкилотни ички ва ташқи муҳитини кузатиш асосида зарурий ахборотни йигиш ва таҳлил қилиш.
2. Кузатувлар асосида муаммони аниқлаш ҳамда улар орасидаги боғланишларни ўрганиш. Бошқариш назариясида буни гипотезани шакллантириш дейилади.
3. Ўрнатилган боғланишларни, яъни муаммонинг тузилмаси ёки моделини текшириш (гипотезани текшириш). Агар, тузилма ёки модел нотўғри чиқса, қўшимча ахборот йигилади ва унга аниқлик киритилади.
4. Агар тузилманинг тўғрилиги исботланса, у (қарор кўринишида) амалга оширилади.

## **13-БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВДА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Бошқаришда ахборотларнинг аҳамияти беқиёсdir. Бошқариш фаолиятини ва жараёнини тезкор ва етук ахборотларсиз тасаввур қилиш қийин. Ахборотлар бошқарув негизи ҳисобланади ва бошқаришнинг сифати уларнинг замонавийлигига, долгзарблигига бевосита боғлиқ.

Мазкур бўлимда ахборотларнинг моҳияти ва уларнинг тизимлари ҳақида тушунчалар, ахборот тизимларининг манбалари ва уларни қайта ишлаш ушбу тизимларга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ҳамда ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш воситалари ва ушбу тизимни автоматлаштириш каби масалалар ёритилган.

### **13.1. Ахборотнинг моҳияти ва ахборот тизимлари мазмани**

**Ахборот** бу маълумот ва хабарлар тўплами бўлиб, мазмунан янгилик элементларига эга бўлади. Ахборот бутун бир бошқарув тизимига кириб боради. Тизим бўшлиги таҳлил қилинади, қайта ишланади ва тайёр бошқарув қарори кўринишига келтирилади. Ахборотлар ўз навбатида бошқариш меҳнатининг қуроли ва тайёр маҳсулоти ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда ташкилотларнинг мураккаблашуви, иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши доимий равишда ахборотлар алмашиб туришини тақозо қиласи. Ушбу маълумотлар асосида бошқариш қарорлари қабул қилинади.

Бошқариш ахбороти жуда хилма-хил бўлиб, маълумотлардан ташкил топади ва улар қуидагича тавсифланади:

- 1) объект фаолиятини бошқаришга бевосита алоқадор бўлади;
- 2) ахборотлар рақам, ёзув ёки аралаш ҳамда аудио ва видео шаклда ифодаланади;
- 3) муайян моддий ташувчиларда қайд қилинади (қоғоз, тасма, дисклар, кассеталар...);
- 4) товуш сигнали, нурли тасвирларда шаклланади;


5) бошқариладиган объектнинг ўзига хос алоҳида хусусиятларини, унинг ички ва ташқи тавсифларини акс эттиради;

6) объект фаолияти давомида содир бўладиган воқеаларни ва жараёнларни тавсифлайди;

7) объектив равишда унинг турли соҳадаги бўлинмалари фаолияти натижаларини қайд қиласди.

Амалда маъмурий тизим бошқарилувчи объектлардан ижтимоий, иқтисодий, ташкилий-хуқуқий, техник-технологик кўрсаткичларга оид ахборотларни олиб туради. Зарурат туғилганда олинган ахборотлар асосида маъмурий тизим объект учун керак бўйруқлар тайёрлайди ва уни бажариш учун объектга узатади.

Бошқаришда алоқа шакллари қуйидаги кўринишда амалга оширилади:



### 19-чизма. Бошқаришда алоқа шакллари.

Мураккаб ва кўп қиррали ташкилотларни бошқариш катта ҳажмдаги бирламчи ахборотларни кўриб чиқишини талаб қиласди. Уларга қуйидагилар киради: статистик, оператив-ҳисобот, режа-иқтисодий, бухгалтерлик, молиявий, моддий-техника таъминоти, капитал қурилиш, технологик, конструкторлик ва бошқалар.

Ахборотлар келиб чиқиши манбаларига кўра ташқи ва ички ахборотларга ажратилади.

Ташқи алоқалардан келиб чиқувчи ахборотлар ташқи ахборот ҳисобланади. Унинг таркибига қонун чиқарувчи давлат ва муниципал идоралар маълумотлари, талаб ва таклиф бўйича маълумотлар, техника тараққиётига оид ахборотлар, илгор ташкилотлар иш тажрибалари ва бошқалар киради.

Ички ахборотларга маъмурий тизим ва бошқарилувчи объект фаолияти билан боғлиқ барча турдаги маълумотлар киради.

Ахборотлар ўзининг ҳажми, таркиби ва келиб тушган вақти бўйича бошқарув даражасига бевосита боғлиқ. Бу даража қанчалик юқори бўлса, бирлашган ва ишлов берилган ахборот учун зарурат шунчалик кўпайиб боради.

Ахборотлар шартли ўзгармайдиган ва ўзгарувчан турларга бўлинади.

Шартли ўзгармайдиган ахборотлар таркибига нисбатан кам ўзгарувчи ахборотлар киради. Булар барча турдаги қонунлар, низомлар, меъёрлар, мақсадлар, қийматлар ва бошқалардир. Бундай ахборотлар бошқарув учун зарур бўлган маълумотларнинг 60-70 фоизини ташкил қиласди.

Ўзгарувчи ахборотлар мураккаб ва муҳим ахборотлардир. Бу турдаги ахборотлар бошқариш обьекти фаолияти жараёнининг ўзгаришини акс эттиради. Бундай ахборотларни тўплаш ва узатиш анча мураккаб жараёндир. Узатишда иложи борича чаққонлик зарур, акс ҳолда бундай ахборотлар ўзининг муҳимлиги ва долзарблигини йўқотиши мумкин.

Бошқарув амалиётида иккиламчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Бундай ахборотлар шартли ўзгармайдиган ва ўзгарувчи ахборотларга берилган дастур асосида ишлов бермаслиги натижасида юзага келади ва улар бошқарув жараёни ҳамда қарорлар қабул қилиш учун анча етук ва муҳим ахборотлар ҳисобланади.

### **13.2. Ахборот тизимларининг манбалари ва уларни қайта ишлаш**

Ташкилотни бошқариш учун зарур бўлган барча турдаги ахборотлар мажмуи ахборот тизимини вужудга келтиради. Ахборот тизимлари бошқаришнинг ҳар қандай босқичида бир бутун бўлиб фаолият кўрсатади. Аммо улар ўзининг вазифаси ва таркиби билан ҳар хилдир. Мисол учун, бошқариш тизими ташкилот фаолияти кўламига, унинг техник даражасига ва соҳа турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Ахборот тизими эса таркиби бўйича ҳамма вақт бир хил бўлиб қолади ва ташкилот фаолиятининг ҳар хил бўлишидан қаттий назар, у ахборот тўплаш, уни узатиш ва ишлов бериш жараёнларидан иборат бўлади.

Ахборотлар тизими турлари икки хил бўлиши мумкин:

1. Оддий тизим – ахборот бунёд бўлган жойидан талаб этилган жойига тўғридан-тўғри узатилади. Бундай ахборот телефон, факс, модем орқали ёки шахсан узатилади.

2. Мураккаб ахборот тизими – ташкилот фаолияти ва бошқариш ташкилий таркибининг муракқаблигига мос келади. Мураккаб ахборот тизимини бир қатор белгиларига кўра турларга бўлиш мумкин. Муҳим белгиларидан бири ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришдир. Бу эса ахборот ишловининг сифатини яхшилади.

Мураккаб ахборот тизимининг ҳар хил даражада автоматлаштириш турлари қуйидагича бўлади:

1. Ахборотларни тўла ўзлаштириш даври аниқ ходим ёрдамида оддий техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

2. Арапаш ахборот тизими. Бунда ходим ахборотни тўла автоматлаштирилган воситалар ёрдамида ўзлаштириш ва қайта ишлашга эришади.

Бу тизим автоматлашган назоратни таъминлайди, баъзида ташкилот фаолияти устидан оддий бошқарув жараёнини амалга оширади.

3. Ахборот – маълумотнома тизими. Бу визуал амалга ошириладиган назорат учун баъзи бир маълумот бериш билан чекланади.

4. Кузатувчи ахборот тизими. Бу тизим автоматлаштирилган назорат ва оптимал бошқарувни таъминлайди.

Ахборотлар қўйидаги белгиларига қараб туркумланади:

1. Функционал мазмунига қараб:

- а) техник-технологик;
- б) ташкилий-хуқуқий;
- в) ташкилий;
- г) иқтисодий;
- д) ижтимоий ва ҳ.к.

2. Ахборотларнинг келиш манбаи ва фойдаланиш жойига қараб:

- а) ички;
- б) ташқи.

3. Ахборотлар мўлжалланган объектига қараб:

- а) ташкилот раҳбарларига;
- б) бўлим раҳбарларига;
- в) айрим олинган ходимга;
- г) бошқарилувчи обьектга.

4. Ҳосил бўлиш тамойилларига қараб:

- а) бирламчи;
- б) оралиқ;
- в) якуний.

**5. Йұналишига қараб:**

- а) субъектдан объекттә қараб бевосита узатиладиган ахборотлар
- б) объектдан субъекттә қараб қайта узатиладиган ахборотлар.

**6. Вақт белгиланишига қараб:**

- а) кунлик;
- б) ойлик;
- в) чораклик;
- г) йиллик.

**7. Тақрорлаш усулига қараб:**

- а) оғзаки;
- б) ҳужжатлаштирилган;
- в) визуал.

**8. Ҳаракат йұналишига қараб:**

- а) келиб тушадиган;
- б) юбориладиган.

**9. Бошқарув жараёни вазифасыга қараб:**

- а) директив;
- б) ҳисобот;
- в) ҳисобга олиш;
- г) назорат.

**10. Вөкөаларнинг келиб чиқиш вақтига қараб:**

- а) тарихий;
- б) жорий;
- в) перспектив.

### **13.3. Ахборот тизимларида ички ва ташқи омиллар**

Ахборот тизимини ташкил қилишда иложи борича бирламчи ахборотларни камайтириш, берилған маълумотларни күпроқ ишлатиш, фақат маъмурий бошқарув учун зарур бўлган дикқатга сазовор ва қарор қабул қилиш учун керакли ахборотларни бериб бориш зарур.

Ахборотларни камайтириш сақланувчи, шартли ўзгармайдиган ахборотлар ҳисобига амалга оширилиши керак. Ахборотларнинг камайиши уларни тўла автоматлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда, бир хил маълумотлар турли ахборотлар олиш ниятида бир неча марта тақрор ишлатилиши мумкин.

Автоматлашган ахборот тизимининг самарадорлиги уларнинг қўйидаги ишларни бажара олишига боғлиқ;

**1. Жуда оз вақт ичида манбалардан тегишли ахборотларни қабул қила олиш ва уларни келтира олиш.**

2. Аввалдан маълум бўлган фаолият натижалари билан биргаликда маъмурий таъсирни асослаш ниятида ахборотни имкони борича кенгайтира олиш.

3. Ахборотларни тартибга солинган ҳолда жамлай олиш ва узоқ вақт сақдай билиш.

4. Қарор қабул қилиш учун ахборотларга маромига етказиб ишлов бера олиш.

Ахборот тизимлари маълумотлари билан ишлаш раҳбар ва ходимларга кенг ёрдам беради. Ходимлар фаолияти самарадорлигини оширади. Бундай ахборот тизимлари ташкилотда янги маълумотларни интеграциялаш ва ҳужжатларни қайта ишлашни енгиллаштиради.

Инсоният жамияти ахборот жамиятига айланиб борар экан иқтисодиёт маҳсулдорлиги борган сайин бу тизимлар ривожланиши даражасига боғлиқ бўлиб беради.

Ахборот тизимларининг замонавий икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Офисни автоматлаштириш ахборот тизимлари.

2. Билимларни қайта ишлаш ахборот тизимлари.

Офисни автоматлаштириш ахборот тизимлари ўзининг содалиги ва кўп соҳалилиги жиҳатидан исталган ташкилий даражада ходимлар ва раҳбарлар томонидан фаол ишлатилади.

Уларни кўпроқ ўрта малакали ходимлар – бухгалтерлар, котиблар, клерклар кўллайди. Асосий мақсад – маълумотларни қайта ишлаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш ва канцелярия меҳнатини соддалаштиришдан иборат.

Билимларни қайта ишлаш ахборот тизимларининг, жумладан, эксперт тизимларининг вазифаси ахборот ва янги билимларни яратишдан иборатdir.

Ахборот манбалари томонидан тарқатиш учун шакллантирилган маълумотлар йигиндиси ахборот маҳсулоти ёки ахборот фаолияти маҳсулотини ўзида намоён этади. У ҳам моддий ҳам номоддий шаклда мавжуд бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ахборот маҳсулоти ишлаб чиқарувчининг ахборот моделини акс эттиради. Унда биринчи навбатда айрим предмет соҳалари ҳақида ўзининг хусусий тасаввурлари акс этган бўлади.

Бундан ташқари ахборот тизими назорат қилиш учун муайян маълумот берадиган ахборот – маълумотнома тизимига ва кузатувчи ахборот тизимидан иборат бўлади. Кузатувчи ахборот тизими бошқариш ва автоматик назоратни таъминлайди.

Бугунги кунда прогрессив ахборот тизимларини ташкил этиш қуйидаги босқичларда олиб борилади:

I-босқич. Амалдаги ахборот тизимини таҳлил қилиш.

II-босқич. Ахборот системаларини такомиллаштириш бўйича техник-иктисодий асосланган таклифлар.

III-босқич. Ахборот тизими лойҳасини ишлаб чиқиши.

### **13.4. Ахборотларни узатиш ва қайта ишлаш воситалари**

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти даврида ахборотларни турли йўллар билан узатиш мумкин. Бунга қуйидаги усуllар киради:

Ёзма ахборот узатиш усулида ахборотлар ёзма шаклда ходимдан ходимга узатилади.

Оғзаки ахборотлар узатиш усулида ахборотлар ходимлар орасида ёки бир ходимдан иккинчи бир ходимга оғзаки узатилади.

Ахборотларни узатиш воситаларига қўйидагилар киради:

1. Замонавий компьютер тизимлари орқали ахборотларни узатиш.

2. Телефон ёки факс орқали ахборотларни узатиш.

3. Хизмат хатлари орқали ёки телеграмма орқали ахборотларни узатиш.

Бу жараённи амалга ошириш билан техник ижрочилар ва малакали мутахассислар шугулланади.

Ахборот таъминоти-ахборот тизимлари ичida машина ахборот базасини яратиш, таснифлаш ва кодлаштириш тизимлари ҳужжатлаштиришнинг унификациялашган тизимлари, ҳужжат айланмаси ва ҳужжатларни шакллантиришни рационал ҳолга келтиришни ўз ичига олган ахборотни жойлаштириш ва ташкил қилиш бўйича услублар ва воситалар йигиндишидир. Қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг ишончлилиги ва сифати кўп жиҳатдан ишлаб чиқилган ахборот таъминоти сифатига боғлиқ.

I. Бошқарувнинг техник воситаларини такомиллаштириш даражаси ва самарасига қараб тўртта турга бўлиш мумкин:

1) ёрдамчи ташкилий воситалар;

2) ёзув машиналари, жамловчи воситалар;

3) ярим автоматик тарзда ишловчи воситалар;

4) жуда кўп операцияларни кетма-кет бажарадиган компьютер тизимлари.

**II. Бошқаришнинг техник воситалари қўйидаги турларга бўлинади:**

- 1) ахборот ташувчи
- 2) оддий курол ва мосламалар
- 3) ҳужжат тузиш воситалари
- 4) ҳужжат нусхасини кучирувчи ва кўпайтирувчи воситалар
- 5) ҳужжатларни қайта ишлашни таъминловчи воситалар
- 6) бошқаришнинг алоқа воситалари
- 7) ташкилий-техник воситалар
- 8) ҳисоблаш техникалари.

**III. Бошқариш техникасини қўллашнинг ташкилий шакллари қўйидагилар:**

- 1) машина-ҳисоб станциялари;
- 2) автоматлашган ҳисоб марказлари;
- 3) нусха кўчириш марказлари ва бошқалар.

## **14-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВДА КАДРЛАР СИЁСАТИ ВА ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар, айниқса, раҳбар кадрлар алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Бу бир томондан бошқаришни демократлаштириш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан янги ташкилий-хуқуқий бошқариш шаклларига ўтиш, замонавий раҳбар мутахассисни тайёрлаш ва тарбиялаш билан бевосита боғлиқдир.

Бу борада 1993 йилнинг феврал ойида “1992 йил якунлари ва 1993 йилда иқтисодиётни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йигилишда Президент И. А. Каримов “Ишимиизда икки йўналиш баббаробар бақамти бориши керак. Биринчиси, янги давлат, янги тузумнинг шакли, андозасини яратиш бўлса, иккинчиси, ана ўнга муносиб, мақсадни тўғри англайдиган, ишни уддалайдиган раҳбарларни танлаш, жой-жойига қўйишидан иборатдир. Ислоҳот қачон татбиқ бўлади? Агар масъул кадрлар шу ислоҳотни теран англайдиган, жонкуяр, ватанпарвар бўлсалар, юртни, халқни ўйласалар... Энг муҳими, эл-юрг манфаатини кўзлаб, юрагидан ўтказиб фидойичасига ишлашга тайёр бўлганлар сувдай, ҳаводай керак. Ислоҳотларга жон киргаздиган одамлар – кадрлар керак”, деб бу масаланинг нақадар долзарблигини таъкидлаган эдилар.

Ушбу бўлим маъмурий бошқарувда кадрлар сиёсати билан боғлиқ бўлган масалалар, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишида аттестациянинг ўрни ва аҳамияти, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, маъмурият ходимлари меҳнатини илмий ташкил этиш масалаларига бағишлиланган.

### **14.1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ҳозирги босқичча кадрлар сиёсати**

Маъмурий бошқарув кадрлари деганда қасб фаолияти бўйича бошқариш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ходимлар ва раҳбарлар тушунилади.

Маъмурий бошқарув кадрлари тушунчаси қуйидаги иккита масала: яъни, кадрлар сиёсати ва кадрлар билан ишлашга боғлиқдир. Кадрлар сиёсати деганда бу узоқ даврга мўлжалланган тегишли ма-

лака, тажриба, касб ва шахсий сифатларга эга бўлган юқори малакали бошқарув кадрлари тараққиёти билан боғлиқ масала тушунилади. Кадрлар сиёсатининг мақсади кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқишидан иборатdir.

Кадрлар сиёсати стратегия ва тактикага эга бўлиб, **кадрлар стратегияси** – жамиятни маълум тарихий тараққиёти босқичида унинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлайди. Кадрлар ишининг тактикаси эса кадрлар билан бўладиган жорий ишларга айтилади. Бунда ҳозирги шароитда кадрлар сиёсатини маълум тартибда амалга ошириш кўзда тутилади. Бу кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, бошқариш кадрларини ишлатиш ва қайта тайёрлаш демакдир.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва кадрлар билан ишлашни мақсадга мувофиқ амалга ошириш ниятида миллий тажрибани таҳлил этиш ва таълим тизимидағи жаҳон тажрибаси ютуқлари асосида кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган Миллий дастур қабул қилинди.

Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлат даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидан иборатdir.

**Миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари:**

**Биринчи босқич 1997-2001 йиллар.** Мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шартшароитлар яратиш.

**Иккинчи босқич 2001-2005 йиллар.** Бунда Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожланиши ва аниқ ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиши.

**Учинчى босқич 2005 ва ундан кейинги йиллар.** Тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида қуйидаги тушунчалар аҳамиятлидир:

Узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи.

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилишнинг кафолатидир.

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва ундан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи соҳадир.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан кўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буортмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг иштирокчисидир.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;
2. Педагогик ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар;
5. Иқтидорли болалар ва истеъоддли ёшлиар;
6. Таълим тизимини бошқариш;
7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
8. Таълим тизимини молиялаш;
9. Моддий - техника таъминоти;
10. Таълим тизимини яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;
12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш;
13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш;
15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик.

## **14.2. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда аттестациянинг аҳамияти ва турлари**

Кадрлар ишининг муҳим жиҳати – бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолаш ҳисобланади. Бундай баҳолаш кадрларни самарали танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрларни тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, уларни лавозим бўйича юқори поғонага кўтариш ва ниҳоят бошқарув ходимларининг малакасини ошириш учун зарурдир.

Бошқарув кадрлари учун қандай турдаги баҳолашлар қўлланишини кўриб чиқамиз:

1. Шахсий фаолиятини мажмуавий баҳолаш – унинг барча вазифаларини қамраб олишдан иборат. Бу муҳим ва мураккаб баҳолаш туридир. Шахсни мажмуавий баҳолаш ходимнинг ёки раҳбарнинг самарали меҳнатини бевосита шарти бўлган сифатларни қўшилишидан келиб чиқади, (яъни унинг барча иш вазифаларини бажариши).

2. Локал баҳолаш. Баҳолаш қандайдир бир вазифани ёки уни бир қисмини бажариш натижалари асосида амалга оширилади. Масалан, директор фаолияти бир неча вазифаларни ўз ичига олади. Улар ичida корхона меҳнаткашларини шикоят ва таклифларини кўриб чиқишидир. Ушбу вазифани яхши бажарайтими ёки йўқми? Ушбу вазифани амалга ошириш қуидаги ўлчамларда баҳоланади:

- уларни кўриш муҳлати;
- уларга қандай жавоб беради;
- унинг рад жавобидан кейин одамларнинг ушбу шикоят бўйича юқори ташкилотларга тез - тез шикоят қилишлари;
- унинг жавоб шакллари.

Ушбу ўлчамлар раҳбарнинг одамлар билан ижтимоий соҳада ишлай олишининг умумий кўринишини ташкил этади.

Бу каби тавсиф унинг тавсифлари мажмуасининг бир қисми ҳисобланади. Шундай қилиб тавсиф-қоида бўйича ходимнинг алоҳида вазифаларини бажариш ишига бериладиган баҳодир.

3. Узайтирилган баҳолаш. Ушбу баҳо мутахассисни меҳнат фаолиятини узоқ муддатда ўрганилишидан иборат. Бу баҳолаш раҳбар хизматининг ўтган даврдаги ва жорий фаолиятини таҳлил қилишга асосланган. Бу баҳолаш усули раҳбар ва мутахассислар фаолиятини умумий тавсифини бериши мумкин.

4. Экспрессив баҳолаш (тезкор баҳолаш) фақат раҳбарнинг жорий фаолиятини акс эттиради. Бу инсонни ҳозирги даврда намоён бўлаётган сифатлари ва қандай ишлаётганини таҳлил қиласди.

Кадрларни баҳолашнинг алоҳида тури – кадрларни аттестациядан ўтказишидир.

Аттестациянинг асосий мақсади – хизматчининг эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини аниқлашдан иборатdir. Агар у мазкур лавозимга лойиқ деб топилса, унда уни яна юқори лавозимга кўтариш имконини қидириш керак бўлади. Шундай қилиб, аттестация унинг меҳнат фаолиятига берилган объектив баҳо, деб билиш мумкин. Шу билан бирга аттестациядан касб маҳоратини рағбатлантириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, яъни унга энг юқори малака берилиши ёки юқори ойлик маоши тайинланиши мумкин.

Аттестация 3-5 йилда бир марта ўтказилиши мўлжалланади.

Аттестациянинг аниқ маъноси, уни ўтказиш усули ва шакли, соҳа ва бошқарув бўлимлари хусусиятларига, ихтисослик турига, ходимлар касбига қараб турли хил бўлиши мумкин.

Ҳар қандай аттестация (унинг ҳар қандай шакли) ўз ичига қўйидагиларни олади:

1. Аттестациядан ўтувчи қандай иш бажаради.
2. Ўтган даврдаги ишининг сифати.
3. Ишга муносабати.
4. Меҳнат интизомига риоя қилиши.
5. Жамоа фаолияти натижасига хизматининг қўшган улуши ва бошқалар.

Кадрлар билан ишлашда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш – марказий масала ҳисобланади.

Кадрларни танлаш – бу, раҳбарлар, ходимлар ва мутахассисларни ўрганиш жараёни бўлиб, ундан мақсад уларни вазифавий мажбуриятларини маълум лавозимларда бажаришга яроқлилигини аниқлашдан иборатdir. Бошқарув кадрларини танлаш қўйидаги учта йўнилишда олиб борилади.

1. Ташкилот ичida бошқарув ходимини бошқа жойларга ўтказиш билан (бу хизмат бўйича кўтариш, бўш лавозимларга тайинлаш).


2. Раҳбарларни ташқаридан ёллаш ёки сайлов орқали вазифага қўйиш.

3. Кадрлар заҳирасини маҳсус тайёрлаш.

Кадрларни жой-жойига қўйиш – бу бошқарув аппаратидаги мавжуд ёки ёлланган кадрларни унинг ичida мақсадга мувофиқ тақсимлашдир. Табиийки, имкони борича кадрларни тўғри тақсимлаш зарур.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ўзига хос мураккаб жараёндир. Ушбу жараённи раҳбар шахсининг сифат таркиби модели мисолида кўриб чиқамиз.

## **Раҳбар шахс сифатининг таркибий модели:**



**20-чизма. Раҳбар шахс сифатлари модели.**

### **14.3. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш**

Инсоният цивилизациясининг барча даврларида, ҳар қандай тузумда объектив равишда кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилган ва шундай бўлиб қолаверади. Президент И. А. Каримов таъкидлага-нидек: «Биз олдимиизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият-эътибори билан шу мақсадга йўналтирилган. Унда шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий аҳамиятлилиги ва ҳамкорлиги, бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги акс этган.

Яна бир кадрлар иши билан боғлиқ масала бу бошқарув ходимлари захирасини олдиндан тайёрлашдир. Анри Файол таъкидлаганидек «Бошқарув кадрларини тайёрлаш барчанинг, яъни оила, мактаб, ташкилот ва давлатнинг доимий ғамхўрлигига бўлмоғи керак».

Кадрлар ишининг моҳиятли томони-бу кадрлар захирасини тайёрлаш ва ўқитишидир. Кадрлар захираси турли лавозимларга мўлжалланган шахсларни ўз ичига олади: раҳбар мувонилари, бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа етук мутахассислар киради. Ҳар бир лавозим бошқасидан ўзининг фаолият обьекти ва иш тавсифи билан фарқланади.

Кадрлар захирасини тайёрлаш икки босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич – диагностика босқичи бўлиб, у ташкилотда раҳбар ёки ходимни иш жойидаги қобилияtlарини си-наш ва уни хизмат бўйича кўтариш учун ўтказилади.

Иккинчи босқич – захира билан ишлаш, бу жараён кадрларни турли малака ошириш курслари, факультетлари ва институтларида ҳамда бизнес мактабларида тайёрлашни ўз ичига олади

Бу ерда юқорироқ лавозимларга номзодлар бошқа корхоналар тажрибасини ўрганадилар, зарурий назарий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилотчилик билимларини оладилар.

Бундан ташқари захирадаги кадрлар билан ишлашда уларни энг илғор ташкилотларга, давлат идораларига ҳамда ривожлан-

ган мамлакатларга стажировкага ёки малака оширишга юбо-риш орқали ҳам амалга оширилади.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида республика-да ва хорижий мамлакатларда тўғланган тажрибалар атрофлича ўрганилди ва чукур таҳлил қилинди. МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон ва Россияда ушбу соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги маълум бўлди. Ўзбекистонда Республика Президенти ҳузуридаги «Давлат ва жамият қурилиши академияси», ушбу академия қошидаги «Олий бизнес мактаби», «Банк-молия академияси» ва бошқалар, Россияда ҳукумат қошидаги «Олий бизнес академияси», МДУ қошидаги «Бошқариш мактаби», МБУнинг «Раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» факультети шулар жумласига киради.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият идораларига раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Давлат ва жамият қурилиши академияси” да олиб борилади.

Барча соҳаларга бўлажак раҳбарларни тайёрлаш таянчи бўлиб олий ўкув юртлари ҳисобланадилар.

Ривожланган мамлакатлarda ҳам кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта аҳамият қаратилади. Япония донишманндарида шундай гап бор: “Ёмон хўжайн курмак ўстиради, яхшиси гурунч етиширади, ақллиси тупроқни яхшилади, узоқни кўзловчиси ходим тайёрлади”. Америкаликлар эса: “Америка ҳеч нарса қилмайди, америкаликлар қиласиди, ташкилот ҳеч нарса қилмайди, ташкилотдаги раҳбарлар ва ходимлар қиласидилар”, деб таъкидлашади.

Япония, АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида 2 йиллик «Олий бизнес мактаблар»и мавжуд бўлиб, уларда ёш раҳбар кадрлар ва истеъоддли мутахассислар маҳсус ўкув режа ва дастурлар асосида замонавий иқтисодиёт, бошқариш ва сиёсий соҳалар бўйича билим оладилар.

Аксарият ривожланган мамлакатлардаги етакчи олий ўкув юртлари қошида муддати бир ойдан бир йилгача бўлган турли даражадаги раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари фаолият олиб боради.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарият йирик компаниялари ўзининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларига эга бўлиб, уларда оддий ишчидан, то юқори лавозимдаги раҳбарларгача муентазам ўқитилиши ўйлга кўйилган.

Ривожланган мамлакатларда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ички ва ташқи бўлади. Йирик компанияларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ички тизими мавжуд бўлиб, асосий эътибор бошқарув билимларига, соҳа хусусиятларига ва инсон муносабатлари билан боғлиқ билимларга эътибор қаратилади ва бу тизимда асосан бўлажак раҳбарларга мослаштирилган маҳсус ўкув дастурларидан фойдаланилади. Бу ўқишилар бир ва икки йиллик бўлади. Бундан ташқари ҳар бир компания ва фирмада “Микросиёсат ва раҳбарлик этикаси” мавзудида қисқа мудатли мунтазам семинарлар ташкил этилади.

Раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ташқи тизими асосан университетлар қошидаги ва мустақил “бизнес мактаблари”да амалга оширилади. Бунда асосий эътибор бошқарув билимларига, бизнес юритиш қоидаларига, давлат ва муниципал идоралар тизимига, ҳуқуқий таълимга ҳамда инсон муносабатлари назарияларига қаратилади.

Кадрлар билан ишлашнинг яна бир муҳим томони турли дараҗадаги раҳбар кадрларнинг қисқа муддатли ўкув семинарларини ташкил этиш масаласидир. Бу борада юртбошимиз И. А. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I сессиясидаги маъruzасида: «... илмий марказлар, ўкув даргоҳлари, турли муассаса ва идораларда мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ муҳим ва долзарб, ҳал қўйувчи муаммолар таҳдилига бағишлиланган амалий семинарлар ўтказишнинг аҳамияти катта деб ўйлайман.

Айни вақтда бундай семинарлар мунтазам фаолият кўрсатиши, уларга имкон қадар кўпроқ истеъодод эгаларини жалб этиш лозим» эканлигини уқтиридилар.

#### **14.4. Маъмурий бошқарув ходимлари меҳнатини илмий ташкил этиши ва чет эл тажрибаларидан фойдаланиши**

Маъмурий бошқарув ходимлари меҳнатини ташкил этиши мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Ҳар бир бошқарув ходими учун бугунги кунда энг муҳим масала иш вақтидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқарув меҳнатини илмий асосда ташкил этишнинг бошлангич босқичи бошқарув аппарати ходимларининг иш вақтидан фойдаланишни ўрганишdir.

Иш вақтидан унумли фойдаланишни таҳлил этиш уни бекор сарф бўлишини аниқлаш, унинг сабабларини билиш, ишларни бажаришнинг янги шакллари ва усусларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Маъмурий бошқарув амалиётида раҳбарлар ва ходимлар меҳнати ва иш вақтидан оқилона фойдаланилмаслик қуидаги салбий оқибатларга: иш фаолиятида шошилишга, тез чарчашликка, толиқишига, ишдаги режасизликка, энг ёмони мотивациянинг (ундашни) сўнишига олиб келади.

Раҳбар ва ходимни иш вақтидан унумли фойдаланиши эса барча ишларни ҳисобга олиб боришга, ўз иш вақтини доимий назорат қилиб боришга, иш вақтини сарфлаш режасини ўрганишга бевосита боғлиқ бўлади. Бу эса иш вақтидан фойдаланишни мунтазам таҳлил қилишни, шахсий иш режасини доимий кузатиб боришни талаб этади.

Раҳбарлар ва ходимлар сарфлайдиган иш вақти тузилиши ва меҳнат мазмунини ўрганиш учун қуидаги усуllардан фойдаланилади:

- анкета сўровларини ўтказиш ва оғзаки савол-жавоб қилиш;
- иш вақтини кузатиш.

Анкета сўровлари ва оғзаки савол-жавоблар ўтказиш меҳнатнинг ташкил этилиши, иш вақтидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, раҳбарлар ва ходимлар меҳнат самарадорлигини оширишга, иш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирларни белгилаш мәқсадида амалга оширилади.

Иш вақтини кузатиш усулидан мўлжалланган кузатишлар мобайнида вақт сарфлари тузилишини белгилаш учун фойдаланилади. Бу усул қуидаги ҳолатларда кўлланилади:

- якка тартибда кузатиш, бунда объект айрим олинган раҳбар ва ходим бўлади;
- гуруҳли кузатиш, бунда бир хил ёки турли ишларни баҳарувчи раҳбарлар ёки ходимлар гуруҳи кузатилади;
- мустақил кузатиш, бунда айрим олинган раҳбарлар ёки ходим ўз иш вақтини ўзи ҳисобга олиб боради.

Юқоридаги усуllардан фойдаланиб иш вақти ва меҳнат фаолиятини доимий ўрганиш ва таҳлил этиш раҳбарлар ҳамда ходимлар ишининг самарадорлигини оширишга асос бўлади.

Бошқарув меҳнати самарадорлигини оширишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари алоҳида ўрин тутади. Масалан, бошқарув фаолиятини ахборотлар билан таъминлаш тизими, меҳнатга японча муносабатда бўлиш ва бошқариш.

АҚШда бошқариш тизимини автоматлаштириш яхши йўлга кўйилган бўлиб, бу жараён кам самарали босқичларни йўқотиш, хатоларга йўл қўймаслик, мақбул қарорлар қабул қилиш ва бошқа ижобий ҳолатларга олиб келади.

АҚШда бошқарув ходимлари иш жойининг қиймати 10-15 минг долларга боради. Бу эса бошқарув ходимлари иш жойларининг юқори даражада техник ва алоқа воситалари билан таъминлаганлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилишга олиб келди. Иш жойларини автоматлаштириш ҳар бир бошқарув ходими меҳнатининг самарадорлигини кескин оширади.

Хозирда АҚШнинг бошқарув соҳаси мутахассислари ва олимлари фикрига қараганда, маъмурий ходимлар вақтининг кўп қисми қарор қабул қилиш ва уни тайёрлашга эмас, балки, турли коммуникацияларга, яъни фикр алмашуви, турли нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларга сарфланар экан. Аниқланишича, бундай коммуникациялар раҳбар иш вақтининг 95% гача, матахассисларни эса 65% гача вақтни эгаллар экан.

Япония бошқарув тизимининг айрим соҳаларидағи тажрибалар ҳам ўрганишга лойиқdir. Масалан, соҳалар бўйича юқори раҳбарлик погоналарига ишга олиш механизмини кўриш мумкин. Маъмурий персонал билан таъминлашда аввали кўйидаги икки мезон асос қилиб олинади:

- ушбу фирма (компания)даги меҳнат даври (стажи);
- олинган маълумот даражаси.

Масалан, 85-90% дан ортиқ юқори лавозимдаги раҳбарлар умр бўйи ушбу фирмада ишлаш натижасида юқори лавозимга эришадилар.

Японияда аксарият компанияларни бошқариш ёлланма менежерлар томонидан амалга оширилади.

Хозирда фирма (компания)ларда президентларнинг 4 та тури мавжуд:

- Фирма асосчиси (ташкилотчиси);
- Меросхўр;
- “Фирмада тарбияланган”;
- “Амакудари” – нафақа ёшига етган давлат бошқарув аппарати хизматчиларини хусусий фирма (компания)лар раҳбари лавозимига ўтказиш тажрибаси.

Япония йирик компанияларининг фаолият кўрсатиши иш билармон фирмалар ва ҳукумат орасидаги шахслараро муносабатлар мажмуасига таянади. Шунинг учун корпорациялар собық давлат амалдорлари (чиновник) орқасидан “қувадилар”. Уларнинг аввалги фаолиятидаги ҳамкаслари билан алоқаларидан фирма (компания) манбаатлари учун фойдаланишга ҳаракат қиласидилар.

## **15-БОБ. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бошқариш тизимининг ташкил этилишига, унинг самарадорлигига ва такомиллашганиллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк дамларидан Президент бошлиқ ҳукумат асосий эътиборни бошқаришни такомиллаштиришга қаратиб келмоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида иккинчи долзарб вазифа қилиб “Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш” лозимлигини кўрсатиб, - “марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўғини ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган яхлит самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганини ҳам тан олиш керак”, деб таъкидлади.

Ушбу долзарб масалаларни ҳал қилишда миллий тажрибани таҳлил қилиш ва ривожлантириш билан бир қаторда маъмурий менежмент соҳасида эришилган хорижий ютуқларни ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

### **15.1. Маъмурий менежментда хорижий тажрибаларнинг хусусиятлари ва улардан фойдаланишнинг аҳамияти**

Маъмурий менежментда куйидаги уч тушунчани ажратса билиш мухим аҳамият касб этади: бошқарув, менежмент ва раҳбарлик:

**Бошқарув > Менежмент  
Менежмент > Раҳбарлик**

Ривожланган Фарб ва Шарқ мамлакатларида маъмурий менежментнинг куйида келтирилаётган умумий томонларини кўриш мумкин.

Маъмурий менежментнинг асосий мақсади – ташкилот маъмурити ривожланишида уйғунликни таъминлашдан, яъни ташкилотнинг барча ички ва ташқи элементлари фаолиятининг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашдан иборатдир.

Маъмурий менежмент мазмунига икки гуруҳ омиллар таъсир ўтказади:

- ташкилотлар ривожланиш тенденциялари;
- иқтисадиёт ривожининг ўзига хос миллий омиллари.

Шу билан бирга маъмурий менежмент мазмунини қўйидаги уч аспектда қараш мумкин:

- фан ва бошқариш санъати сифатида;
- раҳбарларнинг бошқариш қарорларини қабул қилиш жаёни ва фаолият тури сифатида;
- ташкилот фаолиятини бошқариш аппарати сифатида.

Маъмурий менежментнинг асосий субъектларига маъмурий бошқариш аппаратлари, уларнинг бўғинлари ва турли поғонадаги раҳбарлар ва ходимлар кирадилар. Уларнинг ҳар бири тегишли вазифаларга, ваколатларга ва масъулиятларга эга бўлади.

**Маъмурий менежмент** тамойиллари деганда ташкилот маъмуритининг самарали ривожланишини таъминловчи умумий қонуниятлар, турғун тартиб-қоидалар ва талаблар тушунилади.

Уларга қўйидагилар киради:

- бир бутунлик;
- поғоналар бўйича тартиблилилк;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- илмий асосланганлик ва мақбуллик;
- марказлаштириш ва номарказлаштиришнинг мувофиқлиги;
- демократлаштириш.

Ўзбекистон “Шарқ” ва “Фарбни” боғловчи Марказий Осиёда жойлашганлиги учун ҳам ўзбек менежерлари ва раҳбарлари Фарб ва Шарқ бошқариш маданиятларини билиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тажрибаларни ўрганмасдан ўзимизнинг раҳбарлик услубларимизни такомиллаштириш қийин кечади.

Маъмурий бошқарув амалиётида бошқариш маданиятлари қўйидагича туркмланади: демократик ва авторитар, очик ва ёпик ҳамда бошқалар.

Ушбу жадвалда Фарб ва Шарқ бошқариш маданиятлари таққослама ёндашув асосида берилган.

<b>Фарб</b>	<b>Шарқ</b>
<p>1. Партиципатив (ходимларни жалб қилиш усуслари) иштирок этиш моделининг афзалиги.</p> <p>2. Индивид (яккалик) – асосий сиёсат элементи.</p> <p>3. Сиёсий демократиянинг турғун анъаналари.</p> <p>4. Индивид сиёсатта тўйган, бироқ унда иштирок этиш қоидаларини қабул қила олади.</p> <p>5. Фарб динлари сиёсатда иштирок этишининг очиқ турини шакллантиради.</p> <p>6. Умуммиллий манфаатларнинг устунлиги.</p> <p>7. Умумий ва сиёсий маданиятда замонавийликни (модернизмни) устунлиги.</p> <p>8. Сиёсий ривожланишининг мурakkabлашуви ва шахсият омилининг кучайиши ҳисобига сиёсий сардорлар ролининг ортиши.</p> <p>9. Мустаҳкам ўрга синфнинг мавжудлиги ва унинг манфаатларига мос сиёсий менталитетнинг бирлиги.</p>	<p>1. Вазифага берилганлик сиёсий маданиятининг афзалиги.</p> <p>2. Умумийлик (оилавий, уручилик, касб-малакавий).</p> <p>3. Авторитар анъаналарнинг турғунлиги.</p> <p>4. Индивид сиёсатдан аллақачон тўйган, бироқ ҳали унга қўшилгани йўқ.</p> <p>5. Шарқ динлари сиёсатда иштирок этишининг яширин турини шакллантиради ва фанатик бўлади.</p> <p>6. Миллий-этник омил ўрнининг бирламчилиги.</p> <p>7. Анъанавий ва сиёсий маданиятнинг турғунлиги.</p> <p>8. Партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари ўрнининг ортиши ва харизма ҳисобига сиёсий сардорлар ролининг ортиши.</p> <p>9. Элита ва омма ўргасида кескин узилишнинг мавжудлиги ҳамда шунга хос сиёсий менталитет.</p>

Юқоридаги маданият турлари хусусиятларини раҳбар кадрлар ва менежерлар ўзларининг амалий фаолиятларида ҳисобга олишлари зарур. Шу билан бирга улуксиз инновацион таълим тизимида ҳам ушбу хусусиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки Ўзбекистоннинг буюк келажагини бошқариш меҳнатининг юқори маданиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

## 15.2. Маъмурий бошқарувда ривожланган мамлакатлар тажрибалари

Маъмурий менежмент тизимида гуруҳлар ўрни (статуси)ни асосий тавсифларини кўриб чиқиши ва улардан миллий иқтисодиётнинг турли бошқариш маданиятларида фойдаланиш энг долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун куйида ана шу

бошқарув тизимида гуруҳлар статусини асосий тавсифларини Япония, Россия ва АҚШ мисолида кўриб чиқамиз (7-жадвал):

7-жадвал

Япония	Россия	АҚШ
Гуруҳда ишлаш: 1. Мақсад сифатида 2. Ҳаёт усули 3. Табиий хатти-ҳаракат (хулқ) 4. Одат 5. Самарадорлик учун 6. Яхши қилиш усули ёки сифат учун	Гуруҳда ишлаш: 1. Восита сифатида 2. Ҳимоя элементи 3. Зарурый хатти-ҳаракат (хулқ) 4. Мажбурлаш 5. Тирикчилик учун 6. Кўп қилиш усули ёки қўллаш учун	Гуруҳда ишлаш: 1. Восита сифатида 2. Жараёнларни мукаммаллаштиришга (рационаллаштиришга йўл) 3. Амалга ошириладиган хатти-ҳаракат (хулқ) 4. Онгли равишда 5. Унумдорлик 6. Арzon қилиш усули ёки қобилият

Жадвалда келтирилган тавсифлардан кўриниб турибдики, маъмурий бошқарувда гуруҳда ишлашнинг Японияда эришилган маданиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг эволюцион ривожланишини таҳдил қилганда ишда инсонпарварлик муаммосини четлаб ўтиб бўлмайди, чунки у “инсон учун ишлаш” принципига асосланниб ҳал этилиши зарур бўлади. Собиқ иттифоқ даврида, яъни марказлашган режалаштириш ва маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда “инсон иш учун” деган принцип хукмронлик қилган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқур ўрганиш ва таҳдил этиш айнан “инсон учун ишлаш” приципи ҳозирда асосий эканлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида бўш **вақтга** объектив эҳтиёж мавжудлиги муаммосини илгари суради. Ривожланган мамлакатларда иш фаолияти ва бўш вақт муаммолари қўйидагича ҳал этилади:

1. Яхши бажармоқ учун файрат билан ишлаш.
2. Ишда ва дам олишда кўпроқ сифатга эътибор бериш.
3. Бўш вақтни эҳтиёт қилувчи интенсивликка бош тамойил сифатида қараш.
4. Ишда юқори тузилишга эга бўлишлик бўш вақтда ҳам юқори тузилишга эришишликка олиб келиши.

Маъмурий бошқарувда раҳбар ва ходимларнинг бўш вақтларини оқилона режалаштириш иш фаолияти самарадорлиги-

ни оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Изланишлар натижаларига кўра давлат бошқарув тизими раҳбарлари ва бизнинг менежерлар америкалик ҳамкасларига нисбатан бир кунда ўртacha 1,5 -2 соат, айрим ҳолларда ундан ҳам кўп ишлайдилар.

Юқоридагилар билан бир қаторда Farb ва Шарқдаги ривожланган мамлакатлардаги маъмурий бошқарувнинг қуидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин(8-жадвал):

8-жадвал

Япония	АҚШ
<b>I. Ташкилий тузилишнда :</b>	
1.Организмик тузилиш 2.Горизонтал боғланишлар бирламчи 3.Вазифалар инсон имкониятларига қаратилган 4.Хатти-ҳаракатларда жамоатчилик руҳи бирламчи	1.Механик тузилиш 2.Вертикал боғланишлар ҳал этувчи 3.Вазифалар топшириқни бажаришга қаратилган 4.Хатти - ҳаракатларда индивидуализм кучли
<b>II. Таъсир ўтказиш усул ва услубларида:</b>	
1.Ижтимоий-психологик-демократик 2.Иқтисодий-автократик 3.Маъмурий-демократик, либерал	1. Иқтисодий-демократик 2. Маъмурий-автократик 3.Ижтимоий-психологик-либерал, демократик

Булардан ташқари маъмурий бошқаришдаги қайта боғланишларнинг ташкил этилишини ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланиш мақсаддага мувофиқ бўлади.

**Қайта боғланиш** – бошқариш қарорлари натижаларини назорат қилиш демакдир.



### 21-чиизма. Қайта боғланиш шакли

Ривожланган мамлакатлардаги қайта боғланишларнинг қуидаги турларини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди:

1.“Говори”усули – ҳар бир ходим аноним талаб ёзиши ва ушбу муаммони ечишга жавобгар бўлган тегишли инстанцияга юбориши мумкин.

2.“Очиқ эшиклар” усули – ўзини қониқтирувчи жавоб олмагунча ҳар қайси ишловчи турли погонадаги раҳбарга мурожаат этиши мумкин.

3. “Калла ошиб” усули – ҳар бир ходим ҳеч бўлмаганда йи-  
лига бир марта ўз раҳбарининг раҳбари билан албатта суҳбат  
куриши лозим.

4. “Жамоатчилик фикрини ўрганиш” усули – ягона анкета  
орқали ҳар бир ходим аноним сўровга жалб қилинади. Анкета-  
да кенг қамровли қуидаги йўналишларда саволлар бўлади:  
кадрлар сиёсати, иш ҳолати, истиқбол ҳақида, раҳбарларни  
баҳолаш ва бошқалар.

Албатта, бу усулларни қўллашда ташкилотда мавжуд мада-  
ният, унда ишловчиларнинг савияси ва бошқа омиллар эъти-  
борга олиниши зарур.

### **15.3. Маъмурий бошқарувда миллий тажрибалар таҳлили**

Юқорида маъмурий бошқарувда хорижий тажрибалар  
ўрганилди ва улардан миллий иқтисодиётда фойдаланиш усул-  
лари кўриб чиқилди. Ушбу соҳада Ўзбекистонда шаклланган  
тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш келажакда уни тако-  
миллаштириш йўлларини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида маъмурий менежментнинг таш-  
кил топиши ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар:

– бозор механизмининг шаклланиши ва унинг давлат то-  
монидан тартибга солиниши билан бирга олиб борилиши (иж-  
тимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш);

– жамиятнинг маҳсулот ва хизматларга оулган эҳтиёжи ту-  
зилишининг ўзгариши, маъмурий менежментнинг энг аввало  
истеъмол товарларига бўлган талабларни қондиришга ҳамда  
уларни илфор технологиялар асосида ишлаб чиқаришга  
йўналтирилганлиги;

– маъмурий бошқарувнинг иқтисодиёт таркибий тузили-  
шини яхшилашга қаратилганлиги ҳамда ушбу маҳсадда хори-  
жий инвестицияларни жалб қилишга шароит яратишга  
йўналтирилганлиги;

– ресурсларнинг чегараланганлиги муносабати билан ички  
рақобатнинг кучайиши ва ўзимизнинг анъанавий маҳсулот ва  
хизматларга бўлган талабнинг камайиши;

– рақобатнинг халқаролашуви ва бунинг оқибатида халқаро  
стандартларга мажбуран мослашиш;

– ташкилот ва муассасалар фаолиятига ижтимоий ва эко-  
логик талабларнинг кучайиши ҳамда бошқарувнинг ташкилот  
самарадорлигининг ташки омилларирига йўналтирилганлиги;

– маъмурий менежментнинг профессионаллашуви, бошқарув  
ижтимоий аҳамиятининг ортиши ва уни баҳолашнинг зарурлиги;

– бошқариш кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини замон талабларига мос равища та-комиллаштириш;

– кадрларни замон талаблари асосида танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини ривожлантириш ва бошқалар;

Ушбу ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда маъмурий бошқарув тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида амалий ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Умуман бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон таж-рибасида икки асосий йўналиши мавжуд:

1. Эволюцион йўл — бошқариш жараёнларида ислоҳотларни тинч, аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли. Бундан ислоҳотларнинг кетма-кетлиги, босқичлари, йўналиши, кўлами олдиндан ишлаб чиқилган концептуал асосларга таянади.

2. Революцион йўл — бошқариш тизимидағи ислоҳотлар бирдан-нига, ижтимоий-иктисодий муносабатлардаги ўзгаришларга мажбу-ран мослаштириш орқали амалга оширилади. Бунда ислоҳотчилар аввалги давлат тузумига қарши бўлгандарнинг кўплигидан фойдала-надилар, бироқ бундай дастурлар натижасида кўпчилик ютқазади, озчилик эса ютади, оқибатда жамиятда табақаланиш кучайиб ижти-моий кескинликлар зўрайди. Ушбу ҳолни Россия мисолида яқъол кўриш мумкин.

Ўзбекистон биринчи йўлни танлади, яъни Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга таяниб жаҳонда “ўзбек модели” деб ном олган йўлдан бор-моқда. Ушбу йўлнинг тўгрлигининг исботи сифатида Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иктисодиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган бугунги ўрнини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда маъмурий бошқарув тизимини такомиллаш-тириш борасида қуйидаги долзарб вазифаларни ҳал қилиш би-ринчи галдаги масалалалар қилиб белгиланган:

1. Ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституционал принципига тўла амал қилинишини таъминлаш;

2. Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтириш;

3. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш ти-зимини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда бошқарув соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғри йўлдан бораётганлиги жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари йирик олимлари, давлат арбоблари томонидан тан олинмоқда.

## **16-БОБ. МАЬМУРИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

Лотин тилида *effectivus* сўзи маълум самара берувчи таъсирчанликни, унумдорликни ангалатади. Бу кенг қамровли тушунча бўлиб, ундан инсон фаолиятининг барча соҳаларида фойдаланилади. Мазмунан самарадорлик **иш фаолиятининг натижавийлиги** ва ушбу ишни бажариш учун сарфланган энг оз (минимал) ҳаражатлар ҳажмини акс эттирувчи – **тежамлилик** тушунчалари билан бевосита боғлиқ. **Самарадорлик** деганда сарфланган ҳаражатлар билан натижавийлик даражасини таққослаш тушунилади. Менежмент самарадорлигини бошқариш фаолиятида “самарадорлик” тушунчасини намоён бўлиш шакли деб қарашиб тўғри бўлади.

**Демак, Маъмурий бошқарув самарадорлиги – бу бошқариш фаолиятининг натижавийлигидир.**

### **16.1. Бошқариш самарадорлиги мазмуни ва унга таъсир этувчи омиллар**

Бошқариш **самарадорлиги** унинг бошқарилувчи объект мақсадларига эришишдаги ва ижтимоий-иқтисодий самарасини таъминлашдаги натижавийлиги билан бошқариш ҳаражатларини ва унда фойдаланилган ресурсларни таққослаш орқали аниқланади. Бошқариш самарадорлигини **иқтисодий маъноси** – бошқариш ҳаражатларининг жорий ҳолатида макро ва микро даражада энг кўп иқтисодий самарани таъминлаш бўлса, **ижтимоий маъниси** – ьюшқариш ҳаражатларини жорий ҳолатида энг кўп ижтимоий самарани таъминлашдир.

Умуман, жамият нуқтаи назаридан иқтисодий самара янгидан ҳосил қилинган қиймат ёки ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**), ялпи миллий маҳсулот (**ЯММ**), миллий даромад (**МД**) кўринишларида ифодаланади.

Алоҳида олинган хўжалик юритувчи бўғиннинг иқтисодий самараси соф даромад ва фойда микдори билан намоён бўлади. Иқтисодий самаранинг бундай изоҳланиши бошқариш самара-

дорлигини аниқлашнинг ягона усулини қўллаш имкониятини беради.

Бошқаришнинг ижтимоий самарасини аниқлашда ҳам худди шундай қарашни (концепцияни) қўллаш мумкин. Ижтимоий-иктисодий тизим нуқтаи назаридан **ижтимоий самара** – ходимларнинг турмуш даражаси ва сифати билан ифодаланади.

Замонавий бошқариш назариясида маъмурий менежмент самарадорлигининг қўйидаги кўринишлари мавжуд:

1. **Ўзаро таъсир ва таъсир ўтказиш воситалари бўйича** – мақсадли, мотивацияли, стратегик, тактик, ресурсли, харажатли, режали, дастурли, концептуал, функционал;

2. **Самаранинг мазмуни бўйича** – иктиносидий, ташкилий, ижтимоий, экологик;

3. **Вақт омили бўйича** – истиқбол, жорий ва оператив;

4. **Бошқариш тизими ривожланиш босқичлари бўйича** – шаклланиш, тикланиш, такомиллашиш, ислоҳ қилиш;

5. **Бошқариш фаолияти кўринишлари бўйича** – маркетинг, инновация, инвестиция, молиявий, ишлаб чиқариш, тижоратчилик, тадбиркорлик;

6. **Самарадорлик шакли бўйича** – менежмент тизими, бошқариш фаолияти, бошқариш жараёни, раҳбар ва ходим фаолияти.

Маъмурий бошқарув самарадорлигининг белгилари қўйидагилардан иборат:

1. Инсон – ташкилотнинг бош ресурси. Ташкилотда ҳар бир ходим foявий манба ҳисобланади;

2. Янгиликларни киритишга йўналтирилганлик;

3. Мустақиллик ва ташаббускорликни ривожлантириш;

4. Ташкилот умумий қадриятларига йўналтирилганлик;

5. Ходимлар ва раҳбарларнинг ўз ишига содиқлиги;

6. Ташкилот, раҳбарлар ва ходимларнинг оддийлиги, соддалиги ва камтарлиги;

7. Кучли харизматик сардорларнинг мавжудлиги.

## **16.2. Маъмурий бошқарув самарадорлиги қўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари**

Маъмурий бошқарув самарадорлиги унинг фаолият натижавийлиги орқали намоён бўлади.

Ташкилот фаолияти натижавийлигининг асосий мезонлари қўйидагилардан иборат:

1. Таъсирчанлик — ташкилот мақсадларига эришиш даражаси;
2. Тежамлилик — зарурий ва сарфланаётган ресурслар (харжатлар)нинг нисбати;
3. Фойдалилик — жами харажатлар ва даромадлар ўргасидаги нисбат;
4. Мехнат фаолияти сифати — ходимларнинг меҳнат шароитлари;
5. Инновацион фаоллиги — ташкилот фаолиятининг турли соҳаларига янгиликларни жорий қилиш ва бошқалар.

Маъмурий бошқарувнинг асосий ресурслари қўйидагилардан иборат:

- инсоний;
- моддий;
- молиявий;
- экологик;
- ахборот-технологик;
- макон ва замон;
- ташқи алоқалар ва коммуникациялар;
- ички муҳит ва коммуникациялар.

Маъмурий менежмент самарадорлиги қўйидаги йўналишларда баҳоланади:

- баҳолаш мақсадини аниқлаш ва асослаш;
- баҳолаш кўрсаткичлари мезонларини танлаб олиш;
- охириги натижа ва мақсадни ҳисоблаш;
- маъмурий бошқарув натижавийлигини аниқлаш;
- мақсадларни ресурслар билан таъминланганлигини аниқлаш;
- охириги натижанинг ресурсларга нисбати (ресурслар тежамлилиги);
- иқтисодий самара миқдорини аниқлаш;
- иқтисодий самаранинг ҳар бир ресурс (ҳаражат) миқдорига нисбати;
- иқтисодий самарани бошқариш харажатларига нисбати;
- ҳар бир фойдаланилган ресурслар (ҳаражатлар) тури миқдорини тегишли ресурслар салоҳиятига нисбати;
- таъсир этиш воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бошқариш жараёнлари самарадорлигини аниқлаш: стратегия, меҳнат мотивацияси, бошқаришни ташкил этиш шакллари;
- салоҳиятнинг ҳар бир тури бўйича миқдорини аниқлаш: ресурсли, ташкилий, ахборот, илмий-техникавий, экологик, кадрлар бўйича;

- самараларни аниқлаш: иқтисодий, ижтимоий, экологик, ташкилий, илмий-инновацион;
- ижтимоий-иқтисодий тизим салоҳиятининг ҳар бир туридан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш.

Маъмурий бошқарув самарадорлигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

### **I. Микроиқтисодий даражада:**

1.  $C_6 = \Phi : X_6$ :  $C_6$  – самарадорлик кўрсаткичи;  
 $\Phi$  – ташкилот фойдаси (даромади);  
 $X_6$  – бошқариш ҳаражатлари.
2.  $K_x = I_c^b : I_c$ :  $K_x$  – бошқарув ходимлари коэффициенти;  
 $I_c^b$  – бошқарув ходимлари сони;  
 $I_c$  – ташкилот ходимларининг умумий сони.
3.  $K_x = X_b : X$   $K_x$  – бошқариш ҳаражатлари коэффициенти;  
 $X_b$  – бошқарув ҳаражатлари;  
 $X$  – ташкилотнинг умумий ҳаражатлари.

### **II. Макроиқтисодий даражада:**

1.  $C_6 = \Delta ЯИМ : X_b^M$ ;  $C_6^M = \Delta ЯММ : X_b^M$ ;  $C_6^M = \Delta МД : X_b^M$ ;  
 $C_6^M$  – макродаражада бошқарув самарадорлиги;  
 $\Delta ЯИМ$  – ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши;  
 $\Delta ЯММ$  – ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши;  
 $\Delta МД$  – миллий даромаднинг ўсиши;  
 $X_b^M$  – макродаражадаги бошқариш ҳаражатлари.

2.  $K_c^M = I_c^b : I_c^M$

$K_c^M$  – макродаражадаги бошқарув ходимлари сони бўйича самарадорлик коэффициенти;

$I_c^b$  – макродаражадаги бошқарув ходимлари сони;  
 $I_c^M$  – макродаражадаги ишловчиларнинг умумий сони.

Макроиқтисодий даражадаги аниқланган бошқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари миқдорининг ижобий ёки салбийлиги аввалги йиллардаги кўрсаткичлар билан ёки бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар билан таққослаш орқали аниқланади.

### **16.3. Маъмурий бошқарув самарадорлигининг иқтисодий барқарорликка таъсири**

Ҳар қандай даражадаги ташкилотнинг муваффақиятлари ёки инқизози бошқариш жараёнининг мақсадга мувофиқ ташкил этилганлигига, унда ишловчи раҳбарлар, ходимлар ва мутахассисларнинг фаолиятига бевосита боғлиқ эканлиги “Менежмент” фанидан мәълум. Ташкилотнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлиги эса маъмурий бошқарувнинг самарадорлигига, унда ишловчи раҳбар кадрларнинг оқилона фаолият кўрсатишига боғлиқ. Шунинг учун маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари тизимли ёндашишни талаб этади.

Маъмурий фаолият натижаларини таҳлил этиш ва унинг бошқариш тизимини ўрганиш асосида маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

**1. Бошқариш тизимини такомиллаштириш**, уни максимал даражада соддалаштириш, ундаги кўп фаолиятларни марказдан жойларга бериш, малака ва шахсий сифатларини инобатга олиб раҳбарлар ваколатларини аниқ белгилаш ва бошқалар.

**2. Ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.** Ушбу тадбир кучли ва бўш томонларни таҳлил этиш асосида ҳамда унинг барча функционал соҳаларини ўз ичига олувчи сиёсати ва фалсафасини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

**3. Бўгинлар**, бўлимлар ва ходимлар ўртасидаги самарали коммуникация алоқаларини таъминловчи **ахборот тизимини** ишлаб чиқиш. Рағбатлантириш механизми, бошқариш тартиб-қоидлари ва қарор қабул қилиш тизимларини шакллантириш.

**4. Раҳбар ва ходимларни мунтазам ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали уларни малакасини ошириб бориш, уларда ишга ижодий ёндашиш, янгиликка интилиш, изланиш, ташаббускорлик, омилкорлик ва уддабуронлик кўнимкамларини ривожлантириш.**

**5. Раҳбар кадрларни тўғри танлаш, ўқитиш, баҳолаш ва уларни лавозим бўйича ўтказиш (кўтариш) тизимини ишлаб чиқиш, раҳбарлар лавозим (мансаб)ларини режалаштириш. Ташкилотга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларга мос бўлган раҳбарлик услубларини (автократик, демократик ва либерал) кўллаш.**

**6. Ходимлар таркибини ишчанлик қобилияtlари ва мосла-шувчанлик хусусиятлари бўйича шакллантириш**, уларни

баҳолаш ва танлашнинг энг самараали усулларини қўллаш асосида ташкилотда қулай ижтимоий-психологик мұхитни яратиш.

7. Барча раҳбарлар ва ходимлар томонидан тан олинувчи ва кўллаб-қувватланувчи биргаликдаги қадр-қимматларни ишлаб чиқиши асосида ташкилот маданиятини сабот билан шакллантириш.

Юқоридагилар билан бир қаторда маъмурий бошқарув тизими тежамлилигига эришиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, ташкилот иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг мұхим белгиларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30-сентябрдаги “Шаҳарлар ва туманлар ҳокимларини аппарати тузилмасини такомиллаштириш түғрисида”ги 459-сонли қарори ҳам айнан маъмурий бошқарув тизими самарадорликни оширишга қаратилганлиги, унда юқорида келтирилган самарадорликни ошириш йўлларининг барчаси эътиборга олинганлиги диққатга сазовор бўлиб, мамлакатимизда ушбу соҳани такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан асосланганлигига мисол бўлади.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчил ва ишончлилигини мамлакатимизда мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликда кўришимиз мумкин.

Иқтисодий ўсиш кейинги 5 йилда бир маромда, 4,0-4,5% атрофига бўлди. Бундай муттасил ривожланиш мамлакатни 1990 йилги иқтисодий даражага чиқиб олиш имкониятини яратди ҳамда 2001 йилда биринчи бор ялти ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103% ўсишига эришилди. Макроиктисодий барқарорликни сақлаш иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ қўзга ташланди. Шу жойда эътироф этиш лозимки, ушбу қўрсаткич бўйича Россия 2001 йили 1990 йилги даражанинг 64%, Украина 46%, Қозоғистон 72%, Қирғизистон 69 фоизга эриша олди, холос.

## ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

**Маъмурий менежмент** бошқаришнинг маҳсус қисми бўлиб, бошқарувчи тизим ичидаги муносабатларни, унинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари, усул ва услубларини ўрганади, яъни турли соҳа ташкилотлари маъмурияти фаолиятларини ташкил этиш, режалаштириш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, мотивация қилиш (ундаш) ҳамда раҳбарликни оқилона уюштириш усулларини ўрганади.

**Маъмурий менежментнинг асосий мақсади** – ташкилот маъмурияти ривожланишида уйғунликни таъминлашдан, яъни ташкилотнинг барча ички ва ташқи элементлари фаолиятини самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашдан иборатдир.

**Маъмурий менежментнинг асосий субъектлари** – маъмурий бошқариш аппаратлари, уларнинг бўғинлари ва турли погонадаги раҳбарлар ва ходимлар кирадилар. Уларнинг ҳар бири тегишли вазифаларга, ваколатларга ва масъулияtlарга эга бўлади.

### Классик менежмент мактаблари:

**1. Маъмурий ёндашув** – бошқариш фаолиятлари амалиётига олдиндан кўра олиш, ташкил этиш, раҳбарлик, назорат каби тушунчаларнинг жорий этилиши. Яъни бошқаришни оқилона ташкил этиш ва тартибга солиш тадбирлари тизимини шакллантириш (А. Файол, 1841-1925).

**2. Бюрократик моделлар.** Бош фоя – ходимларнинг вазифаларини, бурчларини ва ҳуқуқ доираларини аниқ тақсимлаш, фаолиятларнинг, ихтисослаштириш аниқ белгиланган қоидалар асосида раҳбарлик қилиш ва бошқалар (М. Вебер, 1864-1920).

**3. Психотехник ёндашиш.** Ходимлар унумдорилигига физиологик, психологик ва эргономик омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш. (В. Вундт, 1832-1920).

**4. Инсон муносабатлари мактаби.** Бош фоя – ижтимоий гурӯҳларнинг шаклланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришда ҳамкорга айланишини ўрганиш (Э. Мэйо, 1880-1949).

**5. Янги мактаб.** Бошқариш илмига кибернетика ва аниқ фанлар аппаратини жорий этиш (М. Бир, 1959).

**6. Ижтимоий тизимлар мактаби.** Бош гоя – шахс йўлида айрим тўсиқларнинг мавжудлиги ва низоларнинг пайдо бўлиши. Буни ҳал этиш учун инсонларнинг табиий эҳтиёжларини ўрганиш (Х. Саймон, 1916).

**Маъмурий бошқарув қонуилари:**

- Бошқарувни ихтисослаштириш;
- Бошқарув тизимининг ягоналиги;
- Бошқарувни зарурий ва етарли даражада марказлаштириш;
- Бошқарувни демократлаштириш;
- Вақт қонуни (вақтни тежаш);
- Бошқаришда барчанинг иштирок этиши.

**Принцип (тамойил)** – бу белгиланган тартиб, қоида бўлиб, ундан ҳар қандай фаолиятда, жумладан, бошқарув фаолиятида ҳам фойдаланиш мумкин. Маъмурий бошқарув тамойиллари бошқарув қонун ва қонуниятларидан келиб чиқади, улар қонунни тушуниш ва унга тўла бўйсуниш, уни бузмаслик мақсадида ишлаб чиқиласди.

**A. Файолнинг бошқариш тамойиллари:**

- меҳнат тақсимоти;
- ҳокимлик;
- интизом;
- фармойиш беришнинг ягоналиги;
- раҳбарликнинг бирлиги;
- шахсий манфаатларнинг умумий манфаатларга бўйсуниши;
- рағбатлантириш;
- марказлаштириш;
- бошқариш поғоналари;
- тартиб;
- ҳаққонийлик (адолатлилик);
- ходимлар таркибининг турғунлиги;
- ташаббус;
- ходимларнинг бирдамлиги (ҳамжиҳатлиги).

**Маъмурий бошқарувнинг алоҳида тамойиллари:**

1. Бошқаришда марказлаштириш ва номарказлаштиришнинг мутонасиблиги тамойили;
2. Ҳукуқлар, мажбуриятлар ва масъулияtlарни мувофиқлаштириш тамойили;
3. Бошқаришни демократлаштириш тамойили.

**Маъмурий менежмент** бошқариш фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у бошқарувчи тизим ичидаги муносабатлар-

ни ўрганади. Маъмурий бошқариш тизими ҳам ўз субъекти ва объектига эга.

**Маъмурий менежментнинг субъектига юқори бошқариш органлари ва алоҳида раҳбарлар корпуси киради, унинг объектига эса қуи бошқариш органлари ва айрим ташкилот маъмурияти, бошқарма, департамент, бўлимлар ҳамда уларда ишловчи фоалияти тартибга солинадиган мутахассислар ва ходимлар гурӯҳи кирадилар.**

**Маъмурий менежмент тизимининг турлари:**

1. Давлат ва маҳаллий (муниципал) бошқаришнинг маъмурий тузилишлари;
2. Бизнес (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш)ни бошқаришнинг маъмурий тузилишлари;
3. Ихтимоий соҳаларни бошқаришнинг маъмурий тузилишлари;
4. Бозор инфратузилмаларини бошқаришнинг маъмурий тузилишлари.

**Маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари:**

Ҳокимият тизимлари бўлиннишининг конституционал таомойилига амал қилинишини таъминлаш.

Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг са-марадорлигини кучайтириш.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

**Давлат қурилишининг асосий тамоиллари:**

- халқнинг эркин хоҳиш-иродаси;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсуниши;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга масъуллиги;
- ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир.

**Референдум** – бу халқнинг тўғридан-тўғри, бевосита хоҳиш иродасидир.

**Президент** – Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиги бўлиб, айни вақтда Вазирлар Маҳамасининг Раиси ҳам ҳисобланади.

**Олий Мажлис** – олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп partiyaийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат бўлади.

**Вазирлар Маҳкамаси** – Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи органи бўлиб, унинг таркибини Президент тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти** – бу вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласидаган ҳалқ депутатлари Кенгашлари бўлиб, ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятларини ҳудудий тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

**Маъмурий бошқарув даражалари:**

- энг юқори звено раҳбарлари;
- ўрта бўғин (звено) раҳбарлари;
- қуий звено раҳбарлари.

**Қуий звено раҳбарлари** – аниқ ва функционал вазифаларни амалга оширувчи мутахассисларнинг фаолиятларини ташкил этувчи ва тартибга солувчи раҳбарлар ҳисобланади.

**Ўрта звено раҳбарлари** – қуий бўғин раҳбарлари фаолиятларини ташкил этувчи, тартибга солувчи ва назорат қилувчи раҳбарлардир. Ўрта бўғин раҳбарлари одатда, ташкилотдаги айрим олинган соҳани ёки йирик бўғинни бошқаради. У юқори звено раҳбарлари билан қуий звено раҳбарлари ўртасида ўзига хос буфер (кўприк) вазифасини бажаради.

**Юқори звено раҳбарлари** – ўрта ва қуий звено раҳбарлари фаолиятларини бошқариб, умуман ташкилот миқёсидаги асосий ва муҳим қарорларни қабул қилиштага жавоб беради.

**Маъмурий ходимларнинг ҳуқуқлари:**

- қарор қабул қилиш;
- аниқ масалалар бўйича кўрсатмалар бериш;
- ваколат доирасида ҳужжатларга имзо қўйиш;
- тегишли ахборотларни олиш;
- тегишли ташкилотларда (органларда) ваколат доирасида иштирок этиш;

– меҳнат фаолияти натижаси бўйича моддий ва маънавий манфаатдорлик ва бошқалар.

**Маъмурий бошқарув ходимларининг бурчлари:**

- белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириш;
- белгиланган тартибда бошқа хизматчилар билан муносабатда бўлиш;
- топшириқларни ўз вақтида бажариш;
- жамоада ижтимоий-руҳий ҳолатни яхшилашга эришиш;
- ички тартиб-қоидаларни бузмаслик;
- юқори раҳбарнинг буйруқ, кўрсатмалари ва йўриқномаларини сўзсиз бажариш;
- жамоа манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиш ва бошқалар.

**Маъмурий бошқарув ходимларининг жавобгарликлари:**

- этик (ахлоқий);
- ҳуқуқий;
- иқтисодий.

“Тузилиш” – сўзи бошқарув элементлари бирлашувини, улар орасидаги ўзаро муносабат ва алоқаларни яхлит тизим эканлигини англатади.

**Бошқаришнинг ташкилий тузилиши** деганда бошқарув бўғинларининг бирлашувини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда улардаги мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш тушунилади.

**Бошқаришнинг ташкилий тузилиши элементлари:**

- бошқариш звенолари (бўғинлари);
- бошқарув пофоналари;
- бошқарув ходимлари ва бўғинлари орасидаги боғланишлар;
- бевосита ходимлар ўртасидаги муносабатлар;
- горизонтал ва вертикал алоқалар.

**Бошқаришнинг расмий ташкилий тузилиши** деганда юқори ташкилот ёки давлатнинг тегишли идоралари томонидан тасдиқланган ва ҳуқуқий кучга эга бўлган ташкилий тузилишлар тушунилади.

**Бошқаришнинг норасмий тузилиши** ташкилотда ишловчи жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосида шаклланади (улар қарашларининг бирлиги ва қаррама-қаршилиги, манфаатлари, дунёқараши, мойиллиги ва бошқалар).

